

SOHIBQIRON YULDUZI

ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

АЪЗОЛАРИ:

академик Акмал Саидов
академик Анатолий Сагдуллаев
академик Дилором Юсупова
Сирожиддин Саййид
проф. Абдурахим Эркаев
проф. Қахрамон Ражабов
проф. Юлдуз Эргашева
проф. Баҳодир Эшов
филол.ф.д. Нафас Шодмонов
Тўлқин Ҳайит
т.ф.д. Г.Мўминова
проф. Шокир Гаффоров
филол.ф.д. Хўжамурод Жабборов
филол.ф.д. Дамин Тўраев

Бош муҳаррир:

Очил Бўриев

Масъул котиб:

Азизбек Норов

Нашр учун масъуллар:

Равшан Тўхтамишев

Илҳом Тоғаев

Саҳифаловчи:

Баҳодир Мусаев

МУАССИС:

SOHIBQIRON SHULASI M.CH.J.

Қашқадарё вилоят матбуот ва ахборот
бошқармасида 2012 йил 12 мартда
14-076 рақами билан рўйхатга олинган.

Журнал йилда 4 мартаба чоп этилади.
Журналдан қўчирма олинганда манба
қайд этилиши шарт.

Манъилимиз:

Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси,
2-уй. Телефон: 221-13-78. 91.466-80-32
Теришга 24.02.2021 йилда берилди.
Босишга 24.03.2021 йилда рухсат
этилди. 24.03.2021 йилда босилди.
Бичими 70x100 1/16. 8,0 босма табақ.
Адади 100 нусха. Бўйртма № 261
Журнал «Photo Express» ишлаб чиқариш
корхонаси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили:

Қарши шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

Электрон манъилимиз:

sohibqiron_jurnali@mail.ru

2021 йил № 1 (43)



2021 йил-Ёшларни қўллаб-
қувватлаш ва аҳоли
саломатлигини мустаҳкамлаш
йили.

Журнал таниқли шоир, маънавият
жонкуяри (марҳум) Исмоил Тўхтамишев
ташаббуси билан ташкил этилган.
2010 йилдан чоп этилади.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация
Комиссияси раёсатининг 2018 йил
29 декабрдаги 260/7-сонли қарори билан
«Тарих» фанлари бўйича илмий журналлар
рўйхатига киритилган.



MUNDARIJA

ЎЗБЕКИСТОН ДУРДОНАЛАРИ

Очил Бўриев, Қашқадарё воҳаси зиёратгоҳларнинг этнографик тавсифи4

ТЕМУРШУНОСЛИК

Хўжамурод ЖАББОРОВ, Тарағай қишлоғи ва тарағайликлар.....10

ҚАТАГОН ҚУРБОНЛАРИ

Ғулом МИРЗО, "ЭЙ, ДАРВЕШ" (хужжатли қисса).....18

ТАРИХШУНОСЛИК

Давронбек ЖАМОЛОВ, Миллий маданият ва унинг таркибий қисмлари.....24

Тулқин ҲАЙИТ, Жонмард қассобни зиёрат қил.....29

Мўътабар ЎРОЛОВА, Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон хотин-қизларининг меҳнат фронтидаги ўрни.....35

Б.ИМОМОВ, Ш.ИМОМОВ, Уз қавмининг этник тарихи: баъзи чизгилар.....42

Ойдиной ОЧИЛОВА, Темурийлар даврида тиббиётнинг ривожланиши.....48

Фозил ТУРСУНҚУЛОВ, XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошларида Самарқанд уезди бошқарувида ўзгаришлар.....53

Насриддин НАЗАРОВ, Турк рунологияси ҳамда уни ўрганиш масалалари.....59

Шохсанам СУЛАЙМОНОВА, Шароф Рашидовнинг Ўзбекистон таълим, фан ва маданияти тараққиётидаги хизматлари.....67





ТАДҚИҚОТЛАР

Г. МЎМИНОВА, У.САЪДИНОВ, Ўзбекистонда сил касаллигига қарши кураш тарихидан.....	72
Асрор ПАРДАЕВ, Мустақиллик йилларида Қашқадарё вилояти иқтисодиётидаги ўзгаришлар.....	78
Ўктамжон АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида педагогларни тайёрлашда маънавий-маърифий ишларнинг ўрни..	82
Ғолиб ХОЛИҚОВ, Ўзбекистонда тез тиббий ёрдам хизматини ташкил этишда хорижий давлатлар билан ҳамкорлик.....	88
Сарвиноз ОМОНОВА, Хотин-қизлар спорт ва аҳолини соғлом турмуш тарзи.....	92
Улуғбек УМАРОВ, Россия империясида паспорт тизимининг шаклланиш тарихи.....	98
Нафиса АХМАДОВА, Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси интеграция муносабатларининг янги босқичга кўтарилиши.....	103
Жасур МАҲМАТҚУЛОВ, Ўзбекистонда ички ишлар органлари тизимидаги ислохотлар.....	108
Нафиса АХМАДОВА, Ўзбекистон Республикаси билан Хитой халқ Республикаси интеграция муносабатларининг янги босқичга кўтарилиши.....	114





O'ZBEKISTON-ZIYORATGOHLAR YURTI

QASHQADARYO VOHASI ZIYORATGOHLARINING ETHNOGRAPHIC TAVSIFI

Очил БЎРИЕВ

"Азиз авлиёлар, саҳобалар мақбараларини қутлуғ қадамжоларини зиёрат этмоқни ҳам фарз, ҳам қарз деб билур эдим"

Соҳибқирон Амир Темур

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида халқимиз анъанавий маданияти ва тарихини муштарак қисми ҳисобланган тарихий ёдгорликлар ва зиёратгоҳларнинг кайта тикланиши ушбу маданий мерос объектларининг бугунги кунда мамлакат иқтисодий ва маънавий ривожига ҳамда аҳоли турмуш тарзидаги ўрни муҳим эканлигини кўрсатмоқда.

Жаҳон миқёсидаги ҳозирги глобаллашув даврида цивилизацияларнинг интеграциялашуви ва халқларнинг миллий ўзлигини англаш ва локал маданиятларни сақлаб қолишга интилиш устувор масалага айланмоқда. Бу эса турли тарихий-этнографик минтақалардаги маданий мерос объектларини халқ маданиятининг негизи сифатида чуқур илмий асосда ўрганишни тақозо этмоқда.

Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон Ўрта Осиё мамлакатлари ичида бой меъморий-тарихий ёдгорликлари, муқаддас зиёратгоҳ ва қадамжоларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Жаннатмакон Ўзбекистоннинг жаҳонга танитадиган тарихий ва меъморий ёдгорликлари анча бисёр. Юртимиз шу жиҳати билан ҳар қандай сайёҳни ҳам ўзига жалб этмоқда. Бу заминда ўтган буюк зотлар бутун ислом оламида ҳам машҳур бўлиб, улуг муҳаддислар, фақиҳ уламолар, тариқат пирлари, шоиру адиблар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, албатта.

Буюк аждодларимиз ҳақида дуо қилиш мақсадида зиёратга келувчи, бетакрор обидаларни кўришга олис ва яқин юртлардан келаётганларга барча шарт-шароитларни яратиш бевосита мамлакатимиз раҳбарияти раҳнамолигида амалга оширилмоқда.

"Очиқ осмон остидаги музейлар" сифатида эътироф этилган Самар-қанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз каби доврўғи жаҳонга машҳур бўлган шаҳарларга ташриф буюрувчиларнинг сони тобора ошиб бормоқдаки, бу зиёрат ва ички туризмни янада ривожлантиришни кун тартибига қўймоқда.

Асрларга бўйлашган юртимизда кўплаб зиёрат ва қадамжоларни этнографик йўналишда ўрганиш ва уларни халқимиз этномаданиятидаги ўрнини кенг жамоатчиликка етказиш долзарб бўлиб турибди, ҳаттоки хорижий сайёҳларни ҳам қизиқтирмоқда. Шу боисдан кейинги йилларда "Ўзбекистон - зиёрат-



гоҳлар юрти" ибораси кенг кўламда ва кўпчилик халқаро эксперт, мутахассислар томонидан тўла тан олинмоқда. Чунки зиёратгоҳ ва қадамжолар инсоният моддий маданиятининг, қолаверса Ватан тарихи ва этнографиясининг муштарак қисми ва объекти ҳисобланади.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: "Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб авайлаш, ўрганиш ва келажак авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир" (Мирзиёев Ш.М. Таълим ва маърифат, тинчлик ва бунёдкор сари йўл. Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. 2016 йил 18 октябрь. - Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-ж. - Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2017. Б.29)

Ўзбекистонда мустабид тузум, яъни Россия империяси босқини, сўнгра Совет ҳокимияти даврида исломий тарихий маданий ёдгорликларга жумладан, зиёратгоҳлар ва қадамжоларга беписанд муносабатда бўлинган эди. Айниқса, қабоҳатли Совет ҳокимияти даврида бу муқаддас жойлар "эскилик сарқити" деб, ўгайланди, тўғрироғи эътибор берилмади. Мазкур йўналишдаги қонунчилик ҳам ҳукмрон коммунистик мафкура руҳида эди.

Тарихий-этнографик манбалардан маълумки, Қашқадарё воҳаси Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган салоҳияти маъмурий-географик минтака ҳисобланиб, воҳанинг ўзига хос географик жойлашув хусусиятлари қадимдан ўтроқ ва ярим ўтроқ деҳқон ва чорвадор аҳолининг маданий алоқаларида ўзига хос этномулқот ҳудуди бўлганлигини тасдиқлайди. Шу билан бирга, воҳа аҳолисининг моддий ва маънавий маданиятида ҳам маълум этник ўзига хос жиҳатлар мавжудки, улар узоқ йиллар мобайнида ҳудудда кечган тарихий ва этномаданий жараёнлар натижаси ҳисобланади.

Маданий мерос объектлари каби маҳобатли зиёратгоҳлар атайин бузиб юборилиб, қурилиш материаллари клуб, хумдон, кўприк, хўжалик идораси каби жойларга ишлатилган. Кўпинча аҳоли гавжум жойларидаги зиёратгоҳлар атайин "Атеистлар (дахрийлар) уйи"га айлантирилган. Зиёратгоҳлар омборхона, ўғитхона, устахона, гараж, чигитхона, пилахона кабилар учун фойдаланилган. Масалан, Қарши шаҳридаги Одина мажмуасида (XIV аср) қамоқхона, Ғузор тумани Бек қўрғонидаги тарихий-меъморий обида пивохона жойлашган эди. Тўғрироғи, қадамжолар ва зиёратгоҳлар муҳофазага олинмаган ва сақланиши кафолатланмаган эди. ЎзМТДП Қашқадарё вилояти Кенгаши тарихий объектларнинг аҳволини ўрганиб, хулоса беришича, Қарши шаҳридаги мавжуд 60 та маданий объектларнинг бугунги аҳволи қаровсиз ҳолатдадир. "Ҳарамжўй" маҳалласидаги XVII асрнинг 50-60 йилларида қурилган масжид 2000 йилда қулаб тушган. Ушбу масжид 2-жаҳон уруши даврида омборхона вазифасини ўтаган. Шунингдек, "Чақар" маҳалласидаги "Шарофбой" мадрасаси қаровсиз ҳолга тушиб қолган, ҳаттоки шаҳарнинг 2700 йиллик юбилейи даврида ҳам таъмирланмади ("Қашқадарё зиёкори", 2018 йил 16 октябрь). Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин, мазкур мавзу алоҳида тадқиқотни талаб этади, албатта.



O'ZBEKISTON-ZIYORATGOHLAR YURTI

Ўзбекистондаги зиёратгоҳларни салмоғи жиҳатидан қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Мусулмон оламига машҳур ва кўплаб мамлакатлардан зиёратчилар ташриф буюрадиган масканлар;
2. Бир вилоят ёки минтақа атрофида маълум бўлган ва фақат маҳаллий аҳоли зиёрат учун борадиган жойлар;
3. Фақат бир касб ва фаолиятга (косиблар, ҳунармандлар, қурувчилар, чавандозлар ва бошқ.) мансуб вакиллар зиёрат қиладиган жойлар;
4. Янги ташкил этилган ва аҳоли ўртасида хали оммалашиб улгурмаган масканлар;
5. Табиатнинг маълум қонуниятлари асосида пайдо бўлган элемент ва бирикларнинг маҳаллий аҳоли томонидан муқаддаслаштирилиши натижасида вужудга келган муқаддас жойлар (сув манбаи (қудуқ, ҳовуз, шаршара, булоқ ёки чашма), дарахт, тош, гор ва бошқалар)
6. Тарихий шахслар томонидан қурилиб, маълум вақт ўтгач аҳоли ўртасида оммавийлашган ва муқаддаслашишига улгурган мусулмон меъморий ёдгорликлари: мавзолей, хонақоҳ, масжид, мадраса, машҳур кишининг қабри ва шу кабилар.

Ўзбекистон мустақиллиги даврида тарихий ҳақиқатни тиклаш, миллий идрокини юксалтириш, зиёратгоҳлар ва қадамжоларни ободонлаштириш соҳасида давлат сиёсати даражасидаги тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса муқаддас зиёратгоҳ ва қадамжоларни ҳар томонлама ободонлаштириш муносабати билан зиёрат туризми равнақ топмоқда.

Юртбошимиз 2021 йил 31 март куни Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгазининг норасмий саммитида таъкидладик: «...динимиз тарихида беқиёс из қолдирган улуг боболаримиз мероси билан кенг жамоатчиликни яқиндан таништириш эзгу интилишларимизга мосдир. Бу борада мамлакатимиз ҳудудида жойлашган муқаддас қадамжолар бўйлаб, «Табаррук зиёрат» лойиҳасини амалга оширишни таклиф этамиз. Бунинг учун Кенгаш доирасида зиёрат туризмини ривожлантириш дастурини қабул қилиш мақсадга мувофиқдир» («Янги Ўзбекистон», 2021 йил 1 апрель)

Мустақиллик йилларида юртимизда тарихчи, элшунос, шарқшунос, манбашунос, санъатшунос, меъмورشунос ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар тадқиқотчилари тарихий-меъморий ёдгорликлар, жумладан зиёратгоҳлар тарихини ҳам қизиқиб ўрганишмоқда.

Мамлакатимиздаги зиёратгоҳлар ва қадамжолар этнографик хусусиятлари ҳақида тўлақонли асарлар яратилмаган. Муқаддас зиёратгоҳ ва қадамжолар этнографик маълумотлар Г.П.Снесарев, В.Н.Басилов, Я.Ғуломов, К.Шониёзов, А.Аширов, Н.Абдулаҳатов, З.Обидова, С.Жўраева, Ф.Оқчаев каби элшунослар асарларида мавжуд. Айниқса, бу йўналишда истиқлол йилларида натижадор тадқиқотлар вужудга келди.

Қашқадарё воҳаси муқаддас зиёратгоҳларини ўрганиш бўйича ҳам илмий изланишлар олиб борилиб, буларга У.Уватов, И.Райҳонов, Ш.Ашурова, Ш.Шаропов, И.Холиёров, С.Исомиддинов, А.Бердиев, А.Жуманазар, Ф.Ҳайитова каби муаллифларнинг асарлари яққол мисол бўла олади. Лекин тадқиқотлар мазкур



соҳадаги эзгу ва хайрли ишларнинг дебочаси, холос. Воҳа муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларини комплекс тарзда ўрганиш бўйича янада кенг қамровли ва чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш талаб этилмоқда.

Тарихий обидалар, асори атиқалар, мақбара ва қадамжоларга доир манбалари таҳлилий ўрганиш мана шу зиёратгоҳлар билан боғлиқ тарихий воқеаларни чуқур англашга ва ўтмиш тўғрисидаги илмий қарашларни янада кенгайтиришга асос бўлади.

Истиқлолдан сўнг табаррук заминимизда туғилиб вояга етган ва мангу ором топган буюк азиз-авлиёларимиз хотирасига ёдгорлик мажмуалари барпо қилинди. Жумладан Бухорода-Абдулҳолиқ Гиждувоний ва Баҳоддин Нақшбанд, Самарқандда-Имом Бухорий ва Имом Мотуридий, Марғилонда- Бурҳониддин Марғиноний, Термизда-Термизийлар, Қаршида-Абу Убайда ибн Жарроҳ, Тошкент шаҳрида Ҳазрати Имом сингари ёдгорлик мажмуалари ободонлаштирилди. Халқимиз ҳаётида чуқур из қолдирган, бутунги кунда том маънода муқаддас зиёратгоҳларга айланган бундай маҳобатли мажмуалар маънавий оламимизни юксалтиришга улкан ҳисса бўлиб, қўшилмоқда.

Ўзбекистонда маданий меросимизнинг муштарақ қиёфаси ҳисобланган зиёратгоҳ ва қадамжоларни авайлаб сақлаш тўғрисида етарли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Бош Қомусимизнинг 49-моддасида муҳрланганидек: "Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий маданий ва маънавий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир" (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2019. Б.17)

Кейинги йилларда юртбошимиз ташаббуси билан зиёрат ва ички туризмни янада тараққий эттириш бўйича қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларда соҳада йиғилиб қолган муаммолар ечимини топиши учун устувор вазифалар белгиланди. Зиёрат ва ички туризм равнақи учун кўплаб имтиёзлар ва энгилликлар берилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги "Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 июлдаги "Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2018 йил 15 февралдаги "Муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар, масжидлар ва қабристонларни ободонлаштириш ишларини самарали ташкил этиш тўғрисида"ги қарор, Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6165-сонли "Ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2021 йил 6 апрелдаги «Туризм спорт ва маданий мерос соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу соҳадаги вазифаларни янада қамровдор амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда 2001 йилдан буён ҳар йили 31-август Қатагон қурбонларини ёд этиш куни сифатида кенг нишонланмоқда. «Шаҳидлар хотирасини ёд этиш» мажмуаси бунёд этилди. «Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди, Қатагон қур-



O'ZBEKISTON-ZIYORATGOHLAR YURTI

бонлари хотираси Давлат музейи ва вилоятлардаги битта олий таълим муассасасида бўлимлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 октябрдаги «Қатагон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойиши билан бу йўналишда муҳим дастур бўлиб хизмат қилмоқда.

Маданий мерос муҳофазасини таъминлашга оид 5 та қонун, 40 дан ортиқ қонун ости ҳужжатлари, 20 дан зиёди кейинги йилларда қабул қилинди. Ўзбекистон томонидан ЮНЕСКОнинг соҳага оид 4 та конвенцияси ратификация қилинди.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев уқтирганидек: "Ўзбекистон саёҳат ва зиёрат учун қулай мамлакат ҳисобланади. Чунки она заминимизда бугун дунёга маълум ва машҳур бўлган аждодларимиз қолдирган бой маънавий-маданий меросга халқаро майдонда қизиқиш жуда катта" (Мирзиёев Ш. Ўзбекистонда туризмни янада ривожлантириш масалалари ҳақида. - "Халқ сўзи", 2017 йил 4 октябрь)

Давлатимиз раҳбарининг ҳар сафар бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан яқиндан танишиш ҳамда халқимиз билан мулоқот қилиш ниятида ҳудудларга ташрифларини давлат муборак қадамжоларни зиёрат қилишларида ҳам улуг ҳикмат мужассамдир.

Шу боисдан ҳам ҳозирги даврда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан халқимизнинг қадимий бой тарихи ва бой маданий меросни тиклаш ҳамда жаҳон жамоатчилигига етказиш бўйича кўплаб амалий ишлар бажарилди. Хусусан, 2019 йил 22 февралда Бухорода зиёрат туризми бўйича халқаро фестиваль ўтказилди.

Жаҳонда 600 мингтадан зиёд тарихий-археологик ёдгорликлар, музейлар ва бошқа муассасалар мавжуд. Шундан 750 таси жаҳон халқлари маданияти рўйхатига киритилган. Ўрта Осиё ҳудудида 2000 тага яқин муқаддас масканлар мавжуд бўлиб, шундан 1000 дан зиёди Ўзбекистонда жойлашган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 8208 та ёдгорлик давлат муҳофазасига олинган бўлиб, шундан 2225 таси меъморчилик, 4748 таси археология ёдгорликлари, 678 таси маҳобатли санъат (монументал) ёдгорликлари, 532 таси диққатга сазовор жойлардир. 4 мингдан зиёд модий-маданий ёдгорликлар ЮНЕСКО рўйхатига олинган (Расулов М.Ф. Қашқадарё вилоятидаги маданий мерос объектларини сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш ҳолати (XX аср 80-йиллари бошлари) - Қарши ДУ хабарлари, 2020 йил 4-сон, Б.82)

Ислом таълимоти, тасаввуф фалсафаси, ҳадис илми бўйича буюк аждодларимиздан қолган бой меросни изчил ўрганиш ва ижодий ўзлаштириш нақадар муҳим бўлса, бундай табаррук зотларнинг ҳаёт ва фаолияти билан боғлиқ муқаддас зиёратгоҳлар тарихини акс эттирган тарихий обидалар Қашқадарё воҳасида ҳам асрлар мобайнида авайлаб асраб келинмоқда. Вилоятнинг Ғузор туманидаги Мири Жанда ота, Мусофир ота, Қамаши туманидаги Мушкул ота, Косон туманидаги Исахон ота, Аллаёр эшон, Китоб туманидаги Қабри Охун ота, Чироқчи туманидаги Кўктош ота, Кўктўнли ота, Ҳаким ота, Қарши туманидаги Еттигўл ота, Шайх Шиблий, Касби туманидаги Султон Мирҳайдар ота,



Муродбахш ота, Яккабоғ туманидаги Қура шайх, Тутак ота каби табаррук масканлар ободонлаштирилди.

Истиқлол даврида Ўзбекистонда аждодларимизнинг муқаддас дини бўлган исломнинг жамиятимиздаги ўрнини қарор топтириш бўйича улкан тадбирлар амалга оширилди. 1999 йил 7 апрелда Тошкент Ислом университети (ҳозирги Ўзбекистон Халқаро ислом академияси) очилди. Айти вақтда мамлакатимизда 10 диний таълим муассаса, жумладан Тошкент ислом институти, 9 та ўрта махсус ўқув юрти фаолият юритмоқда. Ислом цивилизацияси маркази очилди. Ислом энциклопедияси икки марта нашр этилди. (2004, 2017).

Бухорода Мир Араб ва Тошкентда Кўкалдош мадрасалари мавжуд. Қабохатли совет тузуми даврида Ўзбекистондан 130 нафар киши ҳаж амалини бажарган бўлса, бугунги кунда ҳар йили 5 минг нафардан зиёд юртдошларимиз мусулмонлик бурчини адо этмоқда. Ўша даврда юртимизда 87 масжид, 2 та мадраса мавжуд бўлган бўлса, бугунги кунда 2083 та масжид фаолият олиб бормоқда (2021).

Муқаддас динимизнинг энг асосий манбаси - Қуръони карим илк бор ўзбек тилида Шайх Алоуддин Мансур (1991) ва Шайх Абдулазиз Мансур томонидан (2001) нашр этилди. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф 2011 йилда Қуръони каримнинг маънолар таржимасини тайёрлади.

2017 йил 19 сентябрда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида янграган "Маърифат ва диний бағрикенглик" ғояси остида Тошкентда Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридий халқаро илмий тадқиқот марказлари ташкил этилди. Ҳадисшунослик, калом илми, ислом ҳуқуқи мактаби, тасаввуф, ақида илмлари мактаблари самарали фаолият юритмоқда. Кейинги йилларда Абдухлолик Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Мотуридий каби буюк алломаларимизнинг таваллудлари кенг нишонланди. Халқаро Амир Темур жамоат фонди самарали фаолият юритмоқда. Яқинда Халқаро Алишер Навоий жамоат фонди иш бошлади.

Маълумки, инсонларнинг бир-бирларини зиёрат қилиб туришлари улар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик каби эзгу алоқаларни мустаҳкамлайди. Агар у зиёратдан мақсад дўстларини Аллоҳ учун зиёрат қилиш ёки силаи раҳм қилса, унга кўплаб кўплаб яхшиликлар ва савоблар берилади. Бунинг учун энг аввало зиёратнинг моҳияти ва одоблари ҳақида билимларга эга бўлиш талаб этилади.

(Давоми бор).



Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат, нотижорат ташкилотларнинг ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди гранти асосида "Жаҳолатга қарши маърифат билан курашган мутафаккирлар" лойҳаси асосида буюк аждодларимизнинг ватанпарварлик, миллатпарварлик ва тараққийпарварлик соҳасидаги маънавий-маърифий меросини ёшлар онгига етказиш.



TARAG‘AY QISHLOG‘I VA TARAG‘AYLIKLAR

(Тарихий-этнографик лавҳалар)

ХЎЖАМУРОД ЖАББОРОВ

Қарши давлат университети

Таҳририят: Қарши давлат университети "Ўзбек тилшунослиги" кафедраси профессори, филология фанлари доктори Хўжамурод Жабборов ўз соҳаси бўйича кўплаб илмий-оммабоп мақолалар, ўқув-услубий қўлланмалар, йирик монографиялар муаллифи сифатида нафақат вилоятимизда, балки мамлакатимизда ҳам пешқадам ва сермаҳсул тилшунос олимлардан бири саналади.

Шунингдек журналимиз таҳрир ҳайъатининг фаол аъзоси, профессор Х.Жабборов юртимизнинг мозий тарихи билан ҳам қизиқиб, қатор мақолалар ёзган. У кўп йилларидан буён ўзи таваллуд топган қадимги маскан Чироқчи туманидаги А.Темурнинг ота юрти Тарағай қишлоғи тарихи ва этнографияси билан ҳам жиддий шуғулланиб, "Тарағайнома" номли салмоқли битик тайёрламоқда.

Қуйида таниқли олимнинг ушбу тарихий-этнографик лавҳаларидан парчалар эълон қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатимизда туризмни изчил ривожлантириш истиқболлари, сайёҳлик объектларидан самарали фойдаланиш, кўрсатилаётган хизмат турлари сифатини ошириш, юртимизга ташриф буюраётган сайёҳлар оқимини кўпайтириш борасида бир қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2019 йил 5 январдаги "Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги ПФ 5611-сонли қарорида "2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси"га мувофиқ Европа ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан товар айланмаси, ташиладиган йўловчилар сони ва инвестицияларни кўпайтириш учун республикадаги транспорт алоқа тизимини тубдан яхшилаш мақсадида хорижий алоқаларни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилди¹⁴.

Аёнки, туризм - мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, ушбу тармоқни янада такомиллаштириш зарур эканлигини даврининг ўзи тақозо этмоқда. Ўзбекистон ҳам саёҳат, ҳам зиёрат учун қулай

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611 Фармони.



мамлакат. Чунки она заминимизда бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган аждодларимиз мангу қўним тошган қадимий масканлар, зиёратгоҳларга анча бой. Улар қолдирган бой маънавий-маданий мерос объектларига халқаро майдонда қизиқиш кундан-кунга ортиб бормоқда.

Замонавий туризм истиқболларидан бирини - республикамиздаги ноёб табиий тоғ ва тоғ олди масканлари, улардаги табиий тоза ҳаво, наботот ва ҳайвонот олами, тарихий қадамжойлар ва зиёратгоҳлар ташкил қилади.

Ўзбекистоннинг тоғ экотуризмни ривожлантиришда республиканинг бир қатор вилоятлари қатори Қашқадарё вилоятининг ҳам ўз ўрни бор. Вилоятнинг Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Чироқчи, Қамаш ва бошқа туманлари ўзининг тарихий зиёратгоҳларга бойлиги, бу туманларда соҳибқирон Амир Темур бобокалонимизнинг қадамлари теккан қадамжойлари, унинг номи билан боғлиқ тоғ ва ғорлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, бетакрор ландшафт манзараси, миллий анъаналар ва таомлар ошхонаси билан сайёҳлар эътиборини қозониб келади.

Энг муҳими, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 19 - декабрдаги "Моддий, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 октябрдаги 846- сонли "Моддий, маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори билан Тарағай маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли 1997-йилда барпо этилган Амир Темур ва вазирлари сиймоси тасвирланган ҳайкаллар, монументал санъат ёдгорликлари, Дунётёпа ёдгорлиги эса I-IV асрлар даври объекти сифатида рўйхатига киритилди.

Бугунги кунда ушбу қарорар ижросини таъминлаш бўйича вилоятимизда муайян ишлар йўлга қўйилмоқда. Моддий, маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхати тасдиқлангандан сўнг вилоятимизда амалий ишлар қилинмоқда.

ТАРАҒАЙ ҚИШЛОҒИНИНГ ҲУДУДИЙ ЖОЙЛАШУВИ: ЭТНИК ТАРКИБИ, АҲОЛИСИ ВА ТАБИАТИ

Тарағай Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги Қалқама воҳаси жаммоа хўжалиги қарашли қишлоқ. Қалқама воҳаси эса Ҳисор тоғ тизмаларининг жанубий ёнбағрида жойлашган бўлиб, тумандаги бир неча қишлоқларни ўзида бирлаштирган тоғли воҳа ва аҳоли маскани саналади. Ўнг томонидан Тарағайсой, Лангарсой сувлари, чап томонидан Қуруқсой, Бузовутсой сувлари оқиб келиб бирлашган жойнинг оралиғидаги кунгай тумшукда жойлашган ва ҳозирги Қалқама сув омбори ёнидаги баландлик бағридаги кичик қишлоқ. Лекин бу ҳудудда истеъжомат қилувчи одамлар Уйшун билан Оёқчи оралиғидаги 19 та қишлоқлар мажмуини Қалқама, одамларини қалқамалик дейишади. Бунинг сабаби шуки, ўтган XX асрнинг 30-йилларида шўролар шу Қалқама қишлоғи қуйисида қишлоқ совети ташкил қилган. Номини Қалқама қишлоқ совети деб аташган. Маҳкама



учун пахсадан мўъжазгина бино қуришган. Ёнида медпункт ташкил қилган. Биринчи тиббий муассаса шу ерда бўлган².

Қалқама воҳаси баландликнинг кунгай бетида. Пойидан дарё оққан. Одамлар ана шу дарё ва булоқдан сув ичишган. Ёзда дарё бўйига кўчиб тушишган. Деҳқончилик қилишган. Бу ерни ҳаят/ҳайат деб аташган. Қишлоқнинг гарбидан ҳам дарё оққан. Ўрталиқ жой бўлгани учун қишлоқ советига қарашли барча қишлоқларга ва аҳолисига нисбатан Қалқама номи қўлланган. Қишлоқ қуйисидаги чорраҳа ялангликда бозор ҳам бўлган. Бозор ёнида атрофи тошлар билан ўралган "Занжирсарой" қудуғи бўлган. Қишлоқ советига тегишли қишлоқлар: 1. Чамбил. 2. Ақчава. 3. Қўрғонтепа. 4. Манғит. 5. Галабек. 6. Эрал. 7. Давтош. 8. Хонттепа. 9. Каттақишлоқ. 10. Новқишлоқ. 11. Қалқама. 12. Говхона. 13. Ҳезалак. 14. Қурисой. 15. Тарағай. 16. Барлос. 17. Лангар. 18. Тўлақул. 19. Тутли. Бу қишлоқлардан бизни қизиқтиргани Тарағай қишлоғи.

Тарағай ҳудудий, яъни географик жиҳатдан жойлашувига кўра - ўзига хос ҳудудли атрофи тоғ ва қирлар билан ўралган қишлоқ. Қишлоқ шимолдан - Самарқанд вилоятининг Муронқул, жанубдан - Қалқама, Чамбил, гарбдан - Лангар, шарқдан - Қуруқсой, Ҳезалак қишлоқлари билан чега-радош.

Тарағай қишлоғи маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдуллажон Хушвақтовнинг маълумотича (маълумот 2021-йилнинг 1-январь ҳолатига кўра) Тарағай қишлоғи аҳолиси 4312 нафар, шундан эркаклар сони 2076, хотин-қизлар эса 2236 нафарни ташкил этади. Қишлоқда 683та хўжалик (хонадон) бўлиб, 1168 та оила яшайди. Қишлоқда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган фуқаролар 863нафар, шундан 435 нафари хотин-қизлардир. Вояга етмаган фуқаролар, яъни 1 ёшдан 18 ёшгача бўлган сони 2679 нафар шундан 1382 нафар қизлар, нафақадагилар сони 278 нафар, ногиронлар сони 71 та, ўқувчилар сони 980 тани, шундан 483 нафари қизлардир. Қишлоқда асосан барлос, чўйит, қиёт/қийанни (қишлоқ аҳли қиётни қийанни уруғи деб ҳам юритишади) жуз каби уруғ вакиллари яшайди.

Қишлоқ ҳудудининг ўнг ва чап тарафларида 120 дан зиёд қишлоқчалар, булоқлар, сойлар, адирлар, дарёчалар, жилғалар, тепаликлар, қирлар, даралар, чўққилар мавжуд. Бу объектларнинг ҳар бирининг ўз номи бор. Тарағай қишлоғи атрофидаги қишлоқчалар, булоқлар, сойлар, адирлар, дарёчалар, жилғалар, тепаликлар, қирлар, даралар, чўққилар (бу номлар 1976 йилнинг апрель ойида ёзиб олинган - Х.Ж.) номларини ёзиб олганмиз.

Қишлоққа кириб бораверишда Тарағай дарёсининг чап ва ўнг томонларида жой номларини аталишига эътибор берайлик? Уларда ота-боболаримиз томонидан ҳар бир объектга ўзининг турли хил белгилари: катта - кичиклиги, қарашлилиги, чуқур ва саёзлиги, узун-қисқалиги, жойлашув ўрни, сувли ва сувсизлиги, ўсимликнинг оз ва кўплиги, иссиқ-совуқлиги каби мотивлари асосида ўзига хос ва мос номлар қўйилган. Масалан, Саразм, Дунётепа, Қизилолма, Фармонтош, Амир Темур гори - Зарафшон

² Нормуродов М. Қалқама - олимлар юрти. Номшунос олим. - Қарши: 2008.-Б.7.



тоғ тизмасининг Қоратепа тоғ бағридаги Тарағай қишлоғининг юқори қисмидаги Бодомзор ҳамда Оқнов қоясидаги ғор, Туркқурғон, Шаҳартепа – Амир Темур қадамжолари номлари, Мўғол/Мўғулнинг ҳавори (мўғуллар қароргоҳи), Чиниқайрағоч, Шамолли, Калтақўл, Жармия, Бодомзор, Арчалигардон, Шилха, Шайтонжилға Муқимкўл, Қоратош, Тераклисой, ўравлисой, Қоровул бобосой, Туялисой, Қаторсой, Қизбулоқ, Зарангбулоқ, Тулабулоқ, Хушмонбулоқ, Совуқ булоқ, Керагай тош, Қизил тош, ўалдирик тош, Қўрғон, Кавил қўрғон, Қавузота, Хўжаҳаёт, Гурсуллактош, Чўнқилтош, Чўмичбўлоқ, Сунгалтош, Катталалми, Бўғинтош, Бойқишлоқ, Синжавут, Тўнғизли... кабилар. Бу номларнинг аталиш ва қўйилиш тамойиллари, номларнинг замиридаги маънолар ўрганилса, Қашқа воҳаси тарихининг ўчмас излари кўз олдингизда намоён бўлади.

Қишлоқ Ҳисор тоғи Зарафшон тоғ тизмаларининг шундоққина ён бағрида жойлашганлиги, бу ҳудудда турли-туман булоқлар, сойлар, даралар, жилгалар, қирлар, адирлар, тепаликлар, чўққилардан ташкил топганлиги учун ҳам табиати фусункор. Тарағай қишлоғида етиштирилган лалми узумлар тилни ёради, ажойиб оқ кишмиш, қора кишмиш, султони каби узумлардан майизлар етиштирилади. Ҳудуди ҳам бир неча минг гектар, энг катта водий. Кўм-кўк боғзорлар-у бодомзорлар, дўлана-ю узумзорлари тоғ ёнбағри бўйлаб юқорига чўзилиб кетган. Баҳордан то кеч кузгача анвойи гуллар очилиб туради бу ерда. Тоғ тизмаларидан оқиб тушадиган жилгалар қишлоқни қоқ ёриб ўтаётган Тарағай дарёсига келиб қўшилади.

Қишлоқ аҳолисининг яшаш хонадонлари Тарағай дарёсининг ўнг ё чап қирғоғида жойлашган. Айрим ҳудудлари – оромгоҳ. Барчаси азал-азалдан ток экиб узум, майиз етиштиришган. *Олма, ўрик, нок, беҳи, олча, гилос, тут, бодом, сариқ дўлана, қора дўлана, қизил дўлана, ёнгоқ, наъматак, маймунжон, чия, писта, беҳи//мурут, жийда* каби мевали, чинор, терак, заранг, тол, арча, қайрағоч, учқат каби мевасиз дарахтлар кўп. Сугорма деҳқончилик оилавий томорқа ва боғотларда олиб борилади.. Лалми деҳқончилиги – *арпа, бугдой, тариқ, нўхат, зиғир*. Чорва учун қулай водий.

Табиат бу масканга сахийлик билан шундай соф ҳаво бахш этганки, нафас олиб тўймайсан киши. Лаззати тилни ёрар ширин-шакар мевалари, турли-туман дардларга даъво бўладиган, буюк ҳақим Ибн Сино тилга олиб ўтган *шотут, кийик ўт, пидана, равоч, газакўт, сунбул, айикўт//айиктовон, аврук, қонтепар, ҳолвапихи, туятушпон, ямпиз//пидана, исмалоқ, мойчечак, чучмома, қоқи ўт, зубтурум, анжир пиёз, саримсоқпиёз* сингари шифобахш гиёҳларини таърифласанг катта бир дoston бўлади. *Кийик ўт, чой ўт, чамбич, қўзиқорин, чакчак, арпабодиён, тоғчой, зира, зиравой, қизилмия, коврак, игғир//игир* сингари кўкатлар ўзининг шифобахшлиги билан ошқозон, буйрак касаликларига даъво бўлиб, у организмда қон айланишни яхшилайдди, иштаҳани очади.

ТАРАҒАЙ ҚИШЛОҒИНИНГ ЎТМИШИГА БИР НАЗАР

Қишлоқнинг қачон пайдо бўлганлиги, одамлар бу ерга қачон кўчиб келганлиги тўғрисида бизда аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Қишлоқнинг неча



TEMURSHUNOSLIK

ёшга тўлганлиги бизга қоронғу. Аммо шуни айтиш керакки, қишлоқнинг ўтмиши ниҳоятда аянчли бўлган. Тоғликлар эрта-ю кеч меҳнат қилиб, оғир турмуш кечирганлар.

Тарағай қишлоғининг ўтмиши ҳақида фикр юритганда, бу қишлоқ билан боғлиқ узоқ тарихий воқеаларни эслаш ўринлидир. Тарағайнинг бутунги тарихи узоқ замонлардан бери буюк Туроннинг шон-шарафга бурканиб ётган жуда узоқ кечмишидан бир парчагина, холос. Бутунги кунда Муҳаммад Тарағай Баҳодир номи билан юритилиб келинаётган қутлуғ қишлоқнинг ўтмиш тарихи унинг бағрида кечган воқеалар ҳақида ҳикоя қилади...

Македониялик Искандар Зулқарнайн Суғдиёнани (милоддан аввал 329-327) ҳужум қилиб босиб олади. Юз минглаб ерлик халқ қулликка айланганди, беҳисоб моддий бойликлар талон-тарож қилинди, ерлар сув ўрнига қон ичди. Спитамен бошчилигида зулмга қарши қўзғолонлар олиб борилди. Зарафшон тоғ тизмаларида жойлашган "Қоратоғ" бағрида - Амир Темур гори ва Туркқўрғон қаттиқ жанглар бўлиб ўтган ҳудудлардир. Эндиликда бу ердаги жанглар озодлик курашининг охириги нуқтаси бўлиб қолган.

Мўғуллар босқини даврида ўлканинг гуллаб яшнаган шаҳар-қишлоқлари бамисоли култепага айланди, ҳаёт издан чиқди, аҳолиси гавжум бўлган воҳалар бўм-бўш бўлиб қолди. Мўғуллар Қумдарёнинг бош қисмидаги Тарағай қишлоғига кириб боришдаги ҳудуд ерларини, ҳозирги Қалқама сув омбори ўрнини бузиб, вайронага айлантирдилар ва ўзларига у ерда макон қурдилар. Қишлоқ аҳли бу жойни ҳозир ҳам "Мўғулнинг ҳавори" дейишади. Қуруқсойнинг Тотим сойида Кўҳна кулба қолдиқлари бор. Уни халқ мўғулнинг "Уяси" деб атаганлар. XV асрнинг 60-йилларида 150 йиллик мўғуллар зулмидан қутилиш учун озодлик ҳаракатига Амир Темур бошчилик қилади³.

1359 йил Туғлуқ Темур катта қўшин билан Кеш (Шаҳрисабз) томон юриш қилди. Кеш ҳокими Хожи Барлос (Амир Темурнинг амакиси) ваҳимага тушиб, Хуросонга қочиб кетишдан бошқа чора топа олмади. Юрт бошига оғир кун тушганда Темур халқ билан бирга бўлади ва Туғлуқ Темур хизматига киради. Темурбекка Қашқадарё воҳасини ёрлиги берилади ва ўзи Жета (Шарқий Туркистон) томон кетади. "Мен тажрибамдан шуни билдимки, юз минглик отлик аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин экан"⁴.

Моваруннаҳрда осойишталик ҳукм сурди. Туғлуқ Темур 1360-1361 йилларда иккинчи марта юриш қилиб, Мовароуннаҳр ҳукмронлигини Темурбекдан олиб, ўғли Илёсхўжага берди. Темурбек эса унга қўмондон (сипоҳсолар) ва маслаҳатчи бўлиб қолди. Илёсхўжа маккорлик йўлига ўтиб, "Темур бизга қарши исён туғини кўтарди" деб унга туҳмат қилди. Хон эса Темурни ўлдириш мақсадида махфиёна ёрлиқ жўнатди. Бироқ ёрлиқ Те-

³ Акрамова Н. Соҳибқирон гори - тарих зарварақларида. "Қашқадарё ҳақиқати", 1976 йил 24 март.

⁴ Темур тузуклари. - Тошкент: Шодлик, 2018. - Б.16.



мурбек қўлига тушиб қолади ва ундан огоҳ бўлади. Шундан бошлаб, Темурбек мўғулларга хизмат қилишдан воз кечди ва мўғулларга қарши курашди.

"Темур тузуклари"да Темурбекнинг Самарқанд шаҳридан чиқиб, Самарқанд тоғларига жойлашганлиги ҳақида аниқ маълумотларни учратамиз. *"Яхшиси, шаҳардан чиқиб, Самарқанд тоғларига ўринлашай, токи менга қўшилишни истаганлар ҳузуримга келсунлар. Шунда сипоҳ тўплаб, мўғулларга қарши жангу жадални бошлагайман, - деб қарор қилдим"*⁵.

Темурбек Самарқанддан чиқиб, Самарқанд ёнидаги Тарағай қишлоғининг тепа қисмида жойлашган Қоратоғ бағрида олтмиш нафар отлик аскар билан келиб жойлашади ва урушда ҳалок бўлган аскарларининг ўрнини тўлдириш учун лашкарларини Кешга жўнатади. Лашкарлар Темурбекнинг қўшинига қўшилиш истагани билдирган йигитлар ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боради. Икки ой ўтар-ўтмас жангчиларни сафи минг нафар етади. Темурбек уларни махсус гуруҳларга ажратади. Тарағайнинг Дунётепа, Қўрғон, Шаҳартепа ҳудудлари атрофида асосий қисмларини жойлаштиради. Қурол - яроғ ва аслаҳаларини ўзлари қурган Фармонтош атрофидаги қўриқхонага беркитадилар. Темурбек бу қароргоҳида бир ярим йил яшайди. Дунётепанинг юқори қисмида жойлашган Фармонтош ёнида лашкарларини жисмоний тайёргарлигини текшириш мақсадида чавандозлик, найза ва тош улоқтириш, тош кўтариш, дарёдан сузиб-кечиб ўтиш каби машқларини шахсан ўзи назорат қилади. "Лашкардан кўнглим тинчигач, Илёсхўжага қарши жангга ҳозирлик кўра бошладим. Уни даф этиш ва у билан қаййўсинда жанг олиб боришим ҳақида кенгашидим, ганимлар хабар топиб улгурмасдан, чапдастлик билан уларнинг устига қўққисда босқин қилишга қарор бердим"⁶. Соҳибқирон қўшинларнинг жангдан-жангга жангворлигини ошириб боради ва 1370 йил баҳорида Амир Темур қўшинлари мўғул босқинчиларини енгиб, бутун Мовароуннаҳрга ўз ҳукмронлигини ўрнатади.

Тарихий маълумотлар шундан дарак берадики, Амир Темур қўшинлари Самарқанд тоғлари, яъни Ҳисор тоғ тизмаларидаги ТАРАҒАЙ қишлоғидаги Қоратоғдаги, ҳозирги Амир Темур ғорида ва унинг атрофида ўз қароргоҳлаини ўрнатиб, лашкарларини жангга тайёрлашган, уларга қандай жанг қилиш сирларидан сабоқ берган. Соҳибқирон ва унинг аскарлари бир неча бор бу тоғу тошлар орасида қўним топган ва мазкур Амир Темур ғорини бошпана қилиб, ҳарбий қароргоҳ сифатида фойдаланишган. Темурбек Мовароуннаҳрда буюк давлатни (1370) ташкил килингандан сўнг ҳам ота юрти ва унинг номи билан аталувчи Тарағай қишлоғини тез-тез зиёрат қилиб турган, ободонлик ишларига, боғлар барпо этишга бош-қош бўлган...

Тарағай қишлоқ аҳли Октябрь тўнтаришидан сўнггина ҳамма жойда бўлганидек, бу ерда юксалиш ва ўзгаришлар йўлига кирди. 1927 йилда 43

⁵ Темур тузуклари. - Б.19.

⁶ Шу асар - Б.35.



кишидан иборат батраklar иттифоқи ташкил этилди.

Бу иттифоқга босмачилар, маҳаллий бойлар тиш-тирноқлари билан қарши чиқдилар. Батраklarнинг раиси 22 ёшли Холбек Холмўминов босмачилар томонидан ваҳшийларча ўлдирилди. Аммо, бу озодлик, эркинлик, бахт ва иқбол учун курашаётган кишиларни чўчита олмади. Янги тузум учун кураш янада фаоллашди. 1931 йилда қишлоқда учта "Каганович", "Йўлли", "Жданов" колхозлари тузилди. Кейинчалик 125 бош қўй-эчкиси, 435 гектар лалмикор галла экиладиган майдони, 35 гектар тоқзори бўлган бу хўжаликлар "Ўроқ ва Болға" колхозига бirlашди. Ёрқин Қорабоев, Хушвақт Турдиев, Қаландар Қосимов, Хушвақт Муродов сингари кишилар коллективлаштириш йилларида ва колхоз тузумини мустақамлашда гайратшижоат кўрсатиб ишладилар. Аста-секин хўжалик ишлаб чиқариши ривожлана бошлади.

Ҳозирги «Қалқама» жамоа хўжалиги, эски Ильич номидаги совхознинг Юқори Тарағай (барлослар яшайдига қишлоқ), Ўрта Тарағай (Қиёт, яъни қийаннилар яшайдиган қишлоқ), Паст Тарағай (чуйит, жуз уруғлари яшайдиган қишлоқ) қишлоқларида ҳам коллективлаштириш муваффақиятли ўтказилди. 1932 йилда бу қишлоқларда "Ўроқ ва Болға", "Саноат", "Ўзгариш" колхозлари тузилди. Дастлабки йили 19-20 хўжаликни бирлаштирган бу колхозларга 1940 йилга қадар Боймирза Ҳолиқов, Анбар Холиқов, Хушвақт Муродов, Ҳолиқ Турдиевлар раислик қилдилар. "Саноат" колхози биринчи йили 10 бош хўкиз, 11та отлар воситасида омов ва қўл меҳнати билан 80 гектар ерда деҳқончилик қилган бўлса, 1939 йилда, мавжуд экин майдонларидан 583 тонна галла ва 95 тонна пахта ҳосили олдилар. Чорва моллари сони 220 бошга етди. Бу колхоз ўша даврдаги Ильич номидаги қишлоқ советидаги энг йирик колхозга айланди⁷.

Қорабўйин қишлоғида тузилган "Ўроқ ва Болға" колхозининг экин майдони нисбатан оз эди. Дастлаб 8 бош хўкизи ва 7 та от билан 80 гектар ерга деҳқончилик қилинди. 1939 йилга келиб 57 хўжаликни ўзида бирлаштирган бу колхоз 217 гектар ерга галла экиб, 719 центр ҳосил олди.⁸ гектаридан 15 центрдан ҳосил етиштирилди. 6 гектар ерга пахта экиб, гектаридан 20 центрдан ҳосил олишга эришди. Шу йили қўй-эчкилар 195 тани, қорамоллар сони 85, отлар сони эса 28 бошга етказилди. Ўша йиллари колхозчиларга ҳар бир меҳнат куни учун 80 тийиндан пул, 500 граммдан галла берилди. Колхознинг М. Бобоқулов, Д. Бегматов, Б. Қўчқоров, Ш. Қўчқоров каби илғор колхозчилари деҳқончилик ва чорвачиликда да самарали меҳнат қилиб хўжалик раvнақига муносиб ҳисса қўшдилар.

Юқори Тарағайда 1931 йилда "Йўлли" номли колхоз ташкил этилди. Бу хўжаликка аъзо бўлиб кирган колхозларни ўз қарамоғида бўлган иш ва уй ҳайвонлари умумлаштирилди. Колхоз тасарруфига жами 10 жуфт хўкиз ва 20 та от киритилди. Бундан ташқари бу колхозга қулоқлар Ҳасанбой

⁷ Қашқадарё вилоят партия архиви, 5 -фонд, 4-рўйхат,44-дело, 25 варақ.

⁸ Қашқадарё вилоят партия архиви, 5 -фонд, 4-рўйхат,44-дело,1,2, +26 варақлар.



Маматовдан 150 бош, Боймаҳмат Қурбоновдан 250 бош, Турсунбойдан 60 бош, асли манғитлик бўлган Қорабойдан 200 бош, Маҳматкаримбойдан 60 бош қўй колхоз ҳисобига ўтказилди. 1925-1929 йилларда "Йўлли" колхозда Ҳоживой Муҳиддинов, Жонқул Пардаевлар раислик қилишган. 1933 йилларга бориб бу колхозда қўйлар сони 1500 бошга етди. 1933-1934 йилларда янгидан бешта қўтон қурилди, чорва молларини ем-хашак билан таъминлаш яхшиланди. "Йўлли" колхози деҳқончиликни ҳам йилдан - йилга ривожлантириб борди. Колхоз 1932 йили у 50 гектар ерга деҳқончилик қилган бўлса, 1935 йилга келиб, 300 гектар ерга деҳқончилик қилди. Гектарига олинган ҳосил 3 центрдан 5 центерга кўтарилди. Колхозчиларнинг ҳар бир меҳнат кунига 1938-39 йилларда 0,5 кг галла, ва 91 тийин пул берилган бўлса, 1940 йилда уларнинг ҳар бир меҳнат кунига 1 кг галла ва меҳнат кунини ҳисоблаб, қўй ёки эчкилар ҳам берилди. Бу йилларда чорвачилик соҳасини ривожлантириш ишига ёш ветеринар, зоотехниклар Барлос қишлоғилик Дўсали Ашуралиев чорва фермаси мудирини, Ўроқ бобо Ҳотамов тафтишчи бўлиб меҳнат қилганлар. "Йўлли" колхозини 1940 йилда "Ўроқ ва Болға" колхозига бирлаштирилди...

Улуғ Ватан уруши йилларида бу қишлоқ меҳнаткашлари ҳам жиддий синовдан ўтдилар. Ватанмиз мустақиллигини сақлаб қолиш бўлган ҳаёт-мамонт жанглирида тарағайликлардан 225 нафар киши иштирок этди. Улардан 140 нафар киши урушдан қайтиб келмади. Тарағайликлар бутунги кунда собиқ Совет армияси сафларида командир бўлган, кўплаб жанговар орден ва медаллар билан тақдирланган Жаббор Турсунов, Жумақул Турсунов, Ҳамроқул Ашуралиев, Абдураҳмон Холиқов, Иброҳим Нурматов, Бозор Хоналиев, Бўрон Хўжамқулов, Ҳалим Пирматов. Жумабек Жуманов, Жалил Эшмуродов, Марқабой Хўжамқулов, Ёрмаҳмад Маҳмудов, Эргаш Усанов, Бўрон Ражабов каби Ватан уруши қатнашчилари ва ҳимоячилари билан ҳақли равишда фахрланадилар. Уруш даврида фронт орқасида хизмат ҳормай -толмай фаолият кўрсатган "Қизил кетмончилар" (Қизил кетмончилар" дейилганда Қизил армияга кўмақдошлар назарда тутилмоқда - Х.Ж.) зарбдор бригадаси аъзолари Мингбой Тоштемиров, Ашурқул Жумаев, Авлоқул Бердиев, Саодат Ёрқулова, Гавҳар Норқулова, Бўстон Марқоева, Мансур Ибрагимов, Хонали Бегалиев, Зулхон Турдиалиев, Ҳусанбой Йўлдошев, Шерқул Марқоев, Бибикулув Бобоқулова, Жаббор Раҳматов, Улуғой Раҳматова, Жўрақул Хушвақтов, Бибисора Рўзиқулова, Ойша Хушвақтова, Зайфиной Пардаева, София Пардаева каби кўплаб қишлоқдошларини фахр-ифтихор туйғуси билан эслашадилар.

(Давоми бор)



"ЭЙ, ДАРВЕШ"

(хужжатли қисса)

ТАҲРИРИЯТДАН:

Ватанимиз истиқлоли, халқимизнинг озодлиги ва эркинлиги, келажак авлодларнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида мардона кураш олиб бориб азиз жонларини фидо қилган, мустабид тузум даврида қатагон қилинган аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, уларнинг фаолияти ва меросини ўрганиш ҳамда тарғиб этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган даврда ушбу йўналишда муҳим фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Юргимизда 2001 йилдан буён ҳар йили 31 август - "Қатагон қурбонларини ёд этиш куни" сифатида кенг нишонлаб келинмоқда. "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуаси барпо этилди. "Шаҳидлар хотираси" жамоат фонди, Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи ҳамда ҳудудлардаги олий таълим муассасалари қошида унинг бўлимлари ташкил этилди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий каби улуғ маърифатпарвар аждодларимиз хотирасига бағишланган муҳташам ҳайкаллар, музейлар бунёд этилди, ижод мактаблари фаолияти йўлга қўйилди. Сиёсий қатагон йилларида ноҳақ қурбон бўлган юртдошларимизнинг номларини аниқлаш, уларнинг қолдирган меросини ўрганиш ва кенг жамоатчиликка етказишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари, бадиий ва ҳужжатли асарлар яратилмоқда.

Энг муҳими, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 октябрда қабул қилинган **"Қатагон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармойиши** бу борадаги тарихий маълумотларни холис ва ҳаққоний ўрганиш мамлакатимиз мустақиллиги қандай оғир ва машаққатли курашлар билан қўлга киритилганини, бутунги эркин, озод ва обод ҳаётимизни асраб-авайлаб, қадрлаб яшаш кераклигини янада чуқур англашга хизмат қилади.

Кўп миллатли халқимизнинг фидойи фарзандлари, маърифатпарвар аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқҳақиқатни тўла юзага чиқариш, уларга нисбатан тарихий адолатни тиклаш, бу борадаги ишларнинг кўлами ва самарасини ошириш мақсадида Президент Фармойишида бир қатор муҳим вазифалар кун тартибига қўйилди.

Ҳурматли журналхон! Журналимизнинг ушбу сонидан бошлаб ана шу Фармойиш талаблари доирасида ёзилган "Эй, дарвеш" номли ҳужжатли қиссадан алоҳида бобларни эътиборингизга ҳавола қилиб боришга жазм этдик. Ҳужжатли қисса муаллифи - таниқли шоир ва таржимон, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Гулом Мирзо.

Ушбу қисса қаҳрамонлари - XX асрнинг 37-50-йилларидаги катта қатагон қурбони бўлган ота-болалар Мирза Тўлаев ва Абдирайим Мирзаевга нисбатан адолат тиклангани, яъни орадан 70 йил ўтиб, уларнинг айбсизлиги аниқлангани ҳамда оқлангани ҳақида журналимизнинг ўтган йилги сонларидан бирида мақола эълон қилган эдик. Ҳужжатли қисса сизга манзур бўлади, деган умиддамиз.



БИРИНЧИ КИТОБ

Фулом МИРЗО,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

ИСМЛАРДА ИЙМОН НАФАСИ

"(Эй, дарвеш!) Ҳайвонлар учун юксак оламларга йўл йўқдир, негаки юксак оламлар покларнинг ибодатгоҳи ва хилватхонасидир, фаришталар ва тақво аҳлининг манзилдир; тақвосиз ва илм-сиз юксак оламларга етиб бўлмас. Шунинг учун имон даражасига етишмаганларнинг руҳи дастлаб қайси мақомдан нузул қилганидан қатъи назар, Ой фалаки остида қолажак".

Азизиддин Насафий,
"Комил инсон китоби"дан

Биринчи китобга сўзбоши

"Менга XX асрнинг биринчи ярмида диндорлар сифатида қаттонга учраган бобом Тўлаев Мирза ва отам Мирзаев Абдирайим ҳақида архив маълумотлари билан танишишим учун амалий ёрдам кўрсатишингизни сўрайман.

Бобом Тўлаев Мирза (1900-1985 йиллар) - томорқа деҳқончилиги билан шуғулланган, давлат ва жамоат ташкилотларида ишлаган; "Ленин йўли" совхозининг (ҳозирги "Истиқлол" жамоа хўжалиги) ҳудудида жойлашган "Патта" қабристони яқинидаги масжид бўзиб ташланишига қадар ўша ерда диний хизматда бўлган; араб имлосидаги китобларни уйда сақлагани ва ўқигани ҳамда чақувлар туфайли НКВД назоратига тушган ва жазоланган.



Отам Мирзаев Абдирайим (1928-2008 йиллар) - шу жамоа хўжалигида пенсиягача ишчи (сувчи) бўлиб ишлаган. Отаси Тўлаев Мирза билан бирга "халқ-душманлари" сифатида 1940 йиллар охири - 1950 йиллар бошида қамалиб чиққан. Мендаги тахминий маълумотларга кўра, ота-бола Россиянинг ГУЛАГ тизимидаги лагерларида жазони ўтаган. Уларнинг "Волга-Дон" канали қурилишида ишлаганлари ҳақида эшитганман.

Афсуски, қўлимда ота-бобомнинг тақдирига дахлдор ҳеч қандай ҳужжат мавжуд эмас. Уларнинг ўзлари ҳам бошидан кечирган қора кунлари ҳақида ҳеч қачон, ҳеч нарсани бафуржа сўзлаб бермаганлар".



QATAG'ON QURBONLARI

Бу 2018 йил 21 сентябрь куни йирик архив жамғармаларига эга саккиз-та ташкилотга юборган хатимдан бир парча. Хатни нега ва қайси журъат билан ёзганимга ўзим ҳам ҳайронман. Чунки бизнинг хонадонимизда ушбу мавзуга қатъий тақиқ қўйилганини ҳис этиб улғайганман.

Шунинг учун ота-бобом вафот этиб кетгунларича бу мавзуда оила аъзоларимизга, хусусан, менга бир оғиз гап айтишмаган ва мен ҳам сўрашга ботинмаганман. Уларнинг ўлимидан кейин эса, "инсоннинг ўзи йўқ- муаммоси ҳам йўқ" деганларидек, бу ҳақда сўраб-суриштиришга қандайдир эҳтиёж ҳам сезмагандим. Аммо...

Мамлакат мустақиллигининг 27-йилида сиёсат тубдан ўзгариб, диний қарашлари туфайли "қора рўйхат"га киритилган юзлаб-минглаб кишилар бу номақбул рўйхатлардан ўчирилаётгани, ҳатто куни кеча (Мустақиллик даврида!) конституциявий тузумга қарши борганликда айбланган ва узоқ-муддатларга қамалган маҳкумлар озодликка чиқарилаётганини кузатиб, ростини айтсам, бироз шошилиб қолдим. Ахир, ота-бобомни "халқ душмани" тамғаси билан жазолаган совет давлатининг ўзи забунликка юз тутганига ҳам 30 йилча бўлди-да.

Хатимга қандай жавоб оламан, умуман, жавоб келадими-йўқми, билмайман. Шу боис ҳаяжон ва хавотирим бисёр.

Нима бўлганда ҳам, қадрли китобхон, сизни ота-бобом ва уларга тақдири туташ хонадонимиз аъзолари билан таништириш учун бундан қулай фурсат топилмаса керак. Шу баҳона жавоб хатини зориқиб ва ҳадикланиб кутишдан ҳам бироз чалғиймиз.

Тўлабой бобо

Тўлабой бобо - Мирза бобомнинг отаси. Тўла - ой-куни етмасдан, яъни чала туғилган чақалоқларга қўйиладиган исм.

Тўлабой бобом ва отаси - Жўрабой бобом ўзига тўқ одамлар ҳисобланган. Тўлабой бобомнинг ичма-ич тўртта ҳовлиси бўлган. Энг ичкари ҳовли хотин-халаж ва бола-чақага мўлжалланган бўлса, кейингиси - ташқари ҳовли. Бу ҳовлига туташ қурилган иккита кенг ҳовлида муҳташам меҳмонхоналар, зинхона, сайисхона ва туя кирадиган "туя дарвоза"ли карвонсарой жойлашган.

Ота ҳовлимиздаги ва Мирза бобомнинг ҳовлисидаги тошқудуқларни Тўлабой бобом қазган. Ҳовлимиздаги балхи тутларни ҳам у киши эккан.

Тўлабой бобом дастлаб Бозор момомга уйланган. Бу никоҳдан Жўрабой бобо, Розия момо, Сангил момо ва Мирза бобо туғилган.

Мирза бобомнинг акаси Жўрабой бобомга Тўлабой бобом ўз отасининг исмини қўйган.

Розия аммам Мирза бобомнинг катта опаси бўлиб, фарзандлари - Алиқул бобо Сувон амаким, Усмон амаким ва Жумагул аммамнинг отаси. Бу инсонлар, асосан Қарши туманидаги Говхона қишлоғида яшаганлар.

Хушвақт қишлоғимизда яшаган Сангил аммам - Мирза бобомнинг кичик опаси, Юсуф амакимнинг онасидир. Бу аммамнинг катта ўғли Шона-



зар амаким Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган.

Тўлабой бобом имон-эътиқодда мустаҳкам турган, тадбиркорликни ҳам яхши йўлга қўйган. Муайян сабабларга кўра тул қолган аёлларга уйланиб, бир пайтнинг ўзида муштипар бевага - эр, болаларига - ота, ермулкининг эса бошқарувчиси бўлган.

Собиқ эридан кўп ер мерос қолган Иқбол момом билан Тўлабой бобомнинг никоҳидан Намоз амаким ва Чори амаким дунёга келган. Чори амаким йигитлик даврида вафот этган. Намоз амаким ва оиласи билан ҳамсоя бўлганмиз.

Тўлабой бобомнинг яна бир хотини, яъни Турди момомдан туғилган қиз фарзанди гўдаклигида нобуд бўлган. Сўнгра Тошпўлат амаким дунёга келган.

Мирзо - Мирза - Мирза Сўфи бобо

Мирза Сўфи бобом - отамнинг отаси. Одатда, халқимиз тилида саводли, ўқимишли одамларга "мирзо" ("мирза") дея мурожаат қилинади. Ёзувчизув ишларини олиб борувчи лавозимли киши "мирзо" деб аталгани ҳам тарихдан маълум.

Мирза - форсий сўз. Саводли, ўқимишли, билимдон бўлиб ўссин, деган яхши ниятда шундай исм қўйилади. Айрим манбаларга кўра, "мирзо" сўзи "амирзода" атамасининг қисқарган шакли бўлиб, юқори табақаларга мансуб кишилар "мирзо" сифати билан улуғланганлар.

Тўлабой бобом ўғлига Мирзо исмини берганида, ана шу хайрли ниятларни кўнглидан ўтказгани тайин. Бу ҳам, фикри ожизимча, катта бобомиз XIX аср охири - XX аср бошларида ўлкамизда яна ёйила бошлаган маърифатпарварлик ҳавосидан баҳраманд бўлганидан далолат беради.

Мирзо бобомнинг исмига қўшиб айтиладиган "Сўфи" ("Сўфий") атамаси мени кўпроқ ўйлантиради. Архив ҳужжатларидан аён бўлдики, XX асрнинг 20-йилларида советлар ёпиб қўйган қишлоғимиз масжидини Мирзо бобом 1937 йилда қайта очган. Одамларни намозга чорлаб азон айтган, демакки у киши 37 ёшидан бошлаб амалда сўфи бўлган.

Бинобарин, сўфи - масжидда азон айтувчи кишидир. "Бутоқда хўроз қичқирар, мезанада - сўфи", деган халқ мақолида худди шу мазмун очиб берилган.

Тилимизда "сўфи" сўзи кўчма маънода - содда, художўй одам деган маъноларда ҳам қўлланади. Сўфи бобом аслида ҳам сўфиларча яшаб ўтган.

Масжидда азон айтиб намозга чақирадиган шахс, одатда, "муаззин" ҳам дейилади. Яъни, "муаззин" сўзи "намозга чақирувчи, азон айтувчи"; "сўфи" сўзи эса "сўфийлик издоши" деган бирламчи луғавий маънони беради. Бу сўзларнинг иккаласи ҳам арабча эканини назарда тутсак, араб дунёсидан фарқли равишда, ушбу атамалар она тилимизда қоришиқ равишда қўлланилишини кўраимиз.

Ўз навбатида, "сўфий" ("суфий") сўзи диний-фалсафий атама бўлиб, бу тушунчанинг мазмун-моҳияти нисбатан чуқурроқдир. Сўфий - тасаввуф,



QATAG'ON QURBONLARI

сўфийлик издоши, давомчиси, мухлиси, дегани.

Маълумки, тасаввуф Шарқмаънавияти тарихида муҳим ўрин эгаллаб келган тадрижий тараққиётга эга таълимот сифатида ислом оламида VIII аср ўрталарида пайдо бўлган. Дунёдан кўнгил узган, аммо зоҳидларга ўхшамайдиган, зеҳну заковат, ақлу фаросатда тенгсиз, аммо ўзга мутафаккирлар, файласуфлардан ажралиб турадиган, шариат илмини сув қилиб ичган, тоату ибодатда мустаҳкам, лекин оддий диндорлардан фарқланадиган ажойиб хислатли бу одамлар тоифасини руҳ кишилари, деб атаганлар.

Бундай одамларнинг феъл-атвори, юриш-туриши, одатдан ташқари сўзлари ва ишлари атрофдагиларни ҳайратга солган, баъзиларининг гайбдан башорат берувчи кароматлари, сирли мўъжизалари ақллари лол қолдирган. Уларни аҳлуллоҳ, авлиё, аҳли ҳол, аҳли ботин, арбоби тариқат, дарвеш, қаландар, фақир деган номлар билан тилга олганлар. Аммо ушбу тоифага нисбатан кўпроқ "сўфий" номи қўлланилган.

Ҳусайн Воиз Кошифий "Футувватномаи султоний" номли асарида сўфийларнинг ўзларини ҳам уч гуруҳга ажратган. Яъни:

Муоширлар - тариқат аҳлининг мухлислари. Улар дарвешларга муҳаббат билан қарайдилар, дарвешлар суҳбатида иштирок этадилар, уларнинг хизматларини бажарадилар ва савобга ўзларини шерик деб биладилар.

Мутарасмлар - расму русумга эргашувчилар. Улар дарвешларнинг одатларига зоҳиран тақлид қилсалар-да, ботинан ҳол талабгоридирлар ва шу тоифага ихлослари туфайли файздан баҳраманддирлар.

Муҳаққиқлар - Ҳаққа етганлар, уларни олий мартабага сўфийлар деб таърифлаш мумкин. Ҳақиқий авлиёлар, шайхи муршидлар шулар ичидан етишиб чиққан.

Шундай қилиб, савол туғилади: Сўфи бобом сўфий бўлганми?

Модомики, йирик тасаввуфшунос олим Нажмиддин Комиловнинг "Чин сўфий ўзликдан ва фоний дунёдан кечган ва Ҳақбақосида ўзлигини қайта топган зот бўлиб, суратда бандую, маънида озод кишидир. Сурат - ташқи кўринишда банда бўлиш - жисм-танани Илоҳ тоатига бағишлаш бўлса, маънида озодлик - ботинни барча алоқалардан тозалаб, руҳни ҳур ва пок сақлаш демак. Сўфийга ҳеч бир нарса ва ҳеч бир киши қарам бўлмаслиги; унинг ўзи ҳам ҳеч бир нарсанинг ва ҳеч бир одамнинг қарами бўлмаслиги керак", деган таърифига асосланадиган бўлсак, Мирза Сўфи бобом чиндан ҳам сўфий бўлганлар.

У киши эл орасида "дарвеш", "девона", "ахий", "сўфий" каби турли номлар билан аталганлари ҳам буни тасдиқлайди, назаримда.

Сўфийлар - зоҳидлар, мўътадил орифлар, исёнкор ошиқлар, мажзуб девоналар, дарбадар қаландарлар, донишманд файласуфлар, содда қилиб айтганда, турли қарашларга эга ва ҳар хил табиатли кишилардир.

Шу ўринда яна мантиқий саволлар туғилади: Мирза Сўфи бобом сўфийликнинг қайси тоифасига мансуб бўлган? У киши сўфийлик мақомининг қандай даражасига етишганлар?..

**Биби Марям - Мария - Майрам**

Майрам момом - отамнинг онаси. Ҳалиям кўз ўнгимда турибди: ўрта бўйли, қорамағиз, қошу кўзлари қора, сочлари тақимини ўпган фариштали аёл эди. Момомнинг бошига киядиган ва сочларини тартибли сақлайдиган бахмал либоси "култапишак" дейиларди.

Менга сандиқдан шода-шода танга ва тақинчоқларга тўла келинлик жамалаklarини олиб кўрсатганлар: рупия, пошшойи, султони, нуқра... Бирида турлича рақам, яна бирида қандайдир ёзув, бошқаларида муҳр ва галати тасвирлар акс этган ўша тангалар ўз замонида каттагина қийматга эга бўлган экан.

Момом вафот этган вақтда мен ҳарфни-ҳарфга қўшиб ўқишни эндигина ўрганаётган бошланғич синф ўқувчиси эдим. Бир куни почтачи Тошпўлат тоға мактабимизнинг газета-журналларини тарқатиб бўлгач, мени ёнига имлади. Қўлимга кулранг муқовали ҳужжатни тутқазиб, "Отанг ё онангга бергин; ўзинг ўқима, йўқотиб ҳам қўйма" деб тайинлади.

Шундай муҳим ҳужжат, ҳали 10 ёшга кирмаган бўлсам-да, менга ишонч билан топширилганидан хурсанд эдим. Аммо, "ўзинг ўқима" деган тақимкон қадар тезроқ ўша сирли ҳужжат билан танишишга ундарди. Пана жой топиб, дарров ҳижжалаб чиқдим: момомнинг ўлими ҳақидаги гувоҳнома экан.

Яқиндагина видолашган қадрдон инсоним ёдимга тушиб, юрагим зирқираб кетди, кўзларим ёшга тўлди. Лекин қутилмаган бир ҳол мени мотам қайғусидан чалғитиб юборди: ҳужжатда момомнинг исми "Майрам" эмас, балки "Марям" деб ёзилган экан!

У вақтларда мендек бир мурғак бола, албатта, Марям исмининг нечоғлик илоҳийлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмаганман. Аммо, негадир худди шу воқелик - мен кечикиб кашф этган янги ва гаройиб, чиройли ва момомга жуда мос бу исм ўз эгасининг осмонларда оппоқфаришталар орасида яшашига ёрдам беради, дея юпанганман. Шунга ич-ичимдан инонганман.

Бугун, нуфузли манбалардан озми-кўпми хабардорлигим учун, Биби Марям - Қуръонда тилга олинган тақволи, сиддиқа аёлнинг исми эканини биламан. Исо (Ийсо) пайғамбарнинг онаси бўлмиш ушбу аёл мусулмонлар учун энг мўмина она, жаннатдаги аёлларнинг раҳнамоси ҳисобланади.

Қуръони каримнинг "Марям" деб аталган 19-сурасида у ҳақида ривоятлар келтирилган. Биби Марям христианликдаги Марияга тўғри келади. Туркистонда Марям исмига ҳурмат юзасидан "Биби" атамаси қўшиб айтилади. Инжилда қайд этилишича, Мария Юсуф алайҳиссаломнинг (Иосифнинг) хотини бўлиб, илоҳий ҳомиладор бўлган ва Исо алайҳиссаломни туққан. Марям ислом динида ҳам аёллар валийси, ҳомийси сифатида илоҳийлаштирилган.

Шу боис момомга шундай исми берган ота-онаси Шароф бобо билан Ҳимо момо ҳам дунё беҳабар одамлар бўлмаганига аминман. Ушбу аждо-



ларим ҳақида эшитиб-билган маълумотларимга кўра, Шароф бобо билан Ҳимо момонинг тўрт нафар қизи бўлган.

Бу қизлардан Ақл момо - Бухорога, Маъқул момо - Китобга, Барака момо - Қарши туманининг Бақирчи қишлоғидаги ўзига тўқ кишиларга никоҳлаб, турмушга узатиб юборилган. Тўлабой бобом Майрам момомни Мирза бобомга олиб берган.

Абдурахим - Абдураим - Абдирайим

Илгари Мирза сўфи бобом ўзининг Майрам момомдан туғилган фарзандларига исм қўйиш ваколатини тўлалигича хотинининг ихтиёрига бериб қўйган, деб ўйлардим. Бобом катта момомдан тўрт фарзанд кўрган бўлиб, тўнғич фарзанд бўлмиш отамга Абдирайим деган исм қўйилган.

Онамдан эшитганларимга қараганда, ўз вақтида қўшни Лаганди қишлоғида яшаган Абдирайим исмли бой балоғат ёшига етмасдан етим бўлиб қолган Майрам момомни уч опаси билан бирга боқиб олган ва вақт-соати етганда уларни ота ўрнида бирма-бир турмушга узатган. Ушбу хотираларни тинглаб, отамнинг исми ўша бойнинг хотирасига қўйилган бўлиши ҳам мумкин, деган хаёлга борганман.

Бу ҳақда онамдан сўраганимда, мутлақо бошқача фикрни эшитдим. Яъни, Мирза бобом фарзандларига, ҳатто невараларига ҳам ўзлари исм қўйган экан. Ҳар гал китоб кўриб, илк очилган варақда учраган исмни янги чақалоқ учун танлаганларига онам кўп бор гувоҳ бўлган.

Фиқҳ китобларида фарзандга чиройли ва гўзал маъноли исм қўйиши боланинг ота-она олдидаги ҳаққи экани қайд этилган. Токи фарзанд эсини таниганда, ўз исмидан бошқалар олдида уялиб юрмасин. Абу Дардоривоят қилишича, Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: "Қиёмат куни сизлар ўз исмларингиз билан ва оталарингиз исмлари билан чақириласиз. Бинобарин исмларингиз чиройли бўлсин".

Одатда, танланган исм шу бола Аллоҳнинг бандаси, пайғамбар уммати ва мусулмонлар тоифасидан эканига далолат қилишига алоҳида эътибор қаратилган. Ҳадиси шарифга кўра: "Исм ўзагида "ҳамд" ва "абд" сўзларидан таркиб топган исмлар яхши номлардир".

Ибн Умар (р.а.) ва Абу Ваҳб Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан ривоят қилган ҳадисларда айтилишича, "Аллоҳ таолога энг ёқадиган исмлар "Абдуллоҳ" ва "Абдурроҳман"дир".

Шу сабаб бўлса керак, мусулмон уммати ичида мазкур икки исм жуда кенг тарқалган. Қуртубий айтади: "Ушбу икки исм қаторига уларнинг маъносини ифодаловчи ёки улар билан маънодош бўлган "Абдурахим", "Абдумалик" ва "Абдусамад" исмлари ҳам киради. Мазкур исмларнинг Аллоҳ учун маҳбуб бўлишига сабаб, бу сифатлар фақат Аллоҳгагина тегишли эканидир ва бу нарса убудият (Аллоҳга бандалик изҳор қилиш) маъносини англатади".

(давоми бор)



MILLIY MADANIYAT VA UNING TARKIBIY QISMLARI

Давронбек ЖАМОЛОВ,
Ўзбекистон Миллий университети

Калит сўзлар: миллий маданият, миллий тил, миллий анъана, миллий урф-одат, миллий маросим, миллий қадрият, маданий мерос, миллий адабиёт, миллий санъат, миллий тарбия.

Йигирма биринчи аср кишилик жамиятининг турли соҳаларига жиддий таъсир кўрсатадиган омиллар ва тенденцияларни кўпайтиргандан кўпайтирди. Бу омиллар турли феноменлар қатори миллий маданият табиатида ҳам салмоқли из қолдираётгани мутахассислар томонидан бот-бот қайд қилинмоқда. Шу муносабат билан миллий маданиятнинг мазмуни, унинг таркибий элементлари, бу элементларнинг такомиллашиш қонуниятлари тўғрисидаги назарий мулоҳазаларни янги босқичга кўтариш зарурияти юзага келмоқда.

Миллий маданият деганда, муайян миллат вакиллари томонидан тарихий тараққиёт давомида яратилган моддий ва маънавий қадриятлар йиғиндиси, шунингдек мазкур қадриятларни бунёд этиш йўллари, улардан миллий ва умуминсоний тараққиёт йўлида фойдаланиш, аждодлардан авлодларга етказиш малакаси тушунилади. Унинг моддий ва маънавий шакллари мавжуд. Миллий маданиятнинг моддий жиҳати, биринчи навбатда, ижтимоий борлиқ таркибидан жой олган ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат объектларини ўз ичига олади. У миллат томонидан табиатни амалий ўзлаштириш даражасининг кўрсаткичидир. Миллий маданиятнинг маънавий жиҳати эса фан, унинг ютуқларини ишлаб чиқариш ва кундалик ҳаётга татбиқ этилиши, таълим даражаси, миллат маърифатининг ҳолати, тиббий хизмат кўрсатиш аҳволи, санъат, жамият аъзоларининг хулқ-атвори, кишиларнинг эҳтиёж ва манфаатлари характери ҳамда ривожланганлиги даражасидан таркиб топади.

Барча ижтимоий феноменлар каби миллий маданият ҳам ўз таркибий қисмларига эга. Хусусан, бу таркибда миллий тилнинг алоҳида ўрни бор. Миллий тил миллий маданият тизимидан жой олган марказий элемент бўлиб, миллатнинг асосий муомала воситасини англатади. У миллат борлигининг асоси, ҳаётининг фаолияти натижасидир. Айни пайтда миллий тил миллий маданиятнинг ривожланганлиги даражасини намоён қилувчи муҳим мезон вазифасини ҳам ўтайди. Ҳар қандай миллий тил қатор хусусиятларга эга. Биринчидан, у албатта ўзининг адабий шаклига эга бўлади; миллий маданий тараққиётининг барча ютуқлари айнан ана шу адабий тилда ифодаланиб боради. Иккинчидан, у ёзма ва оғзаки тарзда ривож топа боради; ёзма тил интеллектуал аҳамиятга молик маълумотларни қайд



TARIXSHUNOSLIK

қилиш имконини берса, оғзаки кўпроқ миллатнинг кайфияти ва кечинмаларини ифодалайди. Учинчидан, у миллат борлиги, тарихий тажрибасини ўзида мужассам қилади; тарихий тараққиёт давомида содир бўлган ҳар қандай жараёнлар, миллат вакиллари яратган артефактлар тилда ўз номини ва ифодасини топади. Тўртинчидан, у миллатнинг ягона этнос сифатида мавжуд бўлиши манбаи саналади; тилнинг мавжудлиги ва ривожини миллатнинг ҳам ижтимоий тараққиётини таъминлайди. Бешинчидан, унинг ривожини миллий маданият тараққиётини таъминлайди, инқироzi эса миллий маданият таназзулига сабаб бўлади. Олтинчидан, мақоми қонунан белгиланган ва давлат ҳокимияти органлари фаолиятида қўлланилиши мажбурий бўлган миллий тил давлат тили даражасига кўтарилади.

Одатда ҳар қандай миллат бир миллий тилга эга бўлади. Бироқ ушбу қоидадан чекиниш ҳоллари ҳам бор. Масалан, Люксембургда неча асрдан буён Люксембург тили қаторида француз ва немис тиллари ҳам миллий тил сифатида ривожланиб бормоқда. АҚШ, Буюк Британия, Австралия, Янги Зеландияда эса инглиз тилининг миллий вариантлари миллий тил даражасига кўтарилган.¹ Лекин қай тарзда ва миқдорда мавжуд бўлмасин, ҳар қандай жамиятда миллий тил миллий маданиятнинг марказий элементи бўлиб қолаверади.

Миллий тил миллатнинг ижтимоий ривожини суръатларига монанд равишда тараққий топади. Миллат борлигининг ривожланиши унинг тилида ҳам акс этади. Аксинча, миллат тарихининг таназзулга юз тутган босқичларида унинг тили ҳам ривожланишдан тўхтаб қолган.

Миллий маданият таркибида миллий анъана, урф одат ва маросимларнинг алоҳида ўрни бор. Миллий анъана миллатнинг тарихий тараққиёти давомида объектив равишда шаклланган ва аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган норма ва тасаввурлар, қоида ва намуналар йиғиндиси. У миллий маданиятнинг барқарорлигини ифодаловчи, унинг артефактларининг ворисий-лигини таъминловчи таркибий қисмдир. Миллий анъаналар ўз ривожланиш мантиғига эга: тарихий тараққиёт давомида замон талабларига жавоб берган анъаналаргина мустаҳкамланиб ва ривожланиб боради. Замон ўзгариши билан ўз долзарблигини йўқотган анъаналар аста-секинлик билан тарих саҳнидан тушади. Бироқ сақланиб қолган миллий анъаналар бир неча авлод давомида миллат вакиллариининг менталитети ва хулқ-атворини белгилаб боради.

Миллий анъаналар миллий маданиятга даҳлдор бўлган барча ҳодисалар, жараёнларни қамраб олса, миллий урф-одатлар, улардан фарқли ўлароқ, нуқул миллат вакиллариининг хулқ-атворига доир стереотипларни ифодалайди. Миллий урф-одатлар бир неча авлод ҳаёти давомида ҳукм суриб келган хулқ моделларига амал қилишни талаб этади. Лекин миллий урф-одатларни қотиб қолган ва мутлақо ўзгармайдиган стереотиплар сифатида тасаввур қилиш унчалик тўғри эмас. Чунки мазкур урф-одатлар ҳам замон тенденцияларига монанд равишда ўзгариб боради. Бироқ бунда шакл

¹ Қаранг: Национальный язык.// Большая Российская энциклопедия.-[https:// w.histrf.ru](https://w.histrf.ru).



ўзгариши мазмун ўзгаришига қараганда тезроқ содир бўлади.

Айрим ҳолларда "миллий урф-одат" ва "миллий маросим" тушунчалари бир маънода ишлатилади. Бундай ҳолларни илмий манбаларда камроқ, кундалик турмушдаги суҳбатларда кўпроқ учратиш мумкин. Аслида бундай эмас. Маросим миллий урф-одатларнинг муайян кўринишларидан, унинг таркибидан жой олган кўплаб элементлардан бири, холос. Мавзуни махсус ўрганган мутахассислардан бири В. Пропп улар ўртасидаги тафовутни аниқса ёрқин ифодалаб берган: "Маросим ва урф-одат, - деб ёзади у, - бир хил ҳодисалар эмас. Масалан, марҳумларни ўтда ёқиш урф-одат бўлиши мумкин, лекин бу маросим эмас. Бироқ ушбу урф-одат турли маросимлардан таркиб топади."²

Миллий маданиятнинг яна бир таркибий қисми миллий қадриятлар билан боғлиқ. Ҳар қандай маданият, шу жумладан миллий маданият ҳам моддий ва маънавий қадриятлар йиғиндисидан таркиб топишини таъкидлаб ўтдик. "Кундалик ҳаётда, кўпчилик назарида нарсалар (масалан, қимматбаҳо буюмлар, тақинчоқлар), табиат ҳодисалари, ижтимоий воқеалар, жамиятдаги талаблар, орзу-умидлар, анъана ва маросимлар, маданий бойликлар ва бошқалар қадрият сифатида тушунилади. Бундан ташқари, одамлар ўзлари ишониб, гоҳида интилиб, қизиқиб ёки орзу қилиб яшайдиган мақсад, орзу ёки идеалларига ҳам "қадрият" тушунчасини қўллайдилар".³ Профессор Қ. Назаровнинг ушбу мулоҳазаси "миллий қадрият" тушунчасининг мазмуни ва таркибини аниқ тасаввур этишда назарий асос вазифасини ўтайди. Шундай қилиб, миллий қадриятлар - миллатнинг тарихий фаолияти давомида юзага келган ва муайян қадр-қимматга эга бўлган моддий ва маънавий неъматлар йиғиндисидир. Унинг таркибидан асосан қуйидагилар ўрин олади:

а) миллат истиқомат қилаётган ҳудуд табиати билан боғлиқ хусусиятлар, ҳодисалар, ёдгорликлар;

б) миллат тарихи билан боғлиқ шонли жараёнлар, воқеалар;

в) миллат турмуши билан боғлиқ нормалар, хулқ-атвор моделлари;

г) маданий бойликлар;

д) миллат орзу-умидлари ва идеалларини ўзида мужассам қилган ғоялар.

Миллий қадриятларнинг аҳамияти шундаки, у миллат вакилларини турли жараёнлар ва воқеалар, нарсалар ва предметларни миллат эҳтиёж ва манфаатлари, мақсад ва идеаллари нуқтаи назаридан баҳолашга одатлантиради. Зотан, миллий қадрият миллат вакилларининг хулқ-атвори ва онгини белгилаб берувчи мўлжаллар тизимидир.

Маданий мероснинг миллий маданият таркибидаги ўрни ҳам алоҳида диққатга сазовор. Маданий мерос аجدодларнинг ҳаётий фаолиятини ифода-ловчи ҳамда ўтмишда муайян қадр-қимматга эга бўлган ёдгорликлар, иншоотлар, бинолар, одатлар, нормалар, идеаллардан таркиб топади. У мураккаб ижтимоий-маданий тизим бўлиб, миллатнинг асрлар давомида

² Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки.- М.: Рипол классик, 2013.- С.235.

³ Назаров К. Қадриятлар тизимининг барқарорлиги ва ўзгаришлари.-Т.:1994.- Б.9.



тўпланган тажрибаси, билим ва маълумотларини ўзида мужассам қилади. Одатда уни моддий ва номоддий маданий меросга таснифлайдилар. ЮНЕСКО томонидан 1972 йилда қабул қилинган "Умумжаҳон маданий меросини муҳофаза қилиш бўйича Конвенциянинг" 1-моддасида моддий маънавий мерос сифатида қуйидагилар эътироф этилади:

"ёдгорликлар: архитектура иншоотлари, монументал ҳайкалтарошлик ёки тасвирий санъат асарлари, археологик топилмалар, тошлардаги ёзувлар, горлар, шунингдек ушбу хусусиятларни мужассам этган ва тарих, санъат ёхуд фан нуқтаи назаридан универсал қадр-қимматга эга бўлган объектлар;

"иншоотлар мажмуи: ўз архитектураси, гомогенлиги ёки ландшафтдаги жойлашувига кўра универсал қадр-қимматга эга бўлган алоҳида иншоотлар ёки ўзаро боғлиқ бинолардан таркиб топган мажмуалар;

"объектлар: инсон томонидан яратилган ёки табиат ва инсон иштирокида вужудга келган объектлар, шунингдек тарихий, архитектуравий, этнологик ва антропологик нуқтаи назардан алоҳида қадр-қимматга эга бўлган археологик объектлар жойлашган ҳудудлар.⁴

Бундан ташқари, ҳар қандай миллат номоддий маданий меросга ҳам эга бўлади. ЮНЕСКО томонидан 2003 йилда қабул қилинган "Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича Конвенциясида" эътироф қилинишича, номоддий маданий мерос деганда аجدодлардан авлодларга ўтиб келётган билимлар, малакалар, идеаллар тушунилади.⁵ Мазкур мерос миллатнинг ўзига хос жиҳатларини ифодалайди, аجدодлар ва авлодлар ўртасидаги вори-сийликни таъминлайди. Шунингдек, номоддий маданий мерос маълум авлод вакилларининг барқарор турмуши ва ўзаро ҳамжиҳатлигини таъминлайди, уларни муайян ғоя атрофида бирлаштириш ва тараққиёт мақсадларига сафарбар қилиш имконини яратади.

Кўриниб турибдики, миллий маданият анча мураккаб ва ўзига хос таркибга эга. Лекин бу масаланинг бир томони, холос. Иккинчи томони шундан иборатки, миллий маданиятнинг турли элементлари ўзаро алоқадорликда ривожланади. Элементлардан бирининг ривожини албатта бошқаларида ўз ифодасини топади, уларнинг ҳам тараққий топишига, мазмунан бойишига замин яратади.

Хуллас, миллий маданият - муайян миллат вакиллари томонидан тарихий тараққиёт давомида яратилган моддий ва маънавий қадриятлар йиғиндисини, мазкур қадриятларни бунёд этиш йўлларини, улардан миллий ва умум-инсоний тараққиёт йўлида фойдаланиш, аجدодлардан авлодларга етказиш малакасини ифодаловчи тушунчадир.

РЕЗЮМЕ

Мақолада XXI асрда кишилик жамиятининг турли соҳаларига жиддий таъсир кўрсатадиган омиллар ва тенденциялар кўпайгани, бу омиллар миллий маданият табиатида салмоқли из қолдираётгани баён этилган.

⁴ Қаранг: Мастеница Е.Н. Культурное наследие в современном мире: концептуализация понятия и проблема-тики.// Труды Санкт-Петербургского государственного института культуры, 2008, №180.- 252-с.

⁵ Қаранг: Нематериальное культурное наследие.// <https://ru.unesco.org>.



JONMARD QASSOBNI ZIYORAT QIL

Тўлқин ҲАЙИТ,
Халқаро Амир Темур жамоа фонди
бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари

1974 йилнинг ноябрь ойи.
Сурхондарё вилоятининг Сарисойё тумани, Дашнобод қишлоғи.
Анорзорлар ҳосилга кирган пайт.

Муҳаммад Аливой бувамиз оддий инсон эдилар, аммо ишни пухта бажаришлари сингари гапни ҳам чертиб гапирардилар, чунончи Тошкентга ўқишимга кетишимдан олдин дуо олиш учун олдиларига бордим. Анор узиб юрган эканлар. Ним пиёладек қизғиш анорни хушбичим қилиб кесдилар. Дашнобод анор кесишнинг 19 усули мавжуд дейишади. Бобом "Гумбаз девори" усулида кесдилар. Бунда анорнинг тожи айлана шаклда тепада қолиб, кесилган ён томонлари парра-парра бўлиб ёйилади, оппоқ пардаларига ҳам шикаст етмайди. Тақсимчага қўйсангиз, гўё тожини қалпоқ қилгандек, қанотларини ташлаб: "Ол, маза қилиб е!" дегандек, ҳавасингизни келтиради.

-Нима гап, болам? - деб сўрадилар бувам.

Мақсадимни айтдим.

-Ўқиш керак, албатта, ўқиш керак! - дедилар. - бу замонда дипломли бўлмасанг, яшаш қийин. Анор ширин экан. Ҳаётинг ҳам шундай ширини бўлсин! Мабодо, Самарқандга йўлинг тушса, Жонмард қассобнинг қабрини ҳам зиёрат қилиб қўйгин", дея тайинладилар сўнгра.

Бу номни биринчи эшитишим эди. Шу боис, унинг кимлигини қизиқиб сўраштираган эдим: "У киши катта бобонг бўлади, шу ерда, Дашнободда туғилиб, мактабда таҳсил олиб, зукко йигит бўлиб ўсган, сўнг ўлғайгач, "Бобомнинг она шаҳрида яшайман", деб Самарқандга кетган. Аҳмад Яссавийни ўзларига увайси пир тутган. Бир умр ҳалол топиб, ҳалол еган. Одамларни қовуғи тутилиб қолса, унга ихос қўйишган ва тузалиб кетишган. Шердор мадрасасининг қурилишида ҳар куни ўттиз минг нафар одамни гўшт билан таъминлаган", дедилар.

-Бува, бу гапларни қаердан биласиз? - деб сўрадим яна қизиқиш билан.

Бобом:

-Бу гапни менга отам айтган эдилар, у кишига боболари, боболарига катта бувалари айтган. Оғиздан-оғизга ўтиб келяпти. Мана, сенга айтдим, сен келажак авлодларга етказасан! - дедилар.



Ўйланиб қолдим. Бобомнинг айтганларига ишонмасдан иложим йўқди, аммо барибир кўнглим хотиржам тортмади, бу тўғрида аниқманба бўлмас экан, менинг чўпчакларимга ҳея ким ишонмайди, деб ўйладим.

Албатта, мен осмондан олиб гапиргандан кўра, билганларимни сўзлашни ва тарихимизга оид ҳар бир гапни қизиқиш билан ўрганишни бурчим, деб биламан.

ЖОНМАРД ҚАССОБ ҚИССАСИ

Самарқанд шаҳрининг Регистон майдонидаги Шердор мадрасасининг ўнг олд томонида, пастда Муҳаммад Қатангу исми, Жонмард қассоб лақабли азизнинг қабрлари мавжуд. Абу Тоҳир-хўжа ўзининг "Самария" асарида гувоҳлик беришича, бу зот мадраса қурилишида ишлаган ўттиз минг нафар хизматчини ҳар куни гўшт билан таъминлаб турган. Муҳаммад Аливой бувамиз у кишини бобокалонимиз, дер эдилар. Сўзимизда ихтилоф бўлса, Яратган эгамиз кечирсин!

Ушбу мўъжаз асарни шу зоти пок руҳларига бағишлайман.

Баҳор ойининг серёгин келиши замин сайқали бўлмиш Самарқанд шаҳридаги кўримсиз ҳолга келиб қолган Регистон майдонидаги қурилиш ишларини кейинга суриб юборди. Шаҳар ҳокими Ялангтуш Баҳодир ўзи ҳаддан ортиқ қадрлаган Мирзо Улуғбек мадрасаси ичидаги оппоқ, файзли, иссиққина ҳужрада қамалиб ўтириб, диққати кун сайин ошиб бормоқда. Эрталабдан кечгача осмонга қараб, қачон қора булутлар тарқаб, ёмғир қачон тинаркин, дея ҳаловатсиз ҳолда кун ўтказади. Одам деганининг умри бу дунёда капалак қанот қоқишига тенг бир нарса, бугун борсан, эртага йўқ. Бугун битмаса-битмабди, эртага бажараман, деган киши адашади, Шердордек улуғвор олий иморатни битириб, ёшларни саводли қилиш учун шарт-шароитларини тўғрилагунча ҳам неча йиллар шамолдай ўтиб кетади. Мирзо Улуғбек ҳазратларининг аҳволини тушунгандек бўлиб турибди. У зот давлат юмушларидан ортиб, бу қадар нафис ва улуғвор олий иморатни қандай бунёд эттирдилару, қачон якунлаб, неча буюк олимларни жалб этиб, талабаларга ўзлари ҳам дарс беришга қачон улгурдилар, деб ўйлар экансиз, даҳоларнинг вақтни сарфлашларига ҳам тан бермасдан илож йўқ.

Тунука тарновлар ёмғир сувларининг кучли босимига зўрға бардош берар, бу кетишда бир-иккиси ёрилиб кетиши ҳам мумкин. Яхшиямки, тунукасозлар ишларини пухта бажаришган. Усталардан биттаси ҳар бир тарновни қўяётган вақтда: "Ё Худо, сенинг йўлингда меҳнат қиляпмиз, бизни Ўзинг қўлла!" дея дуо қилгач, ишни бошлар экан. Имонли одамлар экан, улар!

Ёшлик йиллари, болалик пайтлари эсида. Ўзи ҳам шу мадрасада таҳсил олди. Ҳар куни эрталаб келиб, то дарс бошлангунча Мирзо Улуғбек мадрасасини узоқдан ҳавас билан томоша қилар, бу ҳолат аллақачон унинг



ёқимли машғулотига айланиб қолган эди: олий иморатнинг Ҳумо қуши сингари парвозга шайланиб туриши, қадди расо фаришта каби нафис ва сержило, жозибардорлиги, уч табақали тўрт миноранинг кўкка бўй чўзиб турганлиги, пештоқ тепасидаги оралари очиқ деворсимон устки кунгура, ундаги тўққиз фалак тасвири, ҳар бир қисмнинг назокати ва улғворлиги унда жуда ёқимли таассурот қолдирар ва ана шу завқли туйғу билан сабоқолишга киришаркан, "Менга ҳам шундай улғвор иморат бино бунёд этиш насиб этармикин?!" дея орзу қилар ва ўлғайсам, топган бутун бойлигимга Мирзо Улғубек мадрасаси сингари улғвор кошона қураман ва унда бутун юртимдаги истеъдодли ёшларни ўқитаман, дея орзу қиларди. Бугун шу орзусига етиб турибди, Худога минг қатла шукр! Бугун кимсан машҳур олам Самарқанду пойтахтнинг ҳокими, буюк Соҳибқирон мангу макон топган шаҳри азимнинг соҳиби даврони. Ялангтўш баҳодир десалар, бу томони Хуросон, у томони Эрону Ироқ қуллуқ қилиб туради.

-Хожам, Сизни Жонмард қассоб йўқлаб келибди, бўсағада пойлаб турибдилар!

Ялангтўш Баҳодир хизматкорнинг хабари эшитиб, апил-тапил ўрнидан туриб, ташқари отилди. Кимсан ҳазратнинг ўзлари қадам ранжида қилган эканлар, ўзи кутиб олиши керак, акс ҳолда уят бўлади. Хизматкор ҳам қизиқ, неча марта айтган, тайинлаган, бирор азиз киши келса, ижозат сўрамай олиб кир, деган. Буларга ўргатиб бўлмас экан-да, пирни ҳам куттириб қўядими, нокас!

Шаҳри азим Самарқандда Жонмард қассоб номи билан танилган Муҳаммад қатанғу бува асли Ҳисор вилоятининг Дашнобод кентидан бўлиб, ёшлиқдан ота шаҳрим деб Самарқандга келган ва шу ерда муқим яшаб қолиб, бу кунларда машҳури замон пирлардан бири саналади. Ўз пайтида бу зот ҳам Мирзо Улғубек мадрасасида таҳсил олган, Аҳмад Ясавийнинг увайсий муридларидан бири. Қассоблик билан ҳалол топиб, рўзгор тебратади. Бугунги кунда бутун шаҳарни эмас, бу томони Қарши, у томони Қашқаргача бўлган ҳудуд аҳолисини гўшт маҳсулотлари билан таъмин этади. Шаҳарнинг ўзида ўнлаб қўшхоналари мавжуд, Муридларининг бари тарозига маҳкам, бирор кишининг норози бўлганини кўрган эмас. Жонмард қассоб тарозисида тортилган гўштга ишонса бўлади, дейишади. Ўзлари ҳам доимо: "Тарозидан урманглар, шаҳарнинг баракасини қочирасизлар. Тарозидан урган киши дўзахидир", дейдилар. Яна бир хислатлари ёш болалар, ёхуд ҳайвонларда сийдик тутилиб қолса, бир дуо ва туфлаш билан балони даф этадилар. Бу ҳам Аллоҳдан у кишига берилган инъомки, бунинг учун доимо шукрона айтиб яшайдилар.

Ялангтўш баҳодир маҳси кийган оёқларига бўсағада турган калишни илар-илмас пирга қараб югурдилар. Жўмард қассоб дарвозадан ичкари кириб, асоларини деворга суяб қўяётган эди.

-Пиру комил, айтсалар, ўзим остонангизни ялашга борар эдим, - деди у салом бераркан. Пирдан уфурган анбар ҳиддан ўзгача оромни ҳис этиб,



юраги маза қилди. Ўзи доимо пир билан кўришганда, мазали роҳатни ҳис этиб, жуда шодланади. Худо берган хислатда бу ҳам, ҳар кимга ҳам насиб этмайди бундай ажойиб фазилат!

Муҳаммад Қатангу бува гарчи ёшлари бир жойга борган бўлса ҳам, қадам олишлари дадил, тиллари бурро, кўзларидан ўт чақнайди.

-Бир қошиқ ёвғонингни мендан қизғонасанми, баҳодир! - дея остона-даёқгапни ҳазилга бурди. Пирни бутун Самарқанд аҳли "ҳозир жавоб инсон, бунақа самимий ҳазилкаш пирни бошқа жойда учратмайсиз", деб айтади. Кўчада, йиғинларда, жума намозларида кимки бу зотга юзма-юз келса, ундан дарҳол дуо олишга шошади. Эшигидан эса туну кун одам аримайди.

Ялангуш баҳодир ҳам ҳозир жавоб пирига тан беради. Гапни шундай дўндириб айтадиларки, ҳатто танбеҳлари ҳам кўнгилга тегмайди. Дашно-бодлик пир, волидаи муҳтарамалари у зотни гап учун туққан, уларга нининг учини тегиру урра қоч, бўлмаса, нақ балога қоласан. Ялангуш баҳодир ҳазилга-ҳазил билан жавоб қилмоқни ихтиёр этди-ю, лекин чув тушиб қолишдан чўчиб:

-Марҳамат қилсинлар, кулбамизнинг тўри сизники! - дея гапни калта қилди. Содда, самимий, бегубор тилда "бир қошиқ ёвғон шўрвангни мендан қизғонасанми, баҳодир!" дея писанда қилгани унга мойдай хўш ёқди.

Пир бува унинг ўйчан кўзларига қараб, "бемаврид келмадимми?" деган андиша билан:

-Мен бир масала бўйича олдинга келган эдим, болам! - дея ташрифининг боисини билдира қолди.

Ялангуш баҳодир эшиги бўсағасида ҳар куни ўнлаб арзигўйлар, бевабечоралар, ночорлар қатор туришади. Бойлар ҳам қадам ранжида қилган пайтлари кўп бўлади, лекин уларнинг масалалари доимо ташвишли, оғир: ё сармояларини бой бериб, чув тушиб, абгор ҳолатга келган, ё бир ишни бошлаганлару сармоялари камлик қилган; етти оламга машҳур Самарқанд шаҳрининг нуфузли ҳокими, бегимисан, демак, сендан бой одам йўқ, бир банди мусулмон, ночор кимса олдинга катта бошини кичик тутиб келибдими, тантилигингни кўрсат, мулла жирингдан чўзмасанг, бўлмайди, "бой бойга боқар, сув сойга оқар". Ялангуш баҳодир бундай пайтларда тили каловланиб, бир нима дейишга жавоб сўзи тополмай қийналиб қолади. Ҳов бой ота, мен "дил ба ёру даст ба кор", қўл учи меҳнатим билан рўзгор тебратаман, топганимни мадраса қуришга, сизнинг ўғилларингиз илм олсин, одам бўлсин, деб сарфламоқчиман, сизга ўхшаганларга топганимни бериб юборсам, бу олий иморатни қачон битказаман, дея олмайди. Ўша бойларнинг ҳам оч кўзларини тўйдириб, чиқариб юборади.

Пирнинг "бир масала бўйича олдинга келдим", дегани боис у шу гапларни хаёлидан ўтказди ва яна қайси бир бой пирни ўртага солган кўринади, деган хаёлга борди. Пиру комилнинг оппоқ соқолини силаётганига кўзи тушиб, ўйлаганим рост, деган қарорга келди, аммо пир уни ҳайратга



солиб:

-Сен, болам, ёшларимиз илм олсинлар, дунё танисинлар, деб жон куй-дирияпсан, Мирзо Улуғбек давридан бери ҳеч бир ҳоким бундай олий иморатга қўл урмаган, - деди ва ўғринча кула туриб, - ишқилиб чол бува ишимга аралашманг, туёғингизни Ҳисорга қараб шиқиллатинг, дейсанми?! - дея яна самимий ва бегубор ҳазил қилди.

Ялантуш баҳодир маза қилиб кулдики, юрагини кемириб турган дардлари қуртлардек шовуллаб тўкилиб, танаси енгил тортиб, кўз олди равшан порлади.

-Пирим, пирим, ўзимнинг танти бувам, наҳотки мен саллани пайтава қиладиган шунчалик оми бўлсам?! - деди у ҳам ҳазил аралаш. Лекин буванинг бу гапдан мақсади нима, деганча ўйланиб қолди. Аммо бу тўғрида сўраш - уят, сабр, сабр ва яна сабр. Пирнинг ўзлари айтмагунча, тилини тишлаб тургани афзалроқ.

-Сен, болам, аввал иморатингни тушунтир, у қанақа бўлади?!

Ялантуш баҳодир қув чолнинг бундай савол беришини кутмаган эди, чакки эмас, кўпни кўрган чол, "қурадиган иморатинг бир нарсага арзийдимми ўзи?" деб сўраяпти. Ҳоҳ, анойи чоли-эй!

-Пирим, - деди у ўйчан ҳолда, "олий" демоқчи эди, тушириб қолдириб, - иморатимиздан мақсад, - деди ва йўталиб олди, - мақсад шуки, пирим, "Инсон зиё орқали руҳий покликка эришади, руҳий поклик орқали комиллик даражасига етади", деган ғоя бутун фикру зикримни эгаллаган.

Пир мийиғида кулди, Ялантуш баҳодир ундан "баракалла, болам" деган мақтовни кутган эди, лекин у:

-Аллоҳим сени қўлласин, илоҳим! Вайрона ҳолатга келган Мирзо Улуғбек хонақоҳи, ташландиқ Мирзойи карвонсаройини нима қиласан? - деб савол бердики, бу ҳокимнинг ҳам оғриқнуқтаси, оғир дарди эди. "Ҳа, қув чол, роса тайёрланиб келганга ўхшайди", деб ўйлади.

-Уста Абдужаббор билан икки йил бош қотирдик, пирим! - деди Ялантуш баҳодир изоҳ беришга ўтди. - Буюк наққош Маоний: "Ҳақиқий наққош шундай уфқ ҳосил этсинки, унга интилган сари янги-янги гўзаллик олами очилсин", деган. Худо раҳмат қилгур олампаноҳ Мирзо Улуғбек ҳазратлари бутун илмларини ўз мадрасалари нақшларида жойлаганлар. Мадраса пештоқида "ўн саккиз минг олам харитаси" ўз аксини топган. Бу жуда ҳайратланарли.

Пиру комилнинг нигоҳи ташқарида, кўзга ташланиб турган деворий нақшларда эди. Ялантуш баҳодир яна бир бегбуор ҳазил бўлади, деб ўйлади, аммо Муҳаммад қатанғу бува бу сафар:

-У зот бу дунёга бир келди, қайта туғилмайди, - дея Мирзо Улуғбек ҳазратлари номини тилга олди. - Бир боқинг, у зоти шариф ўзларининг илму зиёлари билан бунёд эттирган улугсифат иморатнинг хоналари ичига нима акс этган? Тўққиз фалак ҳайъати-ю, тўққиз осмон доиралари, шакларининг даража, дақиқа, сонияларидан тортиб, то оширларигача чи-



TARIXSHUNOSLIK

зилган. Айланувчи фалаклар, етти сайёра, собита юлдузлар жамоли, Ер кўрраси, иқлимлар, тоғлар, биёбонлар, дилназар нақшлару беназир рақамларнин бари ўз аксини топган. Аллоҳ ўз қудратини бир нуфузли бандаси орқали намоён этгани эмасми бу, бўтам?!

-Пирим, Сизнинг бу сўзларингиз мени ҳайратга солди, - деди Ялантуш баҳодир гапни узоқдан бошлаган Жўмард қассобнинг нима юмуш билан келганини англолмай.

-Бизни меъморчилик илмимиз бурнимиздан нарига ўтмайди, эшитганларимизни айтдим, болам, - деди пир тўғри сўзлиги билан уни яна ҳайратга солиб. Бошқа мақтанчоқ кимса бўлганда, осмону фалақдан келиб, бошини роса қотирарди.

-Сиз кўп нарсаларни биласиз, пирим, - деди у қуллуқ қилганча. -Мирзо Улуғбек ҳазратлари оддий одамлар тушуна билмайдиган кўк сирларини нақшлар, турфа безаклар билан мадрасаи олий иморат ичи ва ташқида мужассам этганлар. Тўғри айтурсиз!

Пир Қуръони каримдан бирсура тиловат қилдилар:

-"Осмонда буржларни барпо этган ва унда чироқ ва нурафшон Ойни пайдо қилган зот баракотли буюқдир" (Қуръони карим, Фурқон сураси, 61-оят) Алҳамдуллоҳ, мусулмонмиз, ўзингга шукр!

-Яратган эгамизга ҳамду санолар бўлсин! Мирзо Улуғбекнинг тафаккур оламини бойитган ҳам Ўзидир. Беш, саккиз, ўн олти қиррали нақшларнинг ҳар бирида кўкнинг буюклиги акс этган. Мадраса қаносидаги безаклар фалакнинг бир-бири билан занжирсимон боғланиб, ҳалқасимон ҳаракат тизимини ифода этган. Бу фалак харитаси, демақдир.

Пир соқолини силаганча яна бир калима ўқиди:

-"Раббингиз осмонлару Ерни олти кунда яратган...қуёш, ой юлдузларни ўз амрига бўйсундириб қўйган Аллоҳдир" (Аъроф сураси, 54-оят). Сиз бунёд этимоқчи бўлган олий иморатда қандай ишоралар акс этади, болам?

-Раббимизга ҳамду санолар бўлсин, пирим!





IKKINCHI JAHON URUSHI DAVRIDAGI O'ZBEKISTON XOTIN-ISLARINING MENAT FRONTIDAGI O'RNI

Мўътабар УРОЛОВА,
Ўзбекистон тарихи давлат Музеи илмий ходими

Калит сўзлар: мустақиллик, озодлик, ватан, уруш, тинчлик, вайронкор гоё, фронт, фашизм, эвакуация, толерантлик.

Кириш. XX асрда дунёнинг кўплаб давлатлари ўртасида Иккинчи жаҳон уруши бошланди. Инсониятнинг бешдан тўрт қисмини қамраб олган бу низо, мамлакатлар тараққиётида салбий таъсир кўрсатган. Барча халқлар учун ўз ватани озодлиги, мустақиллиги, эрки қадри бўлган. Ижтимоий-иқтисодий, моддий-маънавий таназзулга юз тутишига сабаб бўлди. Уруш бу вайронкор гоё бўлиб, умумжаҳон тинчлигини барбод этувчи, террористик ҳаракат ҳисобланади. Бундай ҳаракатлар оқибатида кўплаб давлатлар ва тарихий масканлар, муқаддас қадамжолар вайрон этилган, минглаб инсонлар ногирон ва қўрбон бўлган.

1939 йил 1 сентябрда бошланган будаҳшатли уруш зудлик билан Ўзбекистонда ҳам ҳарбий кўролли кучлар сафини кенгайтириш, армияда жанговор қўшинни шакллантириш, ҳарбий тайёргарликни ошириш, ҳарбий лагерлар ташкил этишни талаб этар эди.

Шунингдек, фронт ортида таъминот базасини яратиш, уни ҳараклантирувчи кучларни ўз ўрнига қўйиш, халқхўжалигини ривожлантириш, қишлоқ-хўжалиги, саноат ва ишлаб чиқариш соҳасида етакчи кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, маҳсулотлар хилма-хиллиги васифатини ошириш, озиқ-овкат заҳирасини бойитиш, ўз вақтида фронт эҳтиёжини таъминлаш каби долзарб муаммолар мавжуд эди. Республика Президенти Шавкат Миромоновичнинг "Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак" [1],¹-деган, сўзларида ҳам азалдан халқимизда қадрланиб келган тинчлик ва тотувлик, ватанпарварлик каби инсоний фазилатларни улуглаб келган тинчликсевар халқэканлигини кўриш мумкин. Аммо, фавқулотда бошланган урушда халқимиз қатъият билан ташаббусни ўз қўлига олди. Айниқса, ўзбек хотин-қизлари ҳам биринчилардан бўлиб душманга қарши жанг қилишга тайёр эканини билдирди.

- **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Ўзбек халқи нафақат фронт ичкарасида балки фронт ортида ҳам ҳақиқий ватанпарварлик намуналарини кўрсата олди. Уруш йилларида Ўзбекистон фронтнинг мустақкам таъминот базасига айланишида республика хотин-қизла-

¹ <http://uza.uz/uz/politics/O'zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyoyevning-9-may-xotira-v-09-05-2017>



ри ҳам муносиб ҳисса қўшишди. Улар урушнинг дастлабки кунларидан фронт ортида юксак матонат соҳибаси эканликларини кўрсата олдилар. Завод ва фабрикаларда, пахта далалари, узумзорларда, шоли майдонларида, ҳаттоки, энг оғир ишларда ҳам мардонавор меҳнат қилдилар. Бевосита хотин-қизларнинг фаол меҳнати билан жуда катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Ўлкамизга фронт яқинида хавф остида қолган турли халқлар билан бирга кўплаб завод ва фабрикалар эвакуация қилинди. Эвакуация қилинган юздан зиёд завод ва фабрикаларни ишга туширишда ишчи ва муҳандислар билан бирга аёллар ва кексалар, ўспирин болалар мардлик ва матонат билан меҳнат қилдилар. "Ҳамма нарса фронт учун!"^[2],² шиори остида жон-жаҳди билан "Ватан" ҳимоясига отланиб, туну-кун ишлаб ғалабага ўз ҳиссасини қўшдилар.

Шиддатли уруш қишлоқхўжалик соҳасида ғоятда оғир меҳнат қилиш, "пахта етиштириш юзасидан берилган топшириқларни бажариш, дон экинлари майдонини кенгайтириш, сабзавот-полиэ экинларини етиштиришни кўпайтириш учун зарур чораларни" кўриш эҳтиёжини талаб қиларди^[3]. Шароит ва вазият оғир бўлсада хотин-қизлар чекинмасдан ҳаракат қила бошладилар. Айниқса, мамлакатмиллий бойлиги бўлмиш пахта чигитини ўз вақтида ерга қадаш, суғориб, парвариш қилишэнг муҳим вазифа ҳисобланади.

- **Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Мамлакат бўйлаб жаранглаётган чақириқлар хотин-қизларни меҳнатга бўлган иштиёқини оширди. Шу жумладан, 1941 йил 20 августда бўлиб ўтган мажлисда "Нуриллаева Сожидахон, Раҳматова Ойниса ва бошқалар колхозчилар номидан сўзга чиқиб, ҳеч нарсани аямасликларини, ҳатто керак бўлиб қолса, жонларини ҳам фидо қилишга тайёр эканликларини айтишган⁴. Республикада ижтимоий-иқтисодий жараён маҳсулотлар ҳажми ва сифатини оширишни талаб этарди.

Пахта мавсумида Андижон вилояти Тўрақўрғон тумани теримчилари Аминахон Назарова, Марям Исоқова, Сорахон Имомова, Шофиркон тумани меҳнаткашларидан Барно Ниёзова, Мунаввар Шодиева, Адолат Рустамовалар кунлик пахта териш режасини 200-250 килограммга етказишган бўлса, Саломат Юнусовалар кунлик нормани 200-300, Китоб туманидан Туҳфахон Маликова бир кунда 270 килограмм, ойига 8 тонна биринчи навли^[5], Қолмакон қишлоғидан Зулайҳо Ашурова, Ҳикмат Ҳайитова, Ойша Жўраевалар Самарқандлик донгдор пахтакорлар Хосият Файзиева-

² Граудин Н., Валиев Г. Улар урушга хизмат қилмоқдалар. (Тошкент темир йўлининг лунинчилари) В. Раҳимов таржимаси. Т., -1944. Уздаврнашр. 8 бет.

³ Қалимбетов Ж., Бағдасаров В.Ш. Улуғ Ватан урушида ўзбек халқининг меҳнат зафарлари - Т., -1965. Ўзбекистон КП марказий Комитетининг бирлашган нашриёти. 9 бет.

⁴ Пўлатов И. Улуғ Ватан уруши ғалабасига Ўзбекистон меҳнаткашларининг қўшган ҳиссалари. -Т.,-1967. Ўзбекистон. 6 бет.

⁵ Тошхўжаева Н. Ўзбекистон қишлоқ хотин-қизлари уруш йилларида (1941-1945). -Т. Ўзбекистон ССР "Фан".



лар 50 центнер[6]⁶, Қашқадарёнинг Қамаши туманидан С.Холматова, Ўлмас Садриева, Саломатой Қаршиевалар 240-270, Хужабод туманидан Р.Янгибоева, А. Назарова, Р.Усмонова 140-150, Намангандан стахановчи теримчи Иномова 250 килограмм, 15 мингчи Полвоновалар 5 барабар[7]⁷ режани бажардилар.

"Бухоролик З. Аҳматова, В.Зарипов, Х.Гадоевалар" [8]⁸ гўза қатор ора-рига ишлов беришда, культивация қилиш, сугориш, чопиқ, ягона қилиш ишларида меҳнат қилган бўлсалар, Фаргона вилояти пахтакорлари 1941 йил 219 минг 104 тонна пахта[9]⁹ териб топширганлар. Мамажанова, Қодирова, Охунова, Мадалиева, Эргашева ва Мўминоваларнинг ҳар бири 15 тоннадан пахта териб [10]¹⁰ намуна кўрсатганлар.

Аммо, республиканинг баъзи вилоятларида муаммо ва камчиликлар ҳам йўқэмас эди. 1945 йил 17 августда "1945 йилда пахта йиғим терими ва уни тайёрлаш тўғрисида қабул қилган қарор"да асосий вазифалар белгиланиб, "мавсумда 10-15 тоннадан пахта териш" шиори эълон қилинди.

Янгийўл туманидаги 40 та илғор хотин-қизларидан Марям Рўзиева, То-жинисо Юсупова, Ҳалима Исоқова, Тошхон Усмоновалар 15 тоннадан "оқол-тин" териб, давлатга топширишди. Избоскан туманидаги Ўғилой Қурбонова 25 тонна, Фаргоналик Гулбиби Мажидова, Шарофат Остонова, мирзачўлик Мақсуда Шоҳназарова, Самарқандлик Тожихон Ҳусаинова каби пахтакор хотин-қизлар кунига 250-300 пахта тердилар [11]¹¹. Уй-рўзгор ишлари, фар-зандлар тарбияси билан бир қаторда аёллар жамият равнақи учун барча масъ-улиятли вазифаларни тенг олиб бориб, тарихида биринчи марта "Ватан" хир-монига 6 миллион 225 минг тонна пахта тайёрлаб хирмонга топширдилар. Беш йиллик ичидаги пахтамиз 28,5 миллион тоннани ташкил этди [12]¹².

"Оқ-олтин"ни ўз вақтида ёғинга қолдирмасдан йиғиб териб олиб, хир-монга етказиш, етарлича машаққатни талаб этгани ҳолда "Ўзинг учунгина эмас, армиядаги ўғлинг, ака-укаларинг ва эринг учун ҳам ишла!" шиори остида Тошкент меҳнаткашлари 13235 колхозчи-икки норма, 5649 колхозчи - уч норма ва 1339 колхозчи тўрт нормага етказиб меҳнат қилди. [13]¹³.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда хотин-қизлар Бухородан 3366 таси, 1431 механизатор, 1157 та хотин-қизлардан, 460 та комбайнчи, булардан

⁶ Тошхўжаева Н. Ўзбекистон қишлоқ хотин-қизлари уруш йилларида (1941-1945). -Т.: Ўзбекистон ССР "Фан". 1985. 18 бет.

⁷ Тошхўжаева Н. Ўзбекистон қишлоқ хотин-қизлари уруш йилларида (1941-1945). -Т.: Ўзбекистон ССР "Фан". 1985. 10-15 бет.

⁸ Тошхўжаева Н. Ўзбекистон қишлоқ хотин-қизлари уруш йилларида (1941-1945). -Т.: Ўзбекистон ССР "Фан". 1985. 10 бет.

⁹ Тошхўжаева Н. Ўзбекистон қишлоқ хотин-қизлари уруш йилларида (1941-1945). -Т.: Ўзбекистон ССР "Фан". 1985. 15 бет.

¹⁰ Пўлатов И. Улуг Ватан уруши галабасига Ўзбекистон меҳнаткашларининг қўшган ҳисса-лари. -Т.: -1967. Ўзбекистон. 15 бет.

¹¹ Тошхўжаева Н. Ўзбекистон қишлоқ хотин-қизлари уруш йилларида (1941-1945). -Т.:Ўзбекистон ССР "Фан". 1985. 21 бет.

¹² Қосимов.Й. Улуг Ватан Уруши йилларида Ўзбекистон халқларининг сув учун кураши тари-хидан. -Т.,- Ўзбекистон ССР "Фан" нашриёти 1983й 3 бет.

¹³ Пўлатов И. Улуг Ватан уруши галабасига Ўзбекистон меҳнаткашларининг қўшган ҳиссала-ри. -Т.,-1967. Ўзбекистон. 8-10 бет.



285 таси хотин-қизлардан, 240 та бригадирлар тайёрланди.[14]¹⁴

Пахта, галла каби техник экинлар экиш, ер ҳайдаш, культиватор қилиш жараёнини трактор, механизатор меҳнатисиз тасаввур этиш қийин, албатта. Натижада Бухорообластида 3677, Самарканд областида 2285, Тошкентобластида 1595, Фарғонада 1189, Андижонда 1007, Хоразм областида эса 1088 хотин-қиз трактор ҳайдаш касбини эгаллаб олдилар. 1942 йилнинг бошларида Қорақалпоғистоннинг МТС ларида 467 трактор ҳайдовчиси тайёрландива 222 хотин-қиз қишлоқ механизаторлари курсларини ўтади. [15]¹⁵

- Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Республикада касбга йўналтирувчи ўқув курслари ташкил этилиб, хотин-қизларга техника бошқарувидан сабоқ берилди бошлади. Бу даврда хотин-қизлар ўқув курсларида таълим олиб, урушгача эркаклар бажариб келган вазифаларни тезликда ўрганиб бошқарувни ўз қўлларига олдилар.

Марказ механизатор кадрлар тайёрлаш соҳасига алоҳида эътибор қарата бошлади. "Самарканд ва Жиззах вилояти МТС бўлими 1 ва 2 гуруҳи ишчиларидан Саодатхон Абдурахмонова, Пўлатхон Умарова, Турсуной Орипова каби тракторчи аёллари ўз меҳнатсеварлиги билан барчага ўрнак бўлди" [16]¹⁶.

Шу боисдан, 1941-1943 йилларда республикада 41320 трактор ҳайдовчи кадр тайёрланди, шу жумладан, хотин-қизлар 15 минг кишини ташкил этар эди. 1941 йилдаёқ МТС лар қошидаги механизаторлар курсини 18 765 киши битириб чиқди. Шулардан 12 478 киши хотин-қизлар бўлиб, Наманган Уйчи МТСидан Дадабоева, Учқўрғон 1-МТСидан Бусланова, Урганч 1-МТСидан Қўчқорова, Оҳангарон 1-МТСидан Жўраева, Андижондан 32, Наманган областидан 11, Фарғона областидан 34 трактор ҳайдовчиси, Қарши 1-МТС трактор бригадасига бошчилик қилган М. Икромова ва унинг бригадаси бир мавсумда нормадаги 80 гектар ўрнига 180 гектар ердаги галлани ўриб берди ва шу муддатда 2 тонна ёқилгини тежаб [17]¹⁷, "Социалистик қишлоқ-хўжалиги аълочиси" кўкрак нишони билан мукофотланди.

Шу билан бирга, уруш йилларининг оғир шароити туфайли Наманган, Сурхондарё, Хоразм областлари ва Қорақалпоғистон АССРнинг колхоз ишлаб чиқариш раҳбарлари механизаторлар тайёрлаш курсларига хотин-қизларни етарли даражада жалб қила билмаганликлари ҳам фактда қайд қилинган бўлиб, ўз навбатида жойларда маҳсус курсларнинг йўқлиги сабабли, ҳам рўй берди. Айрим аёлларимиз уй-жойлари, оилаларидан узоққа бориб ўқишга имконияти йўқ эди.

1944 йилда механизаторлар тайёрлашдаги бу қийинчилик айниқса, сезиларли бўлди. Аммо хотин-қиз механизатор кадрлар тайёрлаш ўқиш курсларининг йўқлиги Наманган, Сурхондарё, Хоразм ва Қорақалпоғистон

¹⁴ Пўлатов И. Улуг Ватан уруши галабасига Ўзбекистон меҳнаткашларининг қўшган ҳиссалари. Т.: -1967. Ўзбекистон. 10 бет.

¹⁵ Мадраҳимова Р. Ўзбекистон хотин-қизларининг улуг ватан уруши йилларидаги меҳнат ва ҳарбий жасорати. -Т.: Ўзбекистон ССР "Фан", 1981 йил 20 бет.

¹⁶ Вклад трудящихся Узбекистана в Великой Отечественной войне. -Т.: 1975, с. 101.

¹⁷ "Ленинская знамя", 1943 г., 29 октября.



АССР да ҳам муаммолигича қолаётган эди. Негаки, аёллар оила, фарзандларидан узоқда бу каби мушкул вазифага жалб этилиши, қийинчиликка сабаб бўлар эди. Мазкур курс битирувчиларидан унумли фойдаланиш қониқарсиз аҳволда эканлиги кўзга ташланиб қолган эди. "Масалан, Зомин районида механизаторлик курсида ўқиган 22 аёлдан фақат 10 киши ишга жалб қилинди. Шовотрайонидаэсакурсниутаган47 хотин-қиздан 3 кишигина ишга чиқди. Бундай ҳолни республиканинг бошқа районларида ҳам учратиш мумкин эди" [18].¹⁸

Хотин-қизлардан етарли даражада фойдаланишга эришмаган масъул шахслар қаттиқжазоланиш билан бирга, уларга кузда дала ишлари даврида малакали ҳамма хотин-қиз механизаторларни трактор ишларга жалб этиш, хотин-қизларнинг трактор бригадаларини ташкил этиш, уларга ҳар жиҳатдан кўмаклашиш, улар ўртасида мусобақалар ташкил этиш, сиёсий-тарбиявий ишларнинг савиясини юқори кўтариш, режадан ташқари ишлаётган трактор ҳайдовчиларини мукофотлаш вазифаси топширилди[19].¹⁹

Қишлоқхўжалик экин майдонларини 521 800 гектарга, суғориладиган экин майдонларини 347 900 гектарга, иккинчидан, ялпи дон ҳосилини 15 миллион центнерга етказиш, учинчидан, 70 минг гектар ерга қанд лавлаги экиш, тўртинчидан, пахта ялпи маҳсулотини 1941 йилга нисбатан 14,5 процентга кўпайтириш таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, Республикада галла ва бошқа экин майдонларини 1942 йилда 3660,4 минг гектарга, техник экинлар майдонини 1104,4 минг гектарга, пахта экин майдонини 917, 6 минг гектарга, галла экин майдонларини 2053 минг гектарга, шоли экишни 89,2 минг гектарга, сабзавот ва полиз экинлари майдонини 1126,9 минг гектарга етказиш белгиланди [20]²⁰. Шунга кўра, 1943 йилда республикада экин майдонлари 1941 йилга нисбатан 13,6 процентга кенгайтирилди [21].²¹

Х.Бобожоновнинг фикрича, 1942 йилда 1941 йилга нисбатан умумий галла ҳосили 60%га кўпайди. 1940-1943 йиллар давомида Ўзбекистонда галла ялпи ҳосили 53 миллион пуддан 104 миллион пудгакўпайди, деярли 2 баробар. Республикада галла асосан Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида етиштирилди ва галлачиликда буғдой (52,3%) ва арпа етиштириш етакчи ўринларни эгаллади [22]²².

- **Хулоса ва таклифлар (Conclusion/ Recommendations).** Ўзбек халқи нафақат фронт ичкарасида балки фронт ортида ҳам ҳақиқий ватанпарварлик намуналарини кўрсата олди. Уруш йилларида Ўзбекистон фронтнинг мустаҳкам таъминот базасига айланишида республика хотин-қиз-

¹⁸ Мадраҳимова Р. Ўзбекистон хотин-қизларининг улуг ватан уруши йилларидаги меҳнат ва ҳарбий жасорати.-Т.: Ўзбекистон ССР "Фан", 1981 йил 22 бет

¹⁹ Мадраҳимова Р.Ўзбекистон хотин-қизларининг улуг ватан уруши йилларидаги меҳнат ва ҳарбий жасорати.-Т.: Ўзбекистон ССР "Фан", 1981 йил 22 бет

²⁰ Тошхўжаева Н. Ўзбекистон қишлоқ хотин-қизлари уруш йилларида (1941-1945). -Т.: Ўзбекистон ССР "Фан". 1985. 11 бет.

²¹ Тошхўжаева Н. Ўзбекистон қишлоқ хотин-қизлари уруш йилларида (1941-1945). -Т.: Ўзбекистон ССР "Фан". 1985. 14 бет.

²² S://uzanalytics/com.



лари ҳам муносиб ҳисса қўшишди. Улар урушнинг дастлабки кунларидан фронт ортида юксак матонат соҳибаси эканликларини кўрсата олдилар. Завод ва фабрикаларда, пахта далалари, узумзорларда, шоли майдонларида, ҳаттоки, энг оғир ишларда ҳам мардонавор меҳнат қилдилар. Бевосита хотин-қизларнинг фаол меҳнати билан жуда катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Юртимиздаги саноат корхоналари ҳарбий соҳага мослаштирилди, барча имкониятлар фронт учун, ғалаба учун сафарбар этилди.

Зеро, Қишлоқхўжалигисиз "...ҳеч қандай хўжалик қурилиши бўлмаганидек", [23]²³ қишлоқхўжалик маҳсулотларисиз, аҳоли ва саноатни ҳам хом ашё билан таъмин этмасдан туриб, зафарли уруш олиб бориш ҳам мумкин эмас эди. "ўғалаба бизнинг ўзимизга-фидокорлигимизга, меҳнатимизнинг маҳсулдорлигига, бизнинг уюшқоқолигимизга, ғалабага эришиш учун ҳамма нарсани қурбон қилишга тайёр эканлигимизга боғлиқ".²⁴

Ўзбекистон хотин-қизлари иттифоқдош республика халқлари орасида етакчиликни қўлга киритиб, қишлоқхўжалиги ва бошқа соҳаларда, ғалла, чорва, пиллачилик каби муҳим тармоқларида ҳам ўзларининг бутун куч-қувватларини ишга солиб меҳнат қилдилар. "Урушнинг барча азоб-уқубатларини энг кўп тортган инсонлар ҳам муштипар оналаримиз"²⁵ бўлсаларда, сабр, матонат билан эзгу кунлар келишига умид қилиб, меҳнат ва жасорат кўрсатишдан чекинмадилар.

Асрлар давомида эъзозланган меҳрибон "Она" тимсолида улуғланган муштипар, садоқатли, матонат рамзи бўлмиш сиймолар Аёл ишчи, Аёл пахтакор, Аёл пиллакор, Аёл ғаллакор сифатида қадрланмоқда.

Фойданалиган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 9 май Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқсўзи. 2019 йил 10 май, 96 (7295)-сон.
2. Пўлатов И. Улуғ Ватан уруши ғалабасига Ўзбекистон меҳнаткашларининг қўшган ҳиссалари. Т., -1967. Ўзбекистон. 6 бет.
3. "Ленинская знамя", 1943 г., 29 октябры.
4. Қалимбетов Ж., Бағдасаров В.Ш. Улуғ Ватан урушида ўзбек халқининг меҳнат зафарлари (Ўзбекистон Коммунистик партияси - Улуғ Ватан уруши даврида республика меҳнаткашлари қаҳрамонона ишларининг ташкилотчиси). Т., -1965. Ўзбекистон КП марказий Комитетининг бирлашган нашриёти. 9 бет.
5. Вклад трудящихся Узбекистана в победу в Великой Отечественной войне. Ташкент, 1975, с. 101.

²³ Қосимов. Й. Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон халқларининг сув учун кураши тарихидан. -Т.: Ўзбекистон ССР "Фан" нашриёти. 1983. 9 бет.

²⁴ Тошхўжаева Н. Ўзбекистон қишлоқ хотин-қизлари уруш йилларида (1941-1945). -Т.: Ўзбекистон ССР "Фан". 1985. 6 бет.

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 9 май Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи. 2019 йил 10 май, 96 (7295)-сон.



6. Мадраҳимова Р. Ўзбекистон хотин-қизларининг улуғ ватан уруши йилларидаги меҳнат ва ҳарбий жасорати. - Тошкент.: Ўзбекистон ССР "Фан", 1981 йил 20 бет.

7. Қосимов.Й. Улуғ Ватан Уруши йилларида Ўзбекистон халқларининг сув учун кураши тарихидан. Т., - Ўзбекистон ССР "Фан" нашриёти 1983й 3 бет.

8. Тошхўжаева Н. Ўзбекистон қишлоқхотин-қизлари уруш йилларида (1941-1945). Тошкент. Ўзбекистон ССР "Фан". 1985. 9 бет.

9. Андреева И.Н. Эмоциональный интеллект как феномен современной психологии. НовопоцкПГУ. 2011-21с. [1].

10. <http://uza.uz/uz/politics/o-zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyoyevning-9-may-xotira-v-09-05-2017>

11. S:// uzanalytics/com.

Аннотация

Ушбу мақолада Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон хотин-қизларининг меҳнат frontiдаги фидокорона меҳнати баён қилинган. Ўзбек хотин-қизлари енгил ва оғир саноат соҳасида, шунингдек, қишлоқ-хўжалигида мардонавор меҳнат қилган. Фронтга катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришда хотин-қизлар фаол меҳнати самарасини кўриш мумкин.

Annotation

This article describes the selfless work of Uzbek women on the labor front during World War II. Uzbek women have worked hard in light and heavy industry, moreover they made their great contribution in agriculture too. It can be seen the result of their labour in each sphere. Including supply of large quantities of military equipment, weapons, medicine, clothing and food products.

Keywords: independence, freedom, homeland, war, peace, destructive idea, front, fascism, evacuation, tolerance.





UZ QAVMINING ETNIK TARIXI: BA'ZI CHIZGILAR

**Боймамат ИМОМОВ,
Шухрат ИМОМОВ**

Таянч сўз ва иборалар: Уз, қавм, этногenez, этник тарих, этнография, этно маданият, Кўкдала, Қорауз

Марказий Осиё аҳолисининг, жумладан ўзбек халқининг шаклланиш жараёнида қадимги туркий қабилалардан Уз қавми ҳам фаол иштирок этишган. Узларнинг салмоқли қисми X-XI асрлар давомида ғарбга томон силжиб, шарқий Европага, айрим гуруҳлари эса Ғарбий Европагача ҳам бориб ўрнашишган. Кейинчалик улар маҳаллий халқлар таркибига кириб, уларга аралашиб кетишган. Узларнинг Марказий Осиёда қолган қисми эса илк ўрта асрлардаёқ ўзбек элати таркибига киришганки, уларнинг этник тарихини ўрганиш ниҳоятда долзарбдир.

Уз қабиласи этник тарихига оид баъзи маълумотлар машҳур тилшунос Маҳмуд Кошғарий (XI аср), араб муаррихи Масъудий (X аср), Византия тарихчиси К.Багрянародний (IX аср), арман тарихчиси М.Эдесский (XI аср), Атталиет (XI аср), Скилпций (XI аср), А.Комнина (XII аср) асарларида тилга олинган. Шунингдек узлар ҳақида Г.З.Байер, Д.А.Хвольсон, Ф.Сум, С.М.Соловьёв, Н.М.Карамзин, М.П.Погодин, Ф.Брун, П.Голубовский, Н.А.Аристов, В.В.Бартольд, С.А.Плетнева, С.Оғажонов, Д.А.Расовский, Р.А.-Агеева каби муаллифлар асарларида ҳам маълумотлар мавжуд [1].

XX аср 50-йиллари охири - 60-йилларининг бошларида узлар этник тарихи билан рус элшунос олимаси К.Л.Задихина махсус шугулланиб, туплаган дала этнографик маълумотлари асосида қуйи Қашқадарё узлари ҳақида қизиқарли мақола ёзган эди [2]. 1960-1990 йилларда таниқли элшунос олим, академик К.Шониезовнинг узларнинг этник тарихига доир қатор мақоалари эълон қилинди ва уларнинг мазмуни кейинчалик олимнинг йирик монографиясида ҳам ўз аксини топди [3].

Ўзбек ҳалқи этногенези ва этник тарихининг етук тадқиқотчиси академик А.Асқаровнинг салмоқли монографияларида "Уз" ва "Аз" қавмлари этник тарихига доир муҳим маълумотлар келтирилган [1]. О.Бўриевнинг "Этнология бўйича қисқача изоҳли лугати"да ва монографиясида узлар этник тарихи ҳақида қисқача маълумотлар келтириб ўтилган [4].

Олим Ў.Носировнинг монографиясида уз қавми этник тарихига тўхталган [5]. Элшунос олим А.Қаюмов "Ўзбекистоннинг этник атласидаги "Узлар ва Азлар" мақоласини ёзган [6]. Таниқли қадимшунос олимлар Ў.Мавлонов, А.Раимқуловларнинг монографияларида ўрта асрларда Кўкдала во-



ҳаси савдо йўлларида жойлашган Ҳазор Буқо, Қоратепа манзилгоҳлари ҳақида маълумотлар мавжуд [7]. Узлар яшаган Кўкдала ҳудуди тарихи ҳақидаги баъзи лавҳалар Х.Қодировнинг "Руҳимга куч бер, Ватан" [8], А.Абдурахмонов, А.Жўрамуродовларнинг "Кўкдала лавҳалари" [9] китобларида ҳам келтирилган. Лекин ҳанузгача уз қавмининг этник тарихи ва этномаданияти алоҳида, яхлит ва тўлақонли тарзда ўрганилмаган. Шу босидан ушбу долзарб мавзу тадқиқот объекти қилиб олиниб, мавжуд манбалар, тарихий – этнографик адабиётлар, тўпланган дала маълумотлари ва бошқа турли материаллар орқали уз қавми этник тарихини ёритишга ҳаракат қилинди.

Тарихий-этнографик манбаларга кўра, узлар VIII аср ўрталарида Сирдарёнинг ўрта ва қуйи ҳавзаларида яшаганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Шу асрнинг 60-йилларидан уларнинг асосий қисми Орол денгизининг шимоли-ғарбий ҳудудларига кўчиб ўтишган. Эҳтимол, бу қарлуқларнинг Еттисув ўлкаларини босиб олиши ва Сирдарёнинг қуйи ва ўрта ҳавзаларида ўғузлар қабила иттифоқи ташкил топиши билан боғлиқ бўлган. Аммо, уз қабиласининг маълум қисми ўз жойларида қолиб, дастлаб ўғузлар таъсирида XI асрнинг биринчи чорагидан бошлаб, Сирдарё бўйи қипчоқлари таъсирида эди. Буни қипчоқлар таркибида уз этнонимининг қайд этилиши ҳам тасдиқлайди [18].

Сирдарё бўйи узлари топонимларда ҳам учрайди. Масалан, Сигноқшаҳри билан Барчинликент қишлоғи оралигида ўрта асрларда Узгенд номи шаҳар мавжуд бўлган [19]. IX аср ўрталаридан то XI аср биринчи чорагига қадар узлар ҳар жиҳатдан кучайиб, сиёсий майдонга чиққан, ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан ҳеч кимга тобе бўлмай, мустақил ҳаёт кечирганлар. Узлар ғарбий қўшнилари бижанаклар (печенеглар) билан кескин ҳарбий рақобатда бўлишган. Узларнинг кучайиб, сиёсий майдонга чиққан даври ҳақида Византия тарихчиси Константин Багрянородний (IX аср) [20], Атталиет (XI аср), Скилций [12], А. Комнина (XII аср) [21] лар ёзганлар.

Узлар ҳақида араб муаллифи Масъудий (X аср) ва арман тарихчиси Матвей Эдесский (XI аср) [22] лар ҳам қайд этишган. IX аср охири – X аср бошларида узлар хазарлар билан иттифоқ бўлиб, печенеглар ва қанғлиларга қарши урушган, уларни ўз жойларидан чиқиб кетишга мажбур этган [20]. Печенеглар эгаллаб турган жойларини ташлаб, Волга дарёсининг ўнг соҳилларига ўтишган ва Жанубий Рус чўлларига кўчиб кетишган.

Бу жараёнларни Константин Багрянородний изоҳлаганидек, IX аср охири-X аср бошларида печенеглар даставвал узлар билан қўшни туриб Атил ва Гейхе (Атил ёки Эдил-Волга, Гейха Урал дарёси) дарё оралигида яшар эдилар. Узлар хазарлар билан иттифоқ бўлиб печенегларга қарши урушганлар. Жангда устун чиқиб печенегларни сиқиб чиқариб, уларнинг жойларига эгалик қилишган. Кўринадики, Константин Багрянородний даври (X аср) гача Узлар печенег-қанғлилар яшаган жойларга эгалик қилишган.



Узлар X аср бошида Урал ва Волга дарё оралигидаги ерларни эгаллайдилар, бу ерларда қолиб кетган печенег ва қангли қабилаларини ўзларига тобе этиб, қўшиб олишган.

Лекин улар бу ҳудудда ҳам узоқ ҳукмронлик қилиб тура олмаганлар. Қипчоқлар зарбасига бардош беролмаган узларнинг катта қисми X асрнинг ўрталарида Волгадан ўтиб, Дон дарёсининг ўнг соҳилларига бориб жойлашадилар. 1034 йилда узлар печенеглар билан тўқнашиб, уларни Днепр ва Дунай дарёлари оралигидаги даштлардан ҳайдаган ва у жойларга ўрнашиб олишган.

Узларнинг Волга ва Урал дарёлари оралигида қолиб кетган қисмини эса XI асрнинг биринчи чораги охирларида қипчоқлар Жанубий Рус чўлларига кўчиб кетишга мажбур қиладилар. Днепр [23], Дунай ва Дон дарёлари соҳилларига жойлашиб олган узлар ўз ҳукмдорлари етакчилигида чегарадош рус князликлари устига тез-тез ҳарбий юриш қилиб туришган. Натижада, 1060 йилда рус князликлари бирлашиб, узларга қаттиқ зарба берган. Ниҳоят, 1064 йилда узларнинг 600 мингга оиласи Дунай дарёсидан кечиб ўтиб, Византия ерларига чекинишга мажбур бўлишган [12].

Чекинган узлар Византия императори Алексейга бўйсуниб, унинг армиясида ҳизмат қиладилар [21]. Кейинчалик улар Усмонли туркларга араллашиб, Туркия турклари шаклланишида ҳам қатнашадилар. Бу ҳақида Усмонийлар империясининг XVI-XVIII асрларга тегишли архив ҳужжатларида қорауз этнонимининг учраши гувоҳлик беради [5]. Кейинги асрларда ғарбга кетган узларнинг катта қисми Дунай бўйи этнослари таркибига сингиб кетишган. Масалан, Молдавия, Руминия, Венгрия ва Болқон ярим ороли ҳудудларида яшовчи гагаузлар ана шу узларнинг авлодлари дейиш мумкин [24].

Туркий халқлар Шарқий ва ҳатто Ғарбий Европада, Кичик, Марказий Осиё ва Ғарбий Сибирда турли номлар билан бир неча минг йиллардан буён яшаб келишган. Уларнинг этник таркиби асосан ўзгармаган бўлсада, турли даврларда ҳар хил туркий халқлар ва қабилаларнинг ҳукмрон мавқега эришуви натижасида умумий номлари ўзгариб турган. Шарқий Европа ва Кичик Осиё туркий халқлари тарихини ўрганган даниялик олим П.Ф.Сум XIX асрдаёқ шундай фикрга келган эди: "Туркларнинг умумий номи бир қабиланинг иккинчиси устидан голиб чиқишига боғлиқ равишда тез-тез ўзгариб турган. Скифлар, сарматлар, аланлар, ҳунлар, хазарлар, узлар ёки команлар, татарлар - моҳиятан бир-бирининг ортидан келган умумий номлардир".

XI асрнинг 30-йилларида Жанубий Рус даштларига кўчиб кетган узлар то мўғул босқинига қадар қипчоқлар таркибида бўлишган. Мўғуллар ҳукмронлиги даврида (XIII-XIV асрлар) қипчоқлар билан Волга дарёсининг шарқий соҳилларида яшаб, Дашти Қипчоқ ўзбеклари иттифоқига киришган. XVI аср бошларида 92 бовли Шайбоний ўзбеклари қаторида қипчоқлар билан биргаликда Ўрта Осиё ҳудудларига кириб келишган. Зарафшон



водийсига жойлашган қипчоқлар орасида қорауз уруғ жамоаларининг бўлиши бунинг яққол исботидир.

Узларнинг мустақил уруғ жамоалари XVII аср охирларига қадар Дашти Қипчоқда кўчманчилик билан шуғулланиб келишган. XVII аср охирларида қозоқ бийларининг сиқуви остида уларнинг бир қисми Шимолий Нурота тоғ тизмалари ён бағирларига келиб ўрнашишган. Бу жойларнинг анъанасига кўра, уларнинг ночор ва камбағал қисми маҳаллий ўтроқ туркларга қўшилиб, улар орасига сингиб кетишган. Мулкдор чорвадор узлар эса Қарши чўлига ўтиб жойлашган [17]. Бу ҳақда Амир Ҳайдар [25] ва рус муаллифлари Н.Хаников ва Д.Н.Логофетлар келтирган рўйхатида уз уруғлари тилга олинган [26]. XX асрнинг 20-йилларида ўзбек лақайлари таркибида узлар мавжуд бўлганлиги қайд ҳам этилган [27].

1965-1966 йилларда таниқли элшунос олим К.Шониёзов (1924-2000) Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларига этнографик экспедиция уюштириб, Қашқадарёнинг Косон, Чироқчи, Зарафшон водийсининг Каттақўрғон, Пойариқ туманларида узларнинг кекса авлодлари ўзбек қипчоқларининг бир бўғини сифатида ўз уруғ номларини ҳозиргача унутмаганликларини қайд қилган эди [17].

Кейинчалик академик К.Шониёзов ўзининг "Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни" номли салмоқли монографиясида [35] ҳам узлар этник тарихига алоҳида тўхталган. Шу ўринда академикнинг узлар этник тарихи ҳақидаги мухтасар мулоҳазаларини келтирамиз.

Уз этнонимини турклар, половецлар, печенеглар (бижанак), ўғузлар ва бошқа халқлар билан тенглаштириш, булар билан бир халқ бўлиб кейинчалик ажралиб чиққан дейиш ҳақиқатга тўғри келмайди. Узлар ҳақидаги тарихий этнографик материаллар чуқурроқ ўрганилганда уларнинг ўтмишда алоҳида қабила бўлганлигига ишонч ҳосил қилиш қийин эмас, албатта.

VIII асрнинг 60-йилларида узларнинг асосий қисми Орол денгизининг шимоли-ғарбий қисмига бориб ўрнашдилар. Узларнинг бу ерларга келиб ўрнашишининг сабаби, уларнинг олдин яшаб турган ерларини (Етгисув) қарлуқлар эгаллаб олган эдилар. Айни шу даврда (IX аср) Орол денгизининг шимоли - шарқий қисмида ва Сирдарёнинг қуйи ва ўрта оқимларида йирик Ўғуз давлати ташкил топган эди. Булар ҳам эгаллаган ҳудудларидаги барча кўчманчи, ярим кўчманчи ва ўтроқ аҳолини ўзларига тобе бўлган қарлуқ ва ўғузларга бўйсунмаган бир қанча қабила-уруғлар ғарб томонга чекинишган, шулар қаторида узларнинг ҳам маълум қисми мавжуд эди.

Узларнинг бир гуруҳи ўғузларга қарам бўлиб, Сирдарёнинг ўрта оқимларида яшашган. XI асрнинг биринчи чоракларидан бошлаб улар Сирдарё бўйидаги қипчоқлар таркибида эди. Бу ерда яшаган узларнинг номи шу ерда ташкил топган шаҳарларнинг бирининг номи (топоним) бўлиб қолган. Масалан, ўрта асрларда Сирдарёнинг чап соҳилида (Сигноқ шаҳри билан Барчинликент қишлоғи ўртасида) жойлашган шаҳарнинг номи Уз-



кент деб аталган. Сирдарёнинг (юқори оқимлари) Фарғона водийсидаги шаҳарлардан бирининг номи ҳам Узкент (Узган) бўлган. Демак, бу ерларда илк ўрта асрларда (VII-VIII асрларда, балки ундан ҳам олдинроқ) узлар яшаган. Аммо XI асрда Узкентда мутлақо бошқа халқ - азгиш (аз) қабила-сига мансуб кишилар яшашган [18].

Орол денгизининг шимоли-ғарбий томонига кўчиб келган узлар Эмба ва Урал дарёлари оралигига бориб жойлашадилар. Булардан ғарбда Урал ва Волга дарёлари оралигида қанғли ва бижанак (печенег) қабилалари, шимоли-шарқда эса қипчоқ ҳамда кимак қабилалари яшар эдилар.

Аниқки, узлар X аср бошида Ўрал ва Волга дарёлари оралигидаги ерларни эгаллашган. Бу ерларда қолиб кетган печенег ва қанғли қабилаларини ўзларига тобе этишган. Лекин бу ҳудудда узлар ҳам ҳукмронлик қилиб туролмаганлар. Қипчоқлар зарбасига бардош беролмаган Узларнинг катта қисми X асрнинг ўрталарида ғарбга томон силжиб Жанубий Рус чўллари ва кейинчалик Ғарбий Европага ўтиб кетишган. Дашти Қипчоқда қолган қисми ўзбек халқининг таркибига кириб, унинг этник шаклланиш жараёнида фаол иштирок этишган [17, 3].

Тадқиқотчи олим Ў.Носиров "Ўзбеклар шажараси" [5] китобида ҳам узлар этник тарихига тўхталиб ўтган. Унинг ёзишича, тарихда уз(лар) этноними билан (унинг уд, ус, яс. ёс, аз, аш, иш каби умум фонетик вариантлари бўлган) аталган қавмлар азали жуда узоқ замонларга бориб тақалади. Узлар (удлар, аслар) милoddан III минг йил аввал Олд Осиёда яшаганлигини қайд этади. Удлар (узлар, азлар, аслар)нинг номи жуда узоқ ўтмишга бориб боғланади, хусуан, милoddан уч минг йилликдан олдин уларни Каспий олдидаги узлар билан боғлаш мумкин.

Ғарчи Уз қабиласи милoddан олдинги IV минг йилликда Олд Осиёда яшаган. Тарих қисмати туфайли уларнинг бошига оғир кунлар тушгач Ўрта Осиёга ўз аждодлари яшаган юртга келиб яшай бошлашган. Уз - қадимги туркийда "уддабурон, эпчил, малакали" маъноларини англатганига қараганда турфа тўқнашувлар, қирғинбарот жанглarda малакали, уддабурон бўлгани боис ўзларини омон сақлаб келишган.

Узлар VI-VII асрларда Турк ҳоқонлиги, VIII асрнинг иккинчи ярмида, хусуан, 766 йилда Чу ва Или дарёлари ҳавзалари ҳудудлари қарлуқлар қўлига ўтган. Узларнинг каттагина қисми уларга тобе бўлиб қолган. Қарлуқларга бўйсуннишни хоҳламаган иккинчи бир қисми Сирдарёнинг чап қирғоғидаги даштларга жойлашишган. Шу даврда ўуз қабилалари уюшмаси таркиб топган. IX асрда Ўғузлар давлати барпо бўлгач, узлар уларга тобе бўлиб қолган. Ўғузларга бўйсуннишни хоҳламаган узлар Орол денгизининг шимоли-ғарбий ҳудудларига ўтишиб, қолган қисми эса Сирдарё бўйларида яшаб қолишган.

Сирдарё бўйида қолган узлар ўтроқ ҳаётга ўтиб, қишлоқлар ва шаҳарлар барпо этишган. Сирдарёнинг чап қирғоғида Узканд, Сирдарёнинг ўрта оқимида Ички Узганд, Қирчи Узканд, Уз кўли каби топонимик номлар



шулардан қолган. Тадқиқотчилар Фарғона водийсидаги Узган номини ҳам узлар билан боғлашади. Чунки шу даврда Ўзғандда "аз киши" (Маҳмуд Кошғарий) қабиласига мансуб аҳоли яшаганлиги манбаларда тилга олинган. Бу ҳам ўз навбатида Фарғона ҳудудининг тоғолди ҳудудларида узлар яшаганлигига бир ишора деб айтиш мумкин.

Орол денгизининг шимоли-ғарбий ҳудудларига

кўчиб ўтган узлар шу ҳудудда яшаётган қангли, печенег (бижанак), қипчоқ ва кимак қабилалари билан аралаш яшаб қолган, улар билан жангларида ҳам қатнашишган. Жумладан, Константин Багрянородний "Печенеглар (бижанак) билан фақат узларгина жанг қилиши мумкин" – деб ёзган эди [20]. Чунки тарихда узлар табиатан уддабурон, эпчил, жанг қилиш усуллари яхши биладиган қавмлардан саналган.

IX аср охири – X аср бошларида узлар хазарлар билан печенегларга қарши уруш олиб борган ва уларни ўз жойларини ташлаб кетишга мажбур қилган. Натижада X аср бошларида узлар Волга дарёсининг ўрта оқимида катта ҳудудларни эгаллашган. Бироқ Урал тоғи ён бағирларида яшаётган қипчоқларнинг қаршилигига дуч келиб, Дон дарёсининг чап қирғогидаги ерларга кўчиб ўтган. X аср охири – XI асрнинг биринчи ярмида Дон ва Днепр дарёлари оралиғида яшаётган печенеглар (бижанаклар)га қарши жанг қилиб, Днепрнинг шарқий томонидаги ерларни ҳам қўлга киритишган.

Узлар рус князликлари ерларига ҳам бостириб боришган. Оқибатда рус князлари қипчоқлардан ёрдам сўрашга мажбур бўлишади. Қипчоқлар ва рус князларининг биргаликдаги тазйиқи туфайли узлар Дунай дарёсидан Греция империяси ҳудудларига кўчиб кетган. Ўша пайтда уларнинг сони 600 минг нафардан кўпроқ бўлгани тилга олинган [6]. Грек империяси билан олиб борилган урушларда узлар енгилиб, ўзлари учун тегишли ҳудудларни олишган. Натижада узлар асрлар оша туб аҳоли греклар билан қўшилиб кетишган. Молдавия, Руминия, Венгрия, Болқон тоғ ҳудудларида яшаётган гагауз (гага-уз)лар узларнинг аجدодлари ҳисобланади.

(Давоми бор)



TEMURIYLAR DAVRIDA TIBBIYOTNING RIVOJLANISHI

Ойдиной ОЧИЛОВА,
Қарши давлат университети

Таянч сўз ва иборалар: *Амир Темур, табобат, "Дор уш-шифо", "Темур тузуклари", "Китоблар гумбази", "Тиб қонунлари", шифохона, сиҳаттоҳ, "Баҳр-ул-жавоҳир".*

Темурийлар давридаги тиббиёт соҳаси ундан олдин ўтган Сомонийлар ва Қорахонийлар давридаги тиббиётнинг тўғридан-тўғри давоми эмас, балки улар ўртасида бутун бир аср вайроналик ва турғунлик даври ҳисобланади. Маълумки, XIII аср бошларида мўғул навкарлари Ўрта Осиёга бостириб кириб, кўп шаҳар ва қишлоқларни ер билан яқсон қилди, экин майдонларини топтади ва барча маданий бойликларни йўқ қилди. Кўп табиблар қатл этилган. Тиббиёт ҳам бошқа соҳалар сингари, оғир тушкунликни бошидан кечирган. Бундай ҳол бир асрдан ортиқроқ вақт давом этди.¹

Амир Темур ва темурийлар даврига келиб эса бошқа соҳалар қатори тиббиёт ҳам ривожланди. Мазкур фаннинг илмий асослари яратилди. Илк шифохоналар очилди. Тиббиёт соҳасида жаҳонга машҳур олимлар етишиб чиқди. Дунёнинг кўпгина мамлакатларидаги таниқли табиблар ҳам айнан Самарқандда тўпланишди². Соҳибқирон салтанатидаги бой кутубхоналарда тиббиётга алоқадор ғоятда ноёб китоблар сақланиши бунинг сабабларидан бири эди. Бу эса ўша давр табибларининг қадимий ва ўрта асрлар Шарқ-у Ғарб табобати ютуқларини ўрганишида ва тиббиёт ривожига муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Тарихий манбаларнинг тасдиқлашича, Шарқнинг энг машҳур табиблари Амир Темур саройида хизмат қилган. Ўша даврда салтанат пойтахти Самарқандда "Доруш-шифо" номли шифохона фаолият кўрсатиб, унга Амир Темурнинг таклифи билан ўз замонасининг таниқли табиби Мир Саййид Шариф Шерозий бошчилик қилган. Ўша замон тиббиётининг забардаст вакиллари Ҳисомиддин Иброҳим Кирмоний, Мавлоно Фазлуллоҳ Табризий, Мансур ибн Муҳаммадлар тиббиёт соҳаси тараққиётида муносиб ўрин тутганлар ва ўзларидан тиббиётга оид бой маданий мерос қолдиришган.

"Темур тузуклари"да ёзилишича, ҳар бир шаҳар ва қишлоқларда шифохоналар қурдиришга фармон беришган. Буюк ҳукмдор фармонларининг сўзсиз бажарилишини қатъий талаб қилганини, фармонни бажар-

¹⁴ [http://library.tma.uz/uum2/JSSSTB/Maxsumov/4.Tarqatma% 20 materiallar/untitled%20-%20%D0%BA%D0%BE%D0%BF%D0%B8%D1%8F%20\(4\).html](http://library.tma.uz/uum2/JSSSTB/Maxsumov/4.Tarqatma%20materiallar/untitled%20-%20%D0%BA%D0%BE%D0%BF%D0%B8%D1%8F%20(4).html)

¹⁵ hidoya.uz



маганларни оғир жазога маҳкум этганини ҳисобга олсак, ўша даврда шаҳар ва қишлоқларда шифохоналар сўзсиз барпо этилганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Бу даврда эски шифохоналар таъмирланган, қайта қурилган ва янгилари бунёд этилган. Эътиборли жиҳати шундаки, баъзи шифохоналар шифобахш маъданли сувлар ва булоқлар, хушманзара табиат қўйнида қурилган. Уларнинг атрофида катта боғлар барпо қилинган.

Амир Темури томонидан ҳар бир шаҳарда шифохона бўлган, уларда тажрибали табиблар фаолият олиб борган. Самарқандда эса "Доруш-шифо" ("Шифо маскани") номли йирик касалхона бўлиб, унга ўз замонасининг таниқли табиблари-Мир Сайид Шариф Шерозий (1330-1414) раҳбарлик қилган. Бу табиб асли Журжонлик бўлиб, Темурибек таклифи билан Самарқандга келиб, шу шифохонага бошчилик қилган. Шу давр Самарқандда яна бир йирик табиб-Мансур ибн Муҳаммад яшаган. Бу олимнинг тўлиқ исми Мансур ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ибн Илёсдир.

Ўша даврдаги етук табиблардан Мавлоно Файзуллоҳ Табризий ва Ҳисобиддин Иброҳим Кирмонийлар ҳам ҳисобланган. Мавлоно Файзуллоҳ Табризий Темурибекининг шахсий табиби бўлиб, уни барча сафарларида бирга олиб юрган.

Соҳибқирон жангда ярадор бўлганларга ва беморларга ёрдам кўрсатиш мақсадида, лашкарлари қаторида табибларни ҳам олиб юрганлиги тарихдан маълум. Темурибек Дамашқни эгаллаганидан сўнг, Мавлоно Жамолиддин ва Мавлоно Сулаймон каби ўз даврининг энг машҳур табибларини Самарқандга боришга ундаганки, ўз навбатида улар ҳам тиббиёт фани юксалишига салмоқли улушларини қўшганлар.

Темурибекининг фан олдидаги (тиббиёт олдидаги ҳам) хизматларидан яна бири Самарқандда (шоҳ саройида) "Китоблар гўмбази" номли кутубхона барпо этиб, бу кутубхонада фанларнинг барча соҳасига тегишли, шу жумладан тиббиётга оид нодир китоблар ҳам йиғдирганлигидадир. Бу китоблардан фақат шу жойдагина фойдаланишга рухсат этилган.

Соҳибқирон, Бибиҳоним ва ўғиллари Шоҳруҳ мирзо, Жаҳонгир мирзо, набираси Муҳаммад Султонларнинг қабри кейинги даврларда очилганида, уларнинг мурдаси мўмиёланганлиги, қандайдир хушбўй доривор моддалар сепилганлиги маълум бўлган, у ўша давр тиббиётининг юксак даражада тараққий этганидан далолат беради.

Буюк ҳукмдор ижтимоий гуруҳларни тоифаларга бўлган ва табибларни юқори тоифага киритган, уларни "Салтанатга ривож берувчилар" деб атаб-катта миқдорда маош тайинлаган.

Шу даврда Самарқандда яшаб ижод қилган табиб бўлиб, у Мансур Ибн Муҳаммад, "Одам танасининг тузилиши ҳақида рисола", "Мансурнинг тўлиқ тиббий китоби" номли асарлари етиб келган.

Мовароуннаҳр юксалишининг иккинчи босқичи Амир Темурининг набираси Мирзо Улуғбек даврида тўғри келади. Бу даврда Самарқанддаги йирик шифохоналарнинг бирида ўз замонасининг йирик табиби Бурхо-



ниддин Нафис ибн Аваз ишлаган. Уни Улуғбек Эроннинг Кирмон шаҳридан таклиф қилган. У беморларни даволаш билан бирга илмий иш ҳам олиб борган. Унинг биринчи китоби Нажибуддин Самарқандийнинг XIII асрдаги "Касалликларнинг сабаблари ва аломатлари" китобига ёзган шарҳидир.

Шунингдек, Мир Саййид Журжоний, Мавлоно Изаддин Масъуд Шерозий, Мавлоно Фаррух каби табиблар ҳам айнан саройда самарали фаолият кўрсатган.

Бу улуғ анъаналар кейинчалик ҳам давом эттирилиб, Шамсуддин Одам ва Низомиддин Шерозий каби машхур табиблар Шохрух мирзо саройида, Бурҳониддин Кирмоний исми алломаи замон Мирзо Улуғбек қароргоҳида хизмат қилган.

Темурий малика Милкат оқо ва темурий Мирзо Алауддавла замонида ўша даврнинг энг йирик шифохоналари қурилган ҳамда унда ишлаш учун машхур табиблар жалб этилган.

Темурийзода Абу Саййид Мирзо Оба қишлоғида иссиқ булоқ суви бўйида сиҳаттоғ қурдирган. Ҳусайн Бойқаро даврида бу маскан кенгайтирилиб, атрофларида гулзор ва боғлар бунёд этилган³.

Шерият мулкининг султони Алишер Навоий ҳам темурийлар даври тиббиёти ривожига ўзининг бебаҳо ҳиссасини қўшиб, ўз ҳисобидан бир неча шифохоналар очган. Уларда эҳтиёжманд инсонларга бепул тиббий хизмат кўрсатилган. Шунингдек, буюк шоир томонидан қурилган мадрасаларда бўлажак табиблар ҳам тайёрланган⁴.

Темурийлар салтанатида асосан Абу Али ибн Сино назарияси ва амалиёти дастур вазифасини ўтаган. Табиблар асосан тўрт унсур: ер, сув, ҳаво ва олов, яъни мижознинг ҳўл, қуруқ, иссиқ ва совуқлигини аниқланган⁵. Шу унсурлар орқали эса касалликлар даволанган. Ўша давр табиб фани ривожига жараёнида назария ва амалиёт уйғунлиги таъминланган.

Мавлоно Дарвиш Али, Мавлоно Камолиддин Масъуд Шервонийлар "Гавҳаршод оғо" ва "Ихлосия" мадрасаларида тиббиётдан илми толибларга сабоқ беришган. Мавлоно Дарвиш Али қон қуйиш ва олиш ишларини жуда яхши билган.

Мавлоно Низомиддин Абдулхай Алишер Навоий томонидан бунёд этилган "Дор уш-шифо"да фаолият юритиб, қон-томирлар тузилиши, уларни даволаш усуллари ҳақидаги тиббий билимларни такомиллаштирган ва бу борада ўз илмий кашфиётларини амалга оширган бу даврда яшаган табиблар ўзларига тиббий соҳада яратилган асарларга шарҳлар битишган.

Юқорида такидлаганимиздек, Амир Темур халқ соғлиғи йўлида ҳам жуда кўп ишларни амалга оширди. Масалан, XIV асрда яшаган тарихчи олим Тожиддин Аҳмадийни ҳузурига чақириб, Ибн Синонинг "Тиб қонунла-

¹⁴ library.ziyounet.uz

¹⁵ Ҳасаний М., Каримова С., Навоий даври табооти. -Т.: Ибн Сино номидаги нашриёт, 1991.-Б.5-14.

¹⁶ Ҳасаний М., Каримова С., Навоий даври табооти.-Т.;1991.-Б.5-14.



ри" китобни эски ўзбек тилига таржима қилдирган ва уни аҳолининг турли қатламларига, хусусан, табибларга етказишда жонбозлик кўрсатган.

Нажибуддин Самарқандий машҳур табиб бўлиб, XIII асрда яшаган. "Ал-асбоб ва-л-аломат", яъни "Касалликларнинг сабаблари ва аломатлари" деган асар ёзган. Унинг замондоши - Қарши шаҳридан чиққан машҳур табиб - Али ибн ан-Нафис ал-Қаршийнинг "Ал-Мўъжаз" асари ҳам ҳозиргача ҳам қимматли манба саналади.

Машҳур табиблардан яна бири, ўз даврининг алломаси ҳисобланган Гиёсиддин Муҳаммад Жалолиддиннинг "Муолажоти илоҳий" асари ҳам жуда ноёб қўлланма ҳисобланади.⁶

Амир Темур вафотидан кейин Ҳирот темурийлар давлатининг марказларидан бирига айланган. Ўз даврининг машҳур табибларидан Мансур ибн Муҳаммад ибн Юсуф ибн Фақиҳ Илёс табобат ҳақида бир неча асар яратган. Унинг ишларидан бири - "Рисола дар ташриқи бадани" деб аталади. Муаллиф бу китобида суяк, асаб, мускул, артериал ва вена қон-томирлари тузилиши, касалликлари ҳақида анча муфассал маълумотлар бериб ўтган. Бу муаллифга тегишли яна бир асар "Кифояи Мансур" ёки "Кифояи Мажоҳидия" дея номланган. Мазкур китобида у инсон танасининг турли аъзоларида пайдо бўлиш эҳтимоли бор касалликлар, уларнинг олдини олиш ва даволаш ҳақида маслаҳат ва илмий хулосаларини берган. Китоб сўнггида оддий ва мураккаб дорилар ҳақида таҳлиллар келтирилган.

XII асрнинг энг машҳур табибларидан яна бири Юсуф Харавий "Бахрул-жавоҳир" номли табобатта оид махсус асар ёзиб қолдирган⁷.

Хуллас, темурийлар даврида тиббиёт илми ривожини учун яратилган шарт-шароитлар туфайли бу борада катта ютуқларга эришилган. Беморларни даволаш учун шифохона ва сиҳатгоҳлар барпо этилган. Тарихий манбаларга таяниб айтиш мумкинки, бу давлатда тиббиёт соҳасини мувофиқлаштирувчи махсус тўзилма яратилган. Шифохоналар қурилиши, таъминоти, тиббиёт масканларини малакали табиблар билан таъминлаш ишлари қизгин олиб борилган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Ҳасаний М., Каримова С., Навоий даври табобати.- Тошкент, Ибн Сино номидаги нашриёт, 1991.-Б.5-14.
2. Темур тузуклари. - Тошкент, Фан ва теҳнология, 2014. -Б. 12-14.
3. Салоҳиддинов Б.М., Муҳаммадов Т.М. Шарқ табобати тарихи.- Тошкент, Ўқитувчи, 2002.- Б.70-74.
4. hidoya.uz.
- 5.[http://library.tma.uz/uum/2/JSSSTB/Maxsumov/4.Tarqatma%20materiallar/untitled%20-%20%D0%BA%D0%BE%D0%BF%D0%B8%D1%8F%20\(4\).html](http://library.tma.uz/uum/2/JSSSTB/Maxsumov/4.Tarqatma%20materiallar/untitled%20-%20%D0%BA%D0%BE%D0%BF%D0%B8%D1%8F%20(4).html)
6. library.ziyonet.uz

⁶ <https://fikrat.uz/oz/amir-temur-davrida-tibbiyot-2/>

⁷ Салоҳиддинов Б.М., Муҳаммадов Т.М. Шарқ табобати тарихи.-Т.: Ўқитувчи, 2002.- Б.70-74.




7. <https://fikrat.uz/oz/amir-temur-davrida-tibbiyot-2/>

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Амир Темур ва темурийлар даврида тиббиётнинг ривожланиши, хусусан, шифохона ва сиҳатгоҳларнинг қурилиши, ўша даврда яшаган табиблар ҳақида ва асарлари ҳақидаги маълумотлар умумлаштирилган.

RESUME

This article summarizes information about the development of medicine in the era of Amir Temur and the Temurids, in particular, the opening of health resorts, about the personal physician of Sahibkiran and used to treat medical literature.



XIX ASR IKKINCHI YARMI- XX ASR BOSHLARIDA SAMARQAND UEZDI BOSHQARUVIDAGI O'ZGARISHLAR

Фозил ТУРСУНҚУЛОВ,
Самарқанд давлат университети

Таянч сўзлар: Зарафшон округи, уезд бошқаруви, махсус шаҳар қўмитаси, хўжалик бошқармаси, қози, империя судлари, полиция.

Идора қилиш усулларидаги ўзгаришлар империянинг Ўрта Осиё минтақасида Туркистонга нисбатан жорий этаётган бошқарув шакллари билан боғлиқ бўлиб, улар русларнинг истилочиликни бошлаган дастлабки йилларидаги каби тўла ишлаб чиқилмаган, лекин босиб олинган ҳудудларда ортирилган тажриба ва хулосаларга асосланган ҳолда ўзгариб борарди. Мустамлака ҳудудларини бошқаришдаги тажриба Кавказ, Волга бўйи, Сибир, Қозоғистон, каби минтақаларни, ҳамда эндигина Қўқон хонлигидан тортиб олинган Тошкент шаҳри ва унга туташ ҳудудларда ортирилган тажрибага таянарди.

Мустамлака ҳудудларини бошқариш борасида қўлланаётган сиёсат минтақалар миллий ва ҳудудий хусусиятлардан келиб чиқиб, фарқли томонларига эга бўлсада, уларда жорий этилган бошқарув тартиби хусусиятлари ва муассасалар фаолияти, идора этиш мақсади ҳамда мазмун моҳиятига кўра умумийликка эга. Бу умумийлик империянинг ўз олдига барча мустамлака ҳудудларда бойликларни ўзлаштиришга кўмаклашувчи иқтисодий-ижтимоий бошқарув институтларини барпо этиш билан бирга уларнинг нисбатан камхарж ва самарали бўлишини таъминлашни мақсад қилиб қўйганлиги кўзга ташланади.

Самарқанд босиб олинган дастлабки кунлардан ва кейинчалик ҳам анъанавий бошқарув тартиби ва қонунчилик тизими сақланиб қолиниши бир неча бор расмий ҳужжатларда ҳам таъкидланган. Жумладан, 1868 - йил 4 майда К.П. Кауфманнинг Самарқанд шаҳри аҳолисига эълон қилган мурожаатномасида бошқарув ва қонунчиликда анъанавий тартиб ҳамда шариат аҳкомлари сақланиб қолиниши айтиб ўтилди[1.317].

Кейинчалик генерал губернатор Фон Кауфманнинг "Зарафшон округини бошқариш тўғрисидаги муваққат Низоми"да ҳам подшо ҳукумати муассасаларини тузиш билан бирга оқсоқол ва аминлар бошқарувини қисман сақлаб қолиниши кўрсатиб ўтилган. Лекин амалда барча анъанавий муслмон бошқарув муассасалари ва тартиби қуйи инстанция бўғини сифатида белгиланиши ва империя мақамаларига бўйсундирилиши билан улар фаолияти ва ваколат доираси мазмун моҳияти тубдан ўзгартирилган.

Зарафшон округи тузилиши билан шаҳар мазкур округнинг маъмурий



маркази вазифасини ўтай бошлади. Дастлаб шаҳарда руслар истиқомат қилувчи "Янги қисм " вужудга келди.

1871 йилда Рус шаҳар қисми учун округ ҳарбий губернатори назорати остидаги ҳарбийлар ва савдо ходимлари вакилларида иборат махсус шаҳар қўмитаси ташкил этилган. Махсус шаҳар қўмитаси доимий беш нафар аъзодан иборат бўлиб, унга дастлаб подполковник Д. А. Норбут, кейинчалик штабс-ротмистр А. Н. Черневский раислик қилган. Махсус қўмита зиммасига юкланган вазифа маҳаллий аҳолидан шаҳар майдони учун зарур бўлган хусусий ер мулкларини сотиб олиш, шаҳар майдонини тасдиқланган режа асосида қисмларга ажратиш ва янги шаҳар қисмини барпо этиш юклатилган.

1873 йил март ойида мазкур қўмита фаолияти тугатилиб, унинг зиммасидаги шаҳар қурилиши билан боғлиқ бўлган баъзи бир ишлар архитектор Левенштернга топширилди [2.4-9].

1874 йил март ойи бошида А.К.Абрамов томонидан яна Самарқанд шаҳар рус қисми учун шаҳар бошқарувини жорий этиш масаласи кўтарилла бошланди. Жумладан, 12-13-март кунлари А.К.Абрамов томонидан Туркистон генерал-губернатори номига ёзилган мурожаатномада шаҳар бошқармаси ва шаҳар ҳокими лавозимларини жорий этишга рухсат сўраш билан бирга, масалалар юзасидан ўз таклифларини билдириб ўтган. Шаҳар бошқармасини жорий этиш борасидаги фикрларни асослаш учун А.К.Абрамов бир қатор сабаблар келтирган. Жумладан, шаҳар аҳолиси сонининг ошганлиги ва шаҳар қурилиши ишларининг кўпайганлиги бунинг асосий сабаби сифатида кўрсатилган. Шаҳар бир нафар киши томонидан бошқарилишига А.К.Абрамов рози бўлмаган. Бундай шарт-шароитда шаҳар қурилиши, ободонлаштириш ҳамда бошқа масалалар билан боғлиқ ишлар тўхтаб қолиши таъкидланган. Шаҳар ҳокими лавозими жорий этилиши ҳам ўта муҳим масалалардан эди. Шаҳар аҳолиси сони ошгани учун А.К.-Абрамов мавжуд полиция бошқарувини такомиллаштиришни таклиф қилди. Жорий қилинган лавозимларга номзодлар А.К.Абрамов томонидан кўрсатилган. Бунда шаҳар бошқармаси раиси лавозимига подполковник Д.А.Норбут, шаҳар ҳокими лавозимига поручик М.Я.Искосков номзодларини кўрсатган. А.К.Абрамов режасига кўра шаҳар бошқаруви 1874 йил 1-апрелдан иш бошлаган [3.1-3].

Бошқарувда ўтган йиллар давомида амалга оширилган ишлар натижаси округ мансабдорларига бириктирилганлигининг қулайлигига эмас, балки бажарилган ишлар кўлами камлиги билан баҳолаш мумкин. Эндиликда шаҳар бошқарув ишини округ мансабдорлари зиммасида қолдирилиши шаҳар ёки округ доирасидаги манфаатларга зиён етказарди.

Туркистон ўлкаси айрим шаҳар марказларида "1867 йил Низом лойиҳаси"га мувофиқ, айрим муниципал вазифасиларга эга бўлган ҳамда турли солиқ ва савдо божларини тақсимлаш ҳамда йиғиш билан шуғулландиган жамоат хўжалик муассасалари ташкил этилган [4.56].

1876 йилда К.П.Кауфман фармойиши билан шаҳар хўжалик бошқарма-



лари бекор қилинди ва шаҳар хўжалиги уезд маъмурияти назоратига олинди. Фақат Самарқанд ва Янги Марғилон шаҳарларида бундай бошқармалар сақлаб қолинган. Улар ҳарбий губернаторлар томонидан тайинланган рус ҳарбий амалдорлари ва маҳаллий савдогарлар вакилларида иборат бўлган[5.26]

Самарқанд шаҳри бошқаруви 1868 йилги "Вақтли Низом" бўйича ўзига хос тизимга эга эди, хусусан Зарафшон округини бошқариш низомига кўра Самарқанд шаҳри бўйича алоҳида бошқарув органи кўзда тутилмаган. Шунинг учун ҳам барча масалалар бўйича Самарқанд бўлими бошлигига бўйсунган. Бошлиги ҳузурида махсус хўжалик ва ижтимоий бошқарма ташкил этилиб, шу бошқарма шаҳар ишларини назорат қилган.

Кўрсатиб ўтилган сабаблар туфайли А.К.Абрамов рус шаҳар қисми учун алоҳида вақтинчалик шаҳар бошқармасини ташкил этишни лозим топган. Мазкур бошқарма зиммасига шаҳар хўжалик ишлари, шаҳар қурилиши ва ободончилиги, шаҳар аҳолиси турмуш тарзини яхшилашга доир вазифалар, ҳамда шаҳар полиция таркибини бошқариш ишлари юклатилган[6.1]. Шаҳар бошқармаси аниқ вазифалари ва фаолият доирасидаги Низом округ бошлиги А.К.Абрамов томонидан ишлаб чиқилган ва бошқармага шаҳар бошқаруви бўйича ишларни топширган [7.2.]

Мазкур бошқарма мазмун-моҳиятига кўра мустақил эмас, балки идора хусусиятига эга бўлган. У шаҳар қурилиши ва сарф харажатлар масаласида тўғридан-тўғри округ бошқармаси кўрсатмаларига бўйсунган. Бошқа масалалар юзасидан ишлар низом бўйича амалга оширилган. Шаҳар бошқармаси хўжалик масалаларида аҳоли манфаатлари муҳокамасида халқ вакиллари йиғилишга чақиришга мажбур бўлган.

А.К.Абрамов талабига кўра, 1874 йил 1 апрелдан шаҳар бошқармаси ўз фаолиятини бошлаган. Мазкур даврда шаҳар бошқармаси қандай низом ва дастурлар асосида фаолият олиб борганлиги номаълум. Бу борадаги юқори инстанцияларнинг 1875 йил 17 октябрь ва 1876 йил 15 январдаги сўровлари жавобсиз қолдирилган. 1876 йил 20 июлдаги учинчи бор сўровдан сўнг[8.13-15], мазкур йилнинг 30 июлида шаҳар бошқармасини ташкил этиш тўғрисидаги буйруқ ва низомдан кўчирма, ҳамда 1872-1874 йиллар давомида янги шаҳар қисмида амалга оширилган ишлар борасидаги ҳисоботлар генерал-губернаторликка тақдим этилган[9.28-30].

Юқоридаги маъмурий хўжалик бошқарма шаҳар ишларини 1886 йилгача бошқариб келган. 1886 йилда "Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом"нинг қабул қилиниши муносабати билан Зарафшон округи тугатилиб, Самарқанд вилоятига айлантирилган [10.375] Натижада 1887 йил Самарқанд шаҳри хўжалик бошқармаси бутунлай тугатилиб, шаҳар бошқаруви бўйича барча ваколат ва мажбуриятлар Самарқанд уезди бошлигининг зиммасига юкланган[11.24] Самарқанд вилоят ҳарбий губернаторини ҳарбий вазир эмас, императорнинг ўзи тайинлайдиган бўлган [12.379] Унинг қўлида икки ҳокимият: фуқаровий ва ҳарбий ҳокимият бирлашди. Самарқанд вилояти ҳарбий губернатори ўрни келганда Туркистон генерал-



губернатори вазифасини бажарган. Масалан, 1896 йилда Самарқанд вилоят ҳарбий губернатори генерал-лейтенант граф Н. Ростовцев генерал-губернатор вазифасини вақтинча бажарган.[13.161]

Самарқанд вилоятининг 1886 йилдан 1917 йилга қадар саккизта губернатор бошқарган. Ўрта ҳисобда уларнинг ҳар бирига 3-4 йил муддатдан тўғри келади. Архив ҳужжатларида бу губернаторлар - А. Яфимович,

Н. Ростовцев, М. Федоров, В.Мединский, А.Гескет, А.Галкин, Н.Ликосин кабиларнинг фаолиятига доир кенг маълумотлар мавжуд[14.7].

Самарқанд уездида янгича бошқарув тизими яратилсада, подшо маъмурияти ушбу бошқарув аппаратини қатъий, қаттиққўллик билан шакллантирганлигини, иккинчидан, маҳаллий раҳбарият ҳамда аҳоли ўртасида ўзаро ишонч йўқлигини англатади. Уезднинг бошқаруви вилоят бошқармаси қўлида бўлиб, шаҳарнинг жамоат ва хўжалик ишлари сайланувчи маҳаллий маъмурият томонидан амалга оширилган. Самарқанд вилояти губернатори А.Яфимович хулосалари қолган бошқа барча рус маъмурларининг хулосаларидан тубдан фарққилган. Мазкур хулосаларда Яфимовичнинг Самарқанд шаҳрида мазкур вақтгача мавжуд бўлган бошқарув шаклини моҳиятан ўзгартирмасликка интилиш кузатилади. Бу хусусиятлар кўрсатилиши лозим бўлган депутатлар сони (6/3), уларнинг сайланиш йўли билан эмас, дастлабки вақтларда тайинланиш йўли билан лавозимга ўтказилишини мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаларида ҳам яққол намоён бўлади.[15.161]

Самарқанд уездининг полиция бошқаруви қўйидаги тартибда шакллантирилган: шаҳарнинг рус ва маҳаллий қисмига бир нафар полицмейстер тайинланган бўлиб, унинг котиби, девонхона хизматчиси, иккита нафар ёлланма ёзувчилари ва битта нафар маҳаллий аҳолидан таржимони бўлган. Шаҳар икки маҳаллий полиция бошқармасига ажратилган ва ҳар бирида биттадан бошлиқ тайинланган.[16.7-8] Ундан ташқари шаҳар бешта нафар полиция нозирлари томонидан ҳудудлар тақсимоти асосида назорат қилинган. Шаҳар туб аҳолиси истиқомат қилувчи ҳудудида полиция бошқармасига ёрдам берувчи оқсоқоллар тайинланган. Самарқанд шаҳрида даҳалар тўртта туб аҳоли ва битта яҳудийлар маҳалласи оқсоқоли бўлган.

Мазкур мансабдор ва ташкилотлар шаҳардаги соҳалар бўйича ишлар боришини назорат қилган ва уезд бошлиғи ҳузуридаги тегишли бошқармаларга ҳисобот берган. Ушбу ташкилот ва муассасалар фаолияти аввалги сиёсий тизим давридаги бошқарув - назорат ташкилоти ҳамда муассасаларидан ўз фаолиятига кўра фарқ қилган. Таъкидлаш жоизки, бу ташкилотлар олдинги даврда шаҳар ҳаётида раҳбарият ва мансабдорлар томонидан эътибор кам қаратилган жиҳатларини ўз назоратига олган. Аммо улар фаолияти кўпроқ шаҳарнинг руслар истиқомат қилувчи ҳудудида кўзга ташланган. Хусусан, бу ҳақдаги маълумотларни расмий нашрларда кўплаб учратиш мумкин.[19.38]

Россия империясининг Туркистон ўлкаси бўйича молиявий тушумларини йиғиш учун ўлка вилоятларини қисмларга тақсимлаган. Шунда Самарқанд вилояти бешта ўлпон йиғилувчи ҳудудларга ажратилган. Ўлка-



нинг ўлпон йиғилувчи биринчи ҳисобланган олтинчи қисмига Самарқанд уездининг рус қисми, Сиёб, Даҳбед, Жойдиванин, Янгиқўрғон, Шаҳоб, Эшимоқсоқ, Ҳолвойи, Қорақалпоқ, Кобут, Ўснат, Тери-Қатортол, Туя-тортар, Полвонариқ, Тўрткўл ва Хўжамукурт волостлари; еттинчи қисмига Самарқанд шаҳрининг маҳаллий аҳоли истиқомат қилувчи қисми ва уездининг бошқа волостлари; саккизинчи уездга Каттақўрғон уезди; тўққизинчи қисмга Хўжад уезди; ўнинчи қисмга Жиззах уезди кирган. Олтинчи қисмга Ивашкевич Павел Петрович ва еттинчи қисмга Апрелев Пётр Васильевич назоратчи бўлган [20.3]

Империянинг, ўлкадаги бошқарув тизимининг хусусиятли жиҳатларидан бири, бу шаҳарда мавжуд мулклар ҳисобини юритиш ва ўзига тегишли маҳкамалари орқали улардан келувчи даромад ва ҳаражатлари ҳисобини олиб бориш эди. 1907 йил вилоят бўйича 29968 та, Самарқанд шаҳрида 11794 та кўчмас мулк бўлиб, уларнинг қиймати 13610331 рубль, вилоят миқёсидаги мулклар эса 9488316 рубль баҳоланган. Мулк солиғи вилоят бўйича 26 минг рубль, шаҳар мулкларидан эса 18123 рубль солиқ ундирилган. [21.25]

1910 йилда Самарқанд шаҳрида кўчмас мулклар 10741254 рубльга баҳоланиб, улардан 15414 рубль давлат солиғи ундирилганлиги қайд қилинади. [22.50]

Худди шундай ҳисоб ишлари шаҳарни ободонлаштириш, давлат ва жамоат биноларининг таъмирланиши, жиноятчилик ҳолати ва деярли барча соҳаларда амалга оширилган. Статистик маълумотлар тўплами аввало ўлка раҳбариятига аҳоли турмушини, молиявий ҳолатни назорат қилиш имконини бериши билан биргаликда, амалга оширилаётган сиёсатнинг самардорлик даражасини кўриб боришни ҳамда ҳудудлардаги мансабдорлар томонидан ўзбошимчаликларнинг олдини олиш имконини берган.

Империянинг Самарқандда олиб борган бошқарув, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳалардаги сиёсати Туркистон генерал губернаторлигининг бошқа ҳудудларидан фарқланган. Бу тафовут аввало империя ҳукумрон доиралари Туркистон ўлкасига нисбатан бошқарувда бирор-бир қатъий тартибнинг жорий этмаганлигида эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. ЎзРМДА. 715-ф 1-р 36-иш 317- варақ.
2. ЎзРМДА, Ф-И-1, 16-рўйхат, Иш-747, 4-9 варақ.
3. ЎзРМДА, Ф-И-1, рўйхат-16, Иш-747, 1-3 варақ.
4. Абдурахимова Н.А, Эргашев Ф. Туркистонда Чор мустамлака тизими Т., 2002.Б. 56.
5. ЎзРМДА, Ф-И-17, рўйхат-16, Иш-55, 101 варақ, 3- рўйхат иш-203, 26 варақ
6. ЎзРМДА, Ф-И-18, рўйхат-1, Иш-12634, 1 варақ
7. ЎзРМДА, Ф-И-18, рўйхат-1, Иш-12634,2 варақ
8. ЎзРМДА, Ф-И-1, рўйхат-16, Иш-747, 13-15 в.
9. ЎзРМДА, Ф-И-1, рўйхат-16, Иш-747, 16, 23-27, 28-30 о.в.
10. Зияева Д. Ҳ. XIX асри охири XX аср бошларида Самарқанддаги



хорижий тадбиркорлар фаолияти тарихидан. Самарқанд шаҳрининг умум-башарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий сипоизум материаллари. Т-С. "Фан"2007. Б.375.

11. ЎзРМДА, Ф-И-5, рўйхат-1, Иш-1, 24 varaқ, 1- рўйхат Иш-2, 24 varaқ

12. Гаффоров Ш. С. Чоризм даврида Самарқанд вилоятида мустамлака сиёсий-маъмурий тизимнинг юзага келиши. Самарқанд шаҳрининг умум-башарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий сипоизум материаллари. Т-С "Фан"-2007. 379-б.

13. ЎзРМДА, Ф-И-1, рўйхат-25, Иш-89, 161 varaқ,

14. ЎзРМДА, Ф-И-1, рўйхат-21, Иш-2590, 7 varaқ,

15. ЎзРМДА, Ф-И-1, рўйхат-25, Иш-89, 161 varaқ

16. ЎзРМДА, Ф-И-18, рўйхат-1, Иш-3539, 7-8-varaқ

17. Адрес-календар лиц состоящих на государственной и общественной службе в Самаркандской области, Чаржуге и Керки, и торгово-промышленных заведений в Самаркандском уезде. Отдел I.-Самарканд, 1895-с-3

18. Адрес-календар лиц состоящих на государственной и общественной службе в Самаркандской области, Чаржуге и Керки, и торгово-промышленных заведений в Самаркандском уезде. Отдел I.-Самарканд, 1895-с-4

19. Обзор Самаркандской области за 1910 год.- Самарканд; Типо-литография Т и Б.Газаров и К.Слиянов 1912 С. 38.

20. Адрес-календар лиц состоящих на государственной и общественной службе в Самаркандской области, Чаржуге и Керки, и торгово-промышленных заведений в Самаркандском уезде. Отдел I.-Самарканд, 1895-с-3

21. Справочник Самаркандской области за 1909 год. Выпуск IX Издание самаркандского областного статического комитета - Самарканд; Типо-литография Г.И.Димурова, 1908 С. 25

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Россия империяси даврида Самарқанд уездининг бошқарув тизимидаги ўзгаришлар манбалар асосида кўрсатиб берилган. Маҳаллий бошқарувнинг қисман сақланиши ва шаҳарда империя бошқарув тизимидаги янги инстанция ўзгаришлар таҳлил қилинган.

RESUME

In this article, the changes in the system of governance of the Samarkand district during Russian Empire are demonstrated on the basis of sources. The preservation of local government and new changes in the imperial system of government in the city are analyzed.



TURK RUNOLOGIYASI HAMDA UNI O'RGANISH MASALALARI

Насриддин НАЗАРОВ,
Тошкент Архитектура-қурилиш институти

Калит сўзлар: Турк рунологияси, Ўрхун-Енисей ёдгорликлари, тошбитик, тарих, тадқиқот, Марказий Осиё, Олтой, Мўғулистон, этнос, пассионарлик.

Инсоният тарихий тараққиёти бевосита мавҳум, номаълум ва сирли деб ҳисобланган воқеа-ҳодисалар, жараёнлар ҳамда артефактларнинг ихтиро ва кашф этиши билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, тафаккур соҳиби бўлган инсон ихтиро этишга ҳамда ўзидан олдин ўтган аجدодларидан қолган моддий ва маънавий мерос намуналари моҳиятини англашга мойиллиги билан инсондир. Ҳарқандай артефакт мазмун ва моҳияти англашгунча сирли характер касб этиб боради. Рун (run) – қадимги скандинавия тилида сир, сирли маъноларини англатсада, фанда рун, руник тушунчалари сирли ёзув ва белгиларга нисбатан ишлатилган. "Руно – яширин, сирли, сеҳрли демақдир" [1; 276].

Даглаб, "Рунлар, руник ёзувлар II-XIII асрлар мобайнида қадимги скандинав ва герман халқлари томонидан ёғочлар ва тошларга ўйиб битилган белгиларга нисбатан қўлланилган" [2; 545].

Лекин, даглаб этимологик ва қўлланиш тарихи юқорида таъкидланган омил билан боғлиқ бўлсада, XVIII асрдан бошлаб, қадимги турк ёзма ёдгорликларига нисбатан фаол қўлланила бошланди. Манбаларда таъкидланишича: "Руник ёзувлар оромий ёзувлари асосида битилган қадимги турк ёзувларидир" [3; 42].

Бу ёзувлар фанда Ўрхун-Енисей ёзувлари сифатида юзлаб йиллар мобайнида сирли моҳият касб этганлиги билан руник ёзувлар сифатида аталиб келинди. Ва фақатгина XIX асрнинг охириги ўн йиллигида В.Томсон ҳамда В.В.Радловларнинг буюк хизматлари туфайли ўз мазмун-моҳиятини намоён эта бошлади.

Маълумки, туркий халқлар маънавий меросининг илк босқичларини ўрганишда Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликларининг ўрни аҳамиятлидир. Бу белгиларга юз йилликлар давомида ҳеч кимнинг тиши ўтмасдан, ўқилмай келганлиги боис, сирли моҳият касб этиб, руник деган атамани олди. "Runo –моҳиятия ширин, сирли. сеҳрли" [4; 276]. Ва бу сеҳрли белгилар фақатгина XIX асрнинг охириги ўн йиллигига келиб, ўз сири ва сеҳрини инсониятга оча бошлади. Турк рунологиясини ўрганиб, ундаги ғояларни тарғиб этиш механизмлари сифатида қўйидагиларни илгари суриш мумкин.

1. Бугунги ижтимоий-маданий янгилинишлар шароитида туркий халқларнинг тарихий шаклланиш илдизларининг муштараклигини ўрганиб,



ушбу жиҳатларни жамият аъзолари, хусусан ёшлар тафаккурига сингдиришга эришиш.

2. Туркий халқлар аجدодларига хос бўлган тошбитиклардаги элсеварлик, ватанпарварлик, умуман ўзаро бирликни таъминлаш ҳақидаги ғоялардан жамият аъзолари, хусусан ёшларни тарбиялашда дўстлик ва қон-қариндошлик хусусиятларининг устувор моҳиятидан фойдаланиб, улар тафаккурини бойитиб бориш.

3. Турк рунологиясидаги ғоялар тарғибини таъминлаш учун туркий халқлар орасида адабиёт, маданият ва санъат ходимлари иштирокида декада ва учрашувлар ташкил этиб, халқларимиз яхлит шаклланиш жараёнига эга эканлиги тарғибига кенг эътибор қаратиш.

4. Тарғибий ишларни кенгайтириш, уларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида оила, маҳалла, тарбия ва таълим муассасалари ҳамда қуроли кучлар сафида умумтуркий хислатлар эътирофи билан бир қаторда умуминсоний қадриятларга содиқлик хислатларини ривожлантира бориш, бунинг учун табиийки тафаккурда яхши қўшничилик, дўстлик ва қон-қариндошлик хислатларининг барқарор моҳиятини таъминлаб бориш бугунги маънавий янгилашлар шароитида муҳим аҳамиятга эга.

Шунинг билан биргаликда турк рунологиясида битилган тарихий ғоялар асосида миллий ва умумтуркий тафаккурни юксалтириб, амалий аҳамиятга эга бўлган ўзаро қўллаб-қувватлаш ва ҳам жиҳатликни таъминлашда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратишни тақозо этади:

1. Туркий ёзувларнинг энг қадимий шакли турк руналаридир. Зеро, "Мўғулистонда рун ёзуви мамлакатнинг бирон бир жойи учун маҳаллий ҳодиса эмас, балки қадимги туркий қабилалар яшаган, жанубий Гобигача бўлган барча жойларда кенг тарқалган ҳодиса эди" [5; 262]. Буходиса бутун Марказий Осиё ҳудудини қамраб олганлиги билан эътиборлидир.

2. Ушбу алифбо Битиг ёки Ўрхун-Енисей алифбоси деб номланиб, эл ҳаётига оид тарихий маълумотларни қамраб оладики, тарихий тафаккур ривожини таъминлашда ушбу омилдан самарали фойдаланиш лозим.

3. Инсоният тарихий тараққиётида туркийлар ўзига хос ўрин эгаллаб, бугунги кунда 250 миллионга яқин кишилар туркий тилда, ўттиз бешдан ортиқ миллий тил доирасида сўзлашадилар. Гарчи, туркий миллатлар ўттиз беш миллий тилда сўзлашсаларда, бу миллий тилларнинг асоси қадимги туркий тилга, яъни Ўрхун-Енисей ёдгорлиги тилига бориб тақалади.

4. Энг кенг тарқалган туркий тиллардан турк тили (80 миллион атрофида сўзлашувчи), иккинчи ўринда ўзбек (40 миллион атрофида), учинчи ўринда озарбайжон тили (35 миллион атрофида) Ўзбек миллатига мансуб этник қатлам Марказий Осиё республикаларининг барчасида, жумладан Афғонистонда (5 млн.дан ортиқ), бундан ташқари Покистон, Эрон, Саудия Арабистони, Бирлашган араб амирликларида муқим истиқомат қилишади. Озарбайжонлар эса Эрон (20 млн), Ироқ, Россия, Украина, Грузияда доимий яшайдилар.

¹ Мирзо Салимбек., "Тарихи Салимий" (источник по истории Бухорского эмирата. Перевод Н.К. Норқулова. Академия . 2009 й.192-194стр.



5. XIX асрнинг ўрталарига қадар Кавказда аҳоли орасида умумий муомала тили туркий тил бўлган, кейинчалик у рус тили томонидан сиқиб чиқарилган. Бугунги туркий омил минтақавий муаммолар ечимида етакчи ўринга чиқаётган экан, илмий доираларда ҳамда жамоатчилик орасида Ўрхун-Енисей каби тарихий манбанинг аҳамиятини тарғиб этиш, нафақат унинг ёдгорлик сифатидаги моҳияти, балки туркий тилларнинг тарихий манбаси сифатида ҳам жамоатчилик томонидан туркий тилларга нисбатан муносабатнинг позитив моҳиятини таъминлаб боради.

6. Ўрта асрлардан XX асрнинг биринчи чораги давомида туркий алломалар ва маърифат аҳли умумий турк, яъни чигатой тили деб аталган тилда ижод этиб, кейинчалик собиқ совет тузуми шароитида диалектларга миллий тил сифатида мақом берилиши боис туркий тиллар классификациясида миллий тиллар сони кўпайиб кетди. Лекин, туркий тилларнинг ягона манбадан озиқ олаётганлигини тарғиб этиш, туркий миллатлар ва киллари, хусусан ёшлар орасида дўстлик ва қон-қариндошлик муносабатларининг ривожига хизмат қилади.

7. Волга бўйи ҳавзасида яшовчи нўғай, татар, бошқирд, чуваш миллатлари ҳам туркий лингвокомпонентнинг муҳим қирраларини ўзида мужассамлаштириб, буларнинг ичида чуваш тили араб ва форс тиллари билан ассимиляциялашиш жараёнларидан олисда бўлганлиги сабабли нисбатан туркий тилларга хос сўзларнинг аксариятини сақлаб қолган. Шу боис, туркий тилларнинг софлиги, эколингвистик хусусиятлари, умуман туркий тароватни сақлаб қолиш учун ҳам Олтой турклари, сибир турклари ва чуваш тиллари имкониятларидан фойдаланиш лозим.

8. Тил ўзаро умумийликка эга бўлиши билан бир қаторда айрим туркий миллатларда маданий дифференциялаш жараёнлари кўзга ташланади.

Жумладан, туркийларнинг асосий қисми исломдинининг сунъийлик мазҳабига эътиқод қилсаларда, озарбайжонларнинг асосий қисми (85 фоиздан ортиги) шиаликлардир. Чувашлар, татарларнинг муайян қисми ва гагаузлар христианликка эътиқод қилишадилар.

Ёқутлар эса илк туркий маданий қадриятини ташкил этувчи тангричиликка эътиқод қиладилар. Шу боис, туркий яхлитликни таъминлаш мақсадида тарихий шаклланиш жараёнлари ҳамда тарихий тафаккурнинг илк босқичларига мурожат этиш ўринлидир.

9. Шимолий Кавказда нўғай, қумиқ, балқар ва қорачой каби туркий миллатлар ҳам истиқомат қилишиб, ўзига хос миллий тил ва анъаналарни сақлаб келмоқдалар. Шу боис, улар бошқа туркий халқлар билан маданий жиҳатдан умумийликка эга. Бундай яхлитликнинг давомийлигини таъминлаш мақсадида туркий халқлар ўтмиши, бутуни ва келажаги масаларига бағишланган илмий-амалий конференциялар, симпозиумлар, маданий тадбир ва форумлар ўтказиб туриш лозим.

10. Тарихий манбалар Олтой ҳудудини туркий халқлар аجدодларининг этник шаклланиш ва консолидациялашуви жараёнларида муҳим роль ўйнаганлигини тасдиқлайди. Шу билан биргалиқда туркий халқларга хос кўчманчилик, ва бундай кўчманчилик билан ҳам оҳанг пассионарлик хусусияти



туркийларни Евроосиё кенгликлари бўйлаб фаолиятини таъминлади. Тарихий этно-пассионарлик хусусияти ҳар бир ҳудудда тошбитиклар тим-солида ўзтарихий изларини қолдириб келганлиги билан характерлидир. "Айни пайтда, биз бир вақтнинг ўзида мустақил ва бир-биридан тўлиқ изоляция ҳолатида бир неча жойда турк руник ҳарфларининг пайдо бўлганлигини инкор этамиз" [6; 83].

Демак, Марказий Осиёдек кенг ҳудудда истиқомат қилувчи турклар орасида ижтимоий-маданий алоқалар бўлган. Шубоис, ушбу кенг ҳудудда топилган барча ёдгорликлардаги ёзувлар ўхшаш бўлиб, бир-бирини тўлдириб келади.

Буларни ўрганиш, яъни изларни излаш мақсадида турклар тарихига алоқадор тадқиқотлар олиб бориш муҳим.

11. Туркий халқлар аجدодлари фақатгина кўчманчиликка сосида кун кечирмасдан, яъни фақатгина чорвадор бўлмасдан, ўтроқ ҳаёт тарзига эга бўлиб, темир қазиб ундан фойдаланиш, галла экиш каби ўтроқ турмуш тарзига хос жиҳатлар ҳам туркий тарих билан боғлиқки, ушбу ўтроқ маданият туркийларни қўчманчилик ва ўтроқ маданиятларни бирлаштирувчи ўзига хос туркий цивилизация яратувчилари сифатидаги ўрнини далиллайди.

Бундай туркий цивилизациянинг тарихий асослари тўғрисида тадқиқот ишлари олиб бориб, монографиялар ва илмий мақолалар чоп этиш ижтимоий-маданий ҳаётда туркий омилнинг барқарор моҳият касб этаётган бугунги шароитида муҳим.

12. Ўзбекистоннинг Евроосиё марказида жойлашганлигини ҳисобга олиб, туркий халқлар тарихи, этнографияси, фалсафаси, диний қадриятлари, жумладан ислом дини ривожига қўшган маънавий бойликлари, аниқфандлар, тиббиёт ҳамда маънавий мерос намуналарини тадқиқ ва тарғиб этувчи йирик илмий марказ очиш мақсадга мувофиқ. Зеро, ўзбек тили ҳам туркий халқларга хос бўлган қипчоқ, ўғуз ва қарлуқ элементларининг барисини ўзиде мужассам этганлиги билан барча туркий тиллар занжирини қўшувчи ҳалқа сифатида аҳамиятлидир.

13. Қадимги тошбитикдаги гоёларга ҳамоҳанг равишда туркий алломалар, илм-фан, маданият ва маънавият вакиллари, туркий тафаккур ривожига ўзига хос ўрин тутган оқин ва адиблар тарғибини кенг йўлга қўймоқ лозим. Жумладан, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Ал-Фарғоний, Ал-Форобий, Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, ИбнСино, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Бедил, Бердақ, Абай, ўафур ўулом, Собит Муқонов, Чингиз Айтматов, Берди Кербобоев сингари маданият ва маънавият аҳли меросини тарғиб этиб, ушбу тадбирларда туркий халқлар вакиллари, хусусан ёшларни жалб этиш орқали улар тафаккурида дўстлик ва қон-қариндошликка жиҳат ларнинг барқарорлигига эришишни таъминлаб боради.

14. Туркий халқлар учун умумий бўлганмаданий мерос, чунончи "Алпомиш", "Гўрўғли", "Манас", "Чамбил қамали", "Қирққиз" ва ҳ.к. дostonлар тарғибига асосий эътибор қаратиб, унда туркий халқлар учун умумий



бўлган жиҳатларга ургу бериш. Зеро, қирғизлардаги миллий эпик қаҳрамон Манасни Алп Манас ҳам дейишади, агар шундай бўладиган бўлса у Алпомишга яқинлиги ва ҳатто бир персонаж эканлиги ҳам тарихан шаклланиш жараёнлари бир бўлган туркий халқларнинг маънавий мероси ҳам умумийлигини тасдиқлайди. "Алпомиш ботир" достонида қозоқлар ва қорақалпоқлар уни "Алпамис", ўзбекларуни "Алпомиш" деб аташади, бошқирлар уни "Алпамиш ва Барчин Сулуу", татарлар уни "Алпамша", Олтойликлар уни "Алп Манаш", қирғизлар "Манас" деб аташади. Ушбу достоннинг барча вариантларида (Ўғуз, Қўнғирот, Қипчоқ) достоннинг пайдо бўлиши вақти тилга олинмаган. Бироқ, достон Дашти-Қипчоқда пайдо бўлган ва ривожланганлиги аниқ" [7].

Ушбу жиҳатлар туркий халқларнинг тарихий шаклланиш жараёнининг муштарак эканлигини тасдиқлаб, аждоқлардан маънавий мерос сифатида авлодларга ўтиб келаётганлигини тасдиқлайди. "Ҳасан Поксой ҳам бошқа бир қатор тадқиқотчилар каби "Алпомиш" достони Ўрта Оснё туркий халқлари томонидан яратилганлигини кўплаб далиллар билан исботлашга ҳаракат қилган. Ҳасан бекнинг аниқлашига кўра, Ўрта Оснёдаги ҳар бир туркий халқ "Алпомиш"нинг энг камида бир неча вариантга эга бўлиб, бу ҳол достон туркий халқлар бўлиниб кетмасидан олдин яратилганлигини исботловчи далилдир. "Алпомиш" илк, алп достондир. Бошқа бир Ўрта Оснё туркий достони "Алпомиш" каби буюк бирлаштирувчи, туркий халқларнинг ўзлигини ифодаловчи хусусиятга эга эмас" [8]. Маънавий меросларнинг ана шундай бирлаштирувчилик салоҳиятидан фойдаланиш лозим.

15. Турк рунологиясидаги ғоялар асосида туркий халқларни бирлаштиришда маданият ва санъатнинг роли беқиёс. Шубоис, маданият вазирлиги доирасида маданият ва санъат вакилларида иборат учрашувларга янада кенгроқ йўл очиб, уларнинг халқ ичига кириб боришларини таъминламоқ лозим. Тафаккурни юксалтиришнинг самарали воситаси миллий маданият ва санъат тарғиби асосида ушбу гўзалликлар ва соҳирликларни дўст ва қондош бўлган туркий халқлар тафаккурига сингдира боришдир. Ва бундай тарбиявий моҳиятга эга бўлган тадбирларни қуйи қатламлардан бошламоқ жоизки, меҳнаткаш халқлар орасида боғланган дўстлик ва қонқариндошлик ришталари мустаҳкам ва давомий бўлади.

16. Оқинлар, бахшилар (соқилар) ва терма айтувчилар мусобақаси ҳам туркий тафаккур ривожини таъминлаб, халқ маданияти тарғиби билан бир қаторда дўстлик, қон-қариндошлик ва бирликни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутаяди. Айтишув, терма сингари маънавият ва ҳам санъат элементларини ўзида мужассам этган зукколик ва ҳозир жавобликнинг бу тури шаклланиши туркий илдизга мансуб бўлган ҳар бир этник қатлам орасидан топилади.

Умум туркий тафаккурнинг оптимал ривожини таъминланаётган бугунги кунда халқларимиз орасида ягона илдизга мансублик ҳиссини юксалтириш масъулиятини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаси сифатида майдонга чиқмоқдаки, ушбу жиҳат турк рунологиясидаги ғоялар тарғиби-



ни таъминлашда муҳим ўринга эришади. Ушбу жиҳатлар туркий халқларни, хусусан ёшларнинг ижтимоий-маданий фаолиятини ўзаро умумийликка эришиш сингари муайян мақсад сари йўналтиришни муҳим вазифа сифатида қўяди.

Юқорида эътироф этилган концептуал жиҳатлардан келиб чиқиб, турк рунологиясини ўрганиш ва тарғиб этишнинг истиқболли қирралари сифатида қуйидагиларни илгари суриш мумкин:

1. Туркий халқларнинг ягона шаклланиш тарихи бўйича илмий-тадқиқот ишлар илм-фан ривожини таъминлаши билан бир қаторда бу соҳада Ўзбекистон омилининг етакчилик моҳиятини белгилайди;

2. Тарихий тафаккурнинг юксалишида турк рунологиясининг ўрни каби масалаларни тадқиқ этиш умумтуркий тарихий муаммолар ечимида оптимал моҳият касб этиши туркий халқлар орасида азалий қариндошлик ҳамда дўстлик ришталарининг янада мустақкам бўлиши учун ретроспектив характердаги илмий-назарий шарт-шароитларни яратиб боради;

3. Турк рунологиясининг шаклланиш жараёнини тадқиқ этиб, Евроосиё этнослари ёзма тараққиётида шарқ ва ғарб график қадриятларининг ўзаро симбиозлигини, яъни уйғунлигини таҳлилий ва таққосий материаллар асосида исботланганлиги миллий туркологиянинг ривожини таъминлаш билан бир қаторда қадимий туркий тошбитикларнинг тарихий аҳамиятини ҳам кўрсатади;

4. Умум инсоний қадриятлар тадрижий такомилда туркрунологиясининг ўрни, маданий цивилизациялашув жараёнларини таъминлашда тошбитикларнинг аҳамиятини фактик маълумотлар асосида исботлаш тарихшуносликнинг янги концептуал қарашлар билан бойишининг таъминланганлигини далиллайди;

5. Қадимий тошбитикларда тасвирланган илк турк алфавитининг аждодларимизнинг маънавий мулки эканлигини исботлаш, унда қадриятларимизнинг акс этганлигини, хусусан руник алфавит ва туркий тамгаларнинг ўзаро алоқадорлик масалаларининг исботланганлиги ижтимоий-маданий анъаналарнинг ворисийлик асосида тадрижий ривожини кўрсатиб, бу тамгалар (энлар)нинг айримлари этно ижтимоий ҳаётда бугунги кунда ҳам мавжудлигини кўрсатиб ўтиш қадриятларимизнинг давомийлигини исботлайди.

6. Жаҳон илмий тараққиётида турк рунологиясига муносабат масалаларини тадқиқ этиш, хусусан ғарб туркологияси тизимида, собиқ советлар иттифоқи шароитида ҳамда бугунги кундаги илмий тараққиётда туркий тошбитикларга муносабат масалаларини ўрганиб, илмий жамоатчиликка талқин этиш - миллий туркология тарихини ўрганишни позитив жиҳатларини далиллайди.

7. Қадимий тошбитикларда элбирлигини таъминлаш муаммолари, ўзаро яхлитликни таъминлашда туркрунологиясидаги ғоялар талқини, хусусан элпарварлик ва ватанпарварлик ғоялари тарғиби - ўзининг тарихий аҳамияти билан бир қаторда бугунги кунда ҳам туркий халқлар мансуб бўлган



жамият аъзолари, айниқса ёшлар орасида юқорида таъкидланган гоълар таргиби ва тарбиясини таъминлайдики, бугунги ижтимоий-маданий интеграциялашув шароитида бу ўта муҳимдир.

8. Қозоғистон ҳукумати томонидан 2018 йилнинг Қозоғистон ҳудудида "Ўзбекистон йили" деб эълон қилиниши, Ўзбекистон ҳукуматининг 2019 йилнинг Ўзбекистон ҳудудида Қозоғистон йили деб эълон қилиниши, Ўзбекистон-Тожикистон, Ўзбекистон-Қирғизистон ҳамда Ўзбекистон-Туркманистон маданият ва санъат ҳафталикларининг ўтказилаётганлиги минтақавий ҳамкорлик сифатий босқичга кўтарилиб, азалий қардошлик анъаналари қайта тикланаётганлигидан далолат бўлиб, ушбу омилар тадқиқи халқларимизнинг янада яқинлашишига хизмат қилади. Шу боис, бошқа туркий тилли давлатлар орасида шундай бирлаштирувчи тадбирларни ўтказиб бориш туркий халқларнинг жипслигини таъминлашга хизмат қилади.

Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликлари тарихнинг муайян палласида шаклланиб ривожланган ёзув бўлмасдан, бир-неча асрлар тажрижий босқичларни босиб ўтиб, нисбатан мукамал шакл касб этганлигини эътироф этишимиз лозим. "Кул Тегин ва Билга Ҳоқон шарафига қўйилган ёдгорликлардаги ёзувларда уларга хос бўлган мукамаллик даражасига эришиш учун рунлар узоқ эволюциядан ўтишлари керакэди" [9; 6]. Бу эволюцион босқич алифбога мукамаллик бахш этиши билан бир қаторда автохтон туркий моҳиятни ҳам таъминлашга хизмат қилди. Шунинг билан бир қаторда, ушбу ёзувларнинг ижтимоий-тарихий аҳамияти шундан иборатки, унда ажодларимизнинг тафаккур имкониятлари ҳам намоён бўлиб, воқеа ва жараёнлар таснифи кейинги авлодларга сабоқ бўлиши учун ҳам тошларга ўйиб ёзилган. "... қадимда бу чўл жойларда айланиб юриб, шунчаки ўйинкулги учун эмас, балки ибтидоий аҳолининг садоқати билан, улар ушбу белгилар орқали, эсда қоларли нарсалар воситасида кейинги авлодларга етказишлари учун қолдирилган" [10; 72]. Шубоис, ажодларнинг зафарли юришларидан руҳланиб, мағлубиятларидан сабоқчиқариш муҳим.

Руник ёдгорликлари матнлари тадқиқи ва таргиби асосида жамият аъзоларининг ҳоқонлар ҳукмронлиги ёки қадимги даврнинг ҳарбий саркардалари бошчилигида озодлик учун курашлар тўғрисидаги маълумотлардан хабардор бўлиши ижтимоий дунёқарашнинг юксалишига хизмат қилади. Қадимги турклар тарихий онгининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини, уларнинг тарихий воқеаларни умумий жараёнлардан ажратиб олиб, ажодлар босиб ўтган шарафли ва сабоқ берувчи йўллар чечгани ҳам, чангини ҳам ўз вужудларида ҳис этишларига улкан имконият яратади. Тарихий онгни шакллантириш масъулиятли вазифа бўлиши билан бир қаторда туркий руник ёзувлар тарихий жараёнлар субъекти сифатида, яъни тарихнинг муайян давр занжиридаги боғловчи ҳалқа сифатида муҳимдир. Рун ёдгорликларининг пайдо бўлиши Иккинчи Турк ҳоқонлиги вужудга келган даврга тўғри келиши бежиз эмас. Чорвадор туркийлар ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги мураккаблик уларнинг онгида табиий ўзгаришларни келтириб чиқарди, улар бошқа қадриятлар қаторида тарих-



ни эъзозлаб, бугунни яратиб, келажакка ижобий асосларни яратиш гоёсининг барқарор моҳият касб этишида ҳам намоён бўлди. Руник ёзувларни нафақат қадимги тил ёки ёзувнинг манбаи сифатида, балки туркий тилли халқларнинг умумий ва ягона тарихий илдизи сифатида ўрганиш ўзлигимизни нглаб, туркий халқларнинг бирлигини мустаҳкамлашда муҳим.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Arntz H. Handbuch der Runenkunde. - Halle, 1944. - 314 p.
2. Словарь иностранных слов и выражений. Автор-составитель Е.С. Зенович. - Москва: Олимп: ООО "Фирма "Издательство АСТ", 2000. - 784 с.
3. Выражения и смысл. Составитель П.С. Васильев. - Москва: Интербук, 1998. - 214 с.
4. Arntz H. Handbuch der Runenkunde. - Halle, 1944. - 314 p.
5. Кляштоный С.Г. Древнетюркская письменность и культура народов Центральной Азии (по материалам полевых исследований в Монголии, 1968г.) /Тюркологический сборник 1972. - Москва, 1973. - 248 - 282 с.
6. Щербак А.М. Тюркская руника: происхождение древнейшей письменности тюрков. - Санкт-Петербург: "Наука", 2001. - 152 с.
7. Мухамбеткарим Қожирбайулы. Қазақрулары Латын Америкасыны? негзққққалады. Интернет материал Abai.kz
8. Исматуллаев Хайрулла. Зарварақлар: "Алпомиш" - туркий халқлар мероси/ BBC News 29 июль, 2015. Интернет материал
9. Altheim F. HunnischeRunen //Hallische Monographien. 1. Halle, 1948. - 58 p.
10. Спасский Г. Древности Сибири //Сибирский вестник, издаваемый Григорием Спасским. 1818. Часть первая. Часть первая. - Санкт-Петербург. В типографии ИосИолинесова, 1818. - 348 с.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада турк рунологияси сифатида танилган Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликлари ҳамда уни ўрганиш масалалари тадқиқ этилиб, тошбитиклар моҳияти жамият аъзолари, хусусан ёшларда тарихий тафаккурни ўстиришдаги ўрнига эътибор қаратилади. Шунингдек, Ўрхун-Енисей тошбитикларини ўрганишда тарих фани, унинг тарихий тафаккурни юксалтиришдаги ўрни таҳлил этилиб, тарихий манбаларни ўрганишнинг муҳимлиги, бунда тарих фанининг олдида турган вазифалар ҳамда унинг аҳамияти кўриб чиқилади.

SUMMARY

The article examines the Orkhon-Yenisey written monuments, known as Turkicrunology, and their socio-cultural study, focusing on the role of inscriptions in the development of historical thinking in society, especially among young people. Also, the importance and significance of the study of historical sources are considered, when studying the Orkhon-Yenisey monuments, the role of historical science in the development of historical thinking is analyzed.



SHAROF RASHIDOVNING O'ZBEKISTON TA'LIM, FAN, VA MADANIYATI TARAQQIYOTIDAGI XIZMATLARI

Шохсанам СУЛАЙМОНОВА,
Чирчиқ давлат педагогика институти

Калит сўзлар: Адабиётшунос, санъат, таълим, кино, муסיқа, малакали мутахассис, ўқитувчи, фан.

"Шароф Рашидов умр бўйи ўз халқига, барча соф ниятли инсонларга яхшилик қилиб, уларни улуг мақсадлар йўлида бирлаштириб, эзгу ишларга сафарбар этиб яшади".

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон тарихининг Шароф Рашидов (1917-1983) раҳбарлик қилган даври (1959-1983) ўта мураккаб ва зиддиятлар мавжудлиги билан халқимиз хотирасида залворли таассуротлар қолдирган. Шу боис у мураккаб даврни ўрганиш ва унга холисона баҳо бериш тарихчи, сиёсатшунос ва адабиётшунос олимлар учун асосий вазифа ҳисобланади. Ш.Рашидовнинг ўз сиёсий фаолиятида қишлоқ хўжалиги, иқтисодиётни ривожлантириш билан бирга мамлакатда таълим, фан, маданият ва санъат соҳалари ривожига муносиб ҳисса қўшганлигини айтиш ўринлидир.[1,262.б]

Бу табиий ҳол, зотан Ш.Рашидов раҳбарлик қилган даври умумий маънода ўзбек халқининг XX аср 50 йиллари охирларидан то мустақилликкача бўлган даври тарихидир. Бу тарих миллийлик ва большевикча байналмилаллик, исломий анъаналар билан коммунистик даҳрийлик ўртасидаги кураш тарихидир аслида. Ушбу кураш адабиёт ва санъатни, фан ва маъорифни, миллий онг ва эътиқодни, кундалик турмуш ва урф-одатларни, умуман олганда ижтимоий ҳаётни барча жабҳаларини қамраб олган XX аср бўйлаб давом этган кураш жасоратидир. Бу курашнинг энг буюк натижаси эса ўзбек халқини ўзлигини, ўз миллий гурурини сақлаб қолиши бўлди. Ҳеч шубҳасиз, Ш.Рашидов бу курашнинг олдинги сафида бўлди ва "биз бугун тўла ишонч билан айта оламизки, Шароф Рашидов мустақиллик пойдеворига муносиб гишт қўя олган арбоблардан бири эди" [2,89.б]

Шароф Рашидов раҳбарлик қилган даврда Ўзбекистон илм-фани, адабиёти, санъати, миллий маданияти ўзининг юксак намуналари билан жахон маданиятини бойитди. У ўз меҳнат фаолиятини 1935 йили ўрта умумтаълим мактабда ўқитувчиликдан бошлаган ва шу сабабли ўрта таълим мактаб муаммоларини жуда яхши билар эди. Унинг ташаббуси билан Ўзбекистонда умумтаълим мактаблари билан бирга мактаб интернатлари ва



TARIXSHUNOSLIK

махсус мактаблар ташкил этилди. Масалан, ўқувчиларни бадий тафаккурини шакллантириш ва уларни санъатга қизиқтириш мақсадида 109 та музика ва санъат мактаблари ташкил этилди. Ўша даврда Ўзбекистонда 133 та мактаб интернатлар очилиб, уларда 1966–1967 ўқув йилида 44,7 минг тарбияланувчилар таълим олди [3.С.531].

1960–1970 йилларда Ўзбекистонда иқтисодий жадал ривожланиши таълим соҳасида ҳам катта ижобий ўзгаришларга олиб келди. Аҳолини бу йилларда барқарор ўсиши, ўрта мактаблар сонини кўпайиши ва таълим сифатини ошиши янги авлод педагог ўқитувчиларини тайёрлашни талаб қилар эди.

Бу масалани теран англаган Ўзбекистон раҳбари Ш.Рашидов мактабларни янги авлод ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш масаласини биринчи даражали сиёсий масала қилиб олди. 1969–1970 йиллар бошида Навоий, Нукус, Самарқанд, Жиззах, Ангрен ва бошқа йирик шаҳарларда янги педагогика институтлари очилди. Ушбу педагогика олий ўқув юртлирига талабаларни қабул ўринлари ҳам оширилди. Масалан, 1977 йилда педагогика олий ўқув юртлирига 12675 нафар талабалар қабул қилинган бўлса, 1980 йилда уларнинг сони 14375 нафарга етди. Республиканинг педагогика институтларида ўндан ошиқянги мутахассислик очилди. 1983 йилда Ўзбекистоннинг педагогика олий ўқув юртлирида 78655 нафар талаба таълим олди. [4.С.159].

1970 йилларда педагогик кадрларни тайёрлаш билан бирга қишлоқхўжалигини механизациялаштиришда зурур бўлган юқори малакали кадрлар тайёрлашга катта эътибор қаратилди. Аввало Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1976 йил 9 ноябрдаги "Республика қишлоқ хўжалигида муҳандис-техник хизматни яхшилаш чоралари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Олий ва ўрта махсус қишлоқ хўжалик олий ўқув юртлири тармоқлари кенгайтирилди. Хусусан, 1976 йили Фарғона ва Янгиерда қишлоқ хўжалик олий ўқув юртлирининг филиаллари очилиб, улар соҳа кадрлар тайёрлаш марказларига айлантирилди. Шу билан бир қаторда Ўзбекистондаги туманларда 6 та совхоз техникумлар, Сирдарё ва Андижон вилоятларида механизация техникумлари, Наманган, Бухоро ва Жиззах вилоятларида қишлоқ хўжалик техникумлари ташкил қилиниб, янги ўқув юртлири малакали кадрлар билан тўлдирилди. [5].

Умуман олганда 1975–1982 йилларда республикада 284 та янги билим юртлири ташкил қилинди. Бу даврда касбий техник таълим тизимида жами 780 минг нафар малакали ишчилар тайёрланди. Бу олдинги 35 йилдагига нисбатан 60 минг нафар кишига кўпдир. [6, С.32].

Ўзбекистон манфаатларидан келиб чиқиб, фанни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Илмий тадқиқотлар бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисобига ҳам бажарилди. 1970 йилда 30,1 млн рубль ажратилган бўлса, бу кўрсаткич 1980 йилда 50,3 млн рублни, 1985 йилда эса 54,7 млн рублни ташкил этди. Биргина 1960 йилда илмий ходимлар 10329 на-



фарни ташкил қилган бўлса, 1970 йили уларнинг сони 25244 нафар кишига, 1980 йили 35288 нафар кишига, 1985 йили эса 38099 нафарга етди. Яъни Ш.Рашидов республикага раҳбарлик қилган чорак аср давомида илмий ходимлар сони 3,5 баробар кўпайди. Ўзбекистон Фанлар академияси таркибида янги илмий муассасалар ташкил этилиб, 1970 йилда 90 та илмий-тадқиқот институтлари фаолият юритган бўлса, 1989 йилда уларнинг сони 119 тани ташкил этди. [7.С.159-188].

Шароф Рашидов Ўзбекистон ёзувчи ва шоирлари, санъат арбоблари ва олимларни моддий ва маънавий қўллаб қувватлашга катта эътибор қаратди. Унинг ташаббуси билан 1964 йили адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги энг яхши асарларни тақдирлаш учун Хамза номидаги, 1967 йили фан ва техника соҳасида Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари таъсис этилиб, кўплаб ютуқларга эришган арбоблар шу юксак мукофотларни олишга олишга муваффақ бўлдилар.

Аммо, 1970 йилдан бошлаб бутун совет жамиятидаги умумий инқироз маънавий соҳаларга ҳам салбий таъсир қилди. Таълим ва фанда сон кўрсаткичларнинг ўсиши сифатга салбий таъсир ўтказмасдан қолмади. Маъмурий буйруқбоздик шароитида амалга оширилган ислохотлар кўзланган натижаларга эришилмади.

Шунингдек, 1970 йиллардан республикада руслаштириш сиёсати янада кўчайиб, "ягона совет халқи шаклланишидаги қонуний жараён" сифатида қабул қилинди. [8.28.б].

Бу даврдаги ўзбек маданияти ютуқлари уни иттифоқнинг етакчи миллий маданиятлари қаторига олиб чиқди. Ўзбек ёзувчи ва шоирлари Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Шукрулло, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва бошқалар Иттифоқ миқёсида танилган, кўпчилигини асарлари рус ва хорижий тилларга таржима қилинган эди.

1959 йили Ш.Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари этиб сайлангандан сўнг бутун ўзбек санъатини ривожланишида янги давр бошланди. Бу пайтда режиссёр Йўлдош Аъзамовнинг "Мафтунингман" (1959), режиссёр Шухрат Аббосовнинг "Маҳаллада дув-дув гап" (1960), "Сен етим эмассан" (1963) фильмлари жуда машҳур бўлди. Жумладан, "Сен етим эмассан" фильмига 23 миллион билет сотилди.

Умуман ўша йиллари миллий киностудиялар орасида биринчилик учун баҳс "Ўзбекфильм" билан "Грузияфильм" ўртасида кетарди. 1960 йилларнинг охирида "Грузияфильм" нинг "Дурангсиз ўйин" детектив фильмини 29 млн 700 минг нафар киши томоша қилган бўлса, "Ўзбекфильм" да суратга олинган "26-отилмасин!" фильмини 32 млн 900 минг нафар киши кўрган. 1980 йили кинорежиссёр Латиф Файзиев ҳинд режиссёри Умеш Меҳра томонидан "Ўзбекфильм" киностудиясида суратга олинган "Алибобо ва қирққароқчи" фильми ўзбек кинеси тарихида энг даромадли фильм



бўлиб, уни 52 млн 800 минг нафар киши томоша қилди. [9.149.б]. Шу тариқа 1960 йиллар охиридан 1980 йиллар бошларигача "Ўзбекфильм" даромад келтириш бўйича етакчи киностудияга айланди.

Бу даврда қўшиқчилик санъати ҳам жадал ривожланди. Анъанавий қўшиқчилик санъати билан бирга 1960 йилларда эстрада қўшиқчилиги ҳам жадал равнақтопти. Қўшиқчиликни бу янги йўналишига Ботир Зокиров, Эсон Қандов, Луиза Зокирова, Элмира Ўрозбоева каби ёш ижрочилар кириб келишди.

Б.Зокиров ўзбек эстрада санъатини дунёга машҳур қилди. 1957 йил Москвада талабаларнинг халқаро фестивалида у ва сингиси Луиза Зокирова ижро этган "Ўзбекистон-менинг диёрим" қўшиғи юксак мукофот билан тақдирланди. [10.28-29.б]. Б.Зокиров жаҳоннинг энг машҳур юдузлари қўшиқайтишни ўзи учун шараф биладиган Парижнинг "Олимпия" театри сахнасида 1960 йилда икки марта ўз санъатини намоиш қилди.

1970 йиллар бошларида Ўзбекистонда "Ялла" ансамбли ташкил этилиб, бир неча йиллардан кейин СССРдаги энг машҳур санъат гуруҳлари қаторидан жой олди. "Ялла" ижросидаги "Уч қудуқ" қўшиғи "Песня-81" Бутуниттифоқ телевизион қўшиқлар танловида финалга чиқди ва ўша даврнинг машҳур қўшиғига айланган эди.

Шароф Рашидов ҳам сиёсий раҳбар сифатида эмас, балки адиб сифатида ҳам ўз даври муаммоларини ёритишга ҳаракат қилди. Бу ҳақда таниқли адабиётшунос олим Ғайбулла Саломов шундай ёзган эди: "Шароф Ш\Рашидов шунчаки қатордаги бир адиб эмас. У ўзи хоҳлайдими-хоҳламайдими, адабиётдаги сиёсатдон ва сиёсатдаги адиб эди. Унинг "Ғолиблар", Бўрондан кучли" романлари, "Дил амри" қиссаси ва айниқса мақола ҳамда нутқлари ўткир фирқавий руҳ билан сугорилган. Унутмайликки, кўпчилик ўзбек ёзувчиларининг асарлари ҳам "замон сенга боқмаса, сен замонга боқ" қабилида замонавий қилиб яратилган. [11, 124.б].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ш.Рашидовнинг фаолиятида хато ва камчиликлар ҳам бўлди, лекин у юксак давлат арбоби сифатида нимаики иш қилган бўлса, энг аввало, Ўзбекистоони ва ўз халқини ўйлаган эди. Уни олижаноб инсонлигини таъкидлаган Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол: "У машаққатли, шарафли ҳаёт кечирди. Шахс ва раҳбар сифатида авлодларга буюк ибрат қолдирди. Илму фан, санъат, маданиятни яшнатиб, элда китоб ва китобхонликни байроққилиб кўтарди. Иттифоқда ва халқаро доираларда катта иззат обрў қозонди. Қоматини ҳамиша чинордек тикка тутган куч унинг халққа, халқнинг унга бўлган муҳаббати эди. Шароф Рашидов абадиятининг сирини ана шунда!" [12,258.б] – деб ёзади. У ёзувчи сифатида ҳам ўз даврининг муаммолари, қувонч-ташвишларини ёритишга ҳаракат қилди. Шунинг учун ҳам бу инсонни Ўзбекистон учун хизматлари қадрлаш, хотирасини пок сақлаш, у қолдирган бой маънавий мерос халқ хотирасида мангу сақланиб қолади.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-ж.-Т.:Ўзбекистон НИМУ, 2018. Б.262. [1,262.б]
2. Каримов И.А. Ўзбекистон:миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.-Т.: "Ўзбекистон", 1996. 89-б. [2,89].
3. История Узбекской ССР. С.531. [3,С.531].
4. Народное образование в СССР. Статистический сборник. -М., 1989. [4.С.159].
5. Қамариддинова М.С. Опыт и проблемы перевода сельского хозяйства Узбекистана на индустриальную основу во второй половине 70-х-первой половине 80-х годов. Автореф, дисс, степение канд. Ист.ких наук. -Т. 1994 [5].
6. Рашидов Ш.Р. Братское сотрудничество народов СССР на этапе зрелого социализма. Изд-во ЦК Компартии Узбекистана. -Т-1983, Б.32. [6.С.32].
7. Эргашев Ш. Шароф Рашидов. -Т.:Ўзбекистон НИМУ, 2019. 28-б. [7,28.б].
8. Эргашев Ш. Эрк истар кўнгил. -Т.:О'zbekiston, 2017. [8,149.б].
9. Жўраев А. Юрак бўронлари: роман-эссе. -Т.:О'zbekiston НИМУ, 2016. [9,28-29.б].
10. Рашидов Шароф. Эрк истар кўнгил. -Т.: Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1992. [10,124.б].
11. Жамол Камол. Шароф Рашидов абадияти. //Вухого mavjlari 2017/2. [11,124.б].
12. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Б.258. [12,258.б].

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада атоқли давлат арбоби Шароф Рашидовнинг Ўзбекистонда таълим, фан, маданият соҳалари тараққиёти йўлида амалга оширган ижтимоий-маданий ислохотлари ҳамда уларнинг ютуқ ва муаммолари ҳақида фикр-мулоҳазалар ёритилган.

RESUME

This article discusses the socio-cultural reforms of SHarof Rashidov in Uzbekistan in the field of the development of science, education, literature and art as well as their achievements and shortcomings.





O'ZBEKISTONDA SIL KASALLIGIGA QARSHI KURASH TARIXIDAN

Г. МЎМИНОВА, У.САЪДИНОВ,
Қарши давлат университети.

Калит сўзлар: эпидемиялар, Ҳаракатлар стратегияси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, сил касаллиги, тери-таносил, шилпиқ, руҳий-асаб касалликлари, санитария, тиббий хизмат

Жаҳонда хавфли янги эпидемияларнинг тарқалиши ва ундан ер юзи аҳолисининг кучли зарар кўриши барча давлатларда соғлиқни сақлаш соҳаси муаммоларининг кўпайишига асос бўлмоқда. Қатор халқаро ташкилотлар томонидан бу муаммолар ечимига қаратилган тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Хусусан, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) томонидан аҳоли ижтимоий маиший турмуш шароити ва санитария маданиятини кўтариш, эпидемияларга қарши кураш ва уларнинг ўчоқларини тугатиш бўйича қатъий чора-тадбирлари изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Ҳаттоки, Жаҳонда 24 март "Сил касалига қарши кураш куни" кенг миқёсда нишонланиб, бу кунда дунё миқёсида сил касаллигига қарши қаратилган чора - тадбирлар амалга оширилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, соҳа моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масаласига ҳам аҳамият қаратилган. Замонавий тиббиётни йўлга қўйиш ва жаҳоннинг илғор тажрибасидан фойдаланиш ўз ўрнида соҳа тарихини замонавий ва методологик ёндашувлар асосида холисона ёритишни талаб этади.

Кейинги йилларда бу соҳага жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги "Шошилич тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4985-сонли Фармони, 2017 йил 1 апрелдаги "Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2863-сонли, 2017 йил 5 майдаги "Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2956-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли Фармонининг 1-иловасида келтирилган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси". <http://strategy.regulation.gov.uz>



зирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги 714-сонли қарори² ва тизим фаолиятини такомиллаштиришга оид қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинди.

Мутахассасларнинг фикрича, инсон соғлигининг 49-53 фоизи турмуш шароитларига боғлиқ. Ижтимоий турмуш шароитининг ночорлиги туфайли сил, тери-таносил, шилпиқ, руҳий-асаб касалликлари келиб чиққан. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, Ер юзиде 20 миллион нафардан ортиқ киши сил билан оғрийди.³ Дунёда ҳар йили 3 млн нафар киши сил билан касалланади ва яна 3 млн. киши силдан вафот этади⁴.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг бош директори М.Г. Кандаунинг таъкидлашича, "Сил касаллиги иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар учун ҳам ёки ривожланаётган мамлакатлар учун ҳам аҳоли саломатлигига улкан хавф солади"⁵. Сил касаллиги Совет Иттифоқида ҳам кенг тарқалган касалликлардан ҳисобланиб, ҳукумат томонидан касалликка қарши кураш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилган. Диспансерлар, даволаш ўринлари ҳамда врач-фитизатирлар (ўпка силлини даволовчи врачлар) сони ўсиб бориши билан бирга сил билан касалланганлар сони ҳам йилдан йилга кўпайиб борган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда халқнинг оғир меҳнати, турар-жой шароитларининг ёмонлиги, овқатлар сифатининг пастлиги, тиббий хизматнинг қониқарсиз йўлга қўйилганлигини, санитария маорифи ишидаги камчиликлар сил касаллигининг кенг ёйилишига шароит яратиб берган.

Инсон саломатлигини муҳофаза этишнинг асосий шартларидан бири овқатлар турларини сифатини яхшилаш ва калориясини оширишдир. Илмий-тадқиқотларда аниқланишича, соғлом одам бир йилда 82 кг гўшт, 25 кг балиқ, 292 дона тухум, 115 кг нон маҳсулотлари, 150 кг мева-сабзавотлар ва бошқа маҳсулотларни истеъмол қилиши лозим. 1980 йилда собиқ Иттифоқда ўртача ҳар бир кишига 58 кг гўшт, 17,6 кг балиқ, 97 кг мева ва сабзавот маҳсулотлари тўғри келган⁶.

Кейинчалик Ўзбекистон сил касаллигини даволаш муассасалари тармогини кенгайтиришга бир қадар эътибор қаратилиб, улар сони 1950 йил 78 тадан, 1957 йил 184 тага кўпайтирилган. Бу Фарғона вилоятида 7 тадан 20 тага, Наманганда 4 тадан 10 тага, Бухорода 2 тадан 13 тага, Хоразмда 1 тадан 8 тагача кўпайган⁷. 1950 йилда Ўзбекистон вилоятларнинг фақат йирик шаҳарларидагина силга қарши диспансерлар, туманларда эса сил касаллиги пунктлари иш олиб борган, халос⁸. Сил касаллигининг юқумли

² Халқ сўзи. 2017 йил 13 сентябрь.

³ Всемирная организация здравоохранения (История. Проблемы, перспективы) Под.ред. Д.Д.Венедиктова. М.: Медицина, 1975.- С.118-120.

⁴ Ижтимоий гигиена ва соғлиқни сақлашга доир қисқача фикрлар.-Т., 1993.- Б.43.

⁵ Добровольский Ю.А. Два мира -две медицины.- Москва: Знание, 1969.-С. 64.

⁶ Хазраткулов А. Социальные проблемы Узбекистана и пути их решения. Специфика, опыт, перспективы (1971-1990гг) Автореф...дис...докт... ист...наук. -Т., 1990.-С. 26-27.

⁷ Здравоохранение в Узбекской ССР (Ст. сб). -Т., 1958.-С.107.

⁸ Сурхондарё вилояти Давлат архиви, 77-фонд, 1-рўйхат, 262-иш, 51-варақлар. Қашқадарё вилояти Давлат архиви, 193-фонд, 1-рўйхат, 272-иш, 55-бет. 836-иш, 48-52 варақлар.



дард бўлгани учун халқ оммаси ўртасида санитария маорифи фаолиятини кучайтириб, унинг олдини олишга эришиш мумкин. Бироқ қишлоқ аҳолиси орасида санитария маорифининг етишмаслиги касалликларнинг тарқалишига салбий таъсир кўрсатди. Бу ҳақида узоқ йиллар Қашқадарё вилояти сил касаллигига қарши кураш диспансерида бош врач лавозимида ишлаган Е.Н. Горелина қуйдагиларни баён қилади: "Бизнинг ишимизда энг етишмайдиган нарса санитария маорифидир. Аҳолининг паст маданий савияси даволаш - профилактика ишларини қийинлаштиради. Беморлар касални ўз вақтидан анча ўтказиб, бизга мурожаат қилишади. Бироқ врачлар уларга вақт ўтгандан сўнг ёрдам бера олмайдилар"⁹.

Беморларнинг катта қисми қишлоқ аҳолиси ҳисобига тўғри келган. 1954 йили Андижон вилоятида 5161 нафар киши сил касаллиги билан рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 31,5 фоизи шаҳар аҳолиси, 68,5 фоизи қишлоқ аҳолиси ҳисобига тўғри келган¹⁰. Айниқса, Қашқадарё вилоятининг Китоб, Самарарқанд вилоятининг Ургут туманлари аҳолиси хотирасида сил касаллиги ўзининг оғир фожиавий изини қолдирган. Баъзи қишлоқларда аҳолининг ёппасига сил билан касалланиш ҳолатлари юз берди. Туман раҳбарларнинг юқори ташкилотлардан ёрдам сўраб қилган мурожаатлари жавобсиз қолган. Масалан, 1948 йил 13 майда Китоб тумани партия қўмитасининг котиби Т.М. Хусаинов ва халқ депутатлар туман кенгашининг раиси А.Т. Ҳайитовлар Ўзбекистон КП Қашқадарё вилояти қўмитасининг котиби Б.Носиров ва вилоят ижроия қўмитасининг раиси С.Бадалбоевга қуйидаги мазмунда хат йўллайдилар: "Китоб туманидаги бир қатор колхозларнинг меҳнаткашлари бир неча йилдан буён сил касаллиги билан оғриб келмоқда. Мазкур касаллик бир томондан соғлом аҳоли учун, иккинчи томондан сил билан касалланганлар ҳаёти учун ижтимоий хавфлидир... туманда сил касаллигини даволаш учун имконият йўқлигидан кўпчилик ҳаётдан кўз юммоқда. Сил билан касалланганларни даволаш ва касаллик ёйилишининг олдини олиш мақсадида илтимос қиламиз: Ўзбекистон ССР Министрлар Совети орқали республика Соғлиқни сақлаш министрлигига зудлик билан колхозчиларни оммавий текширишдан ўтказишни топшириш...; Китобда вақтинчалик 50 ўринлик диспансерни мослаштирилган бинода очиш ва унга барча зарур ускуналар, мутахассислар билан таъминлашни йўлга қўйилишида ёрдам беришингизни сўраймиз".

Бироқ Китоб тумани раҳбариятининг талаби кўп йиллар мобайнида юқори ташкилотлар эътиборидан четда қолиб келган. 1951 йилнинг дастлабки 10 ойида Паландара қишлоқ кенгашининг ўзида 208 нафар киши сил касаллигидан вафот этди. Фақат 1951 йил декабрь ойида тумanning Паландара қишлоғида 25 ўринли сил касаллиги шифохонаси ташкил қилинган. Тумандаги оғир аҳволни ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Китоб ва Мираки туманларида сил касаллигига қарши курашга бағишланган бир нечта қарорлари қабул қилинган. 1953 йил 11 ноябрда-

⁹ Қашқадарё вилояти Давлат архиви, 193-фонд, 1-рўйхат, 80-иш, 74-75 varaқлар. 18-varaқ.

¹⁰ Андижон вилояти Давлат архиви, 607-фонд, 1-рўйхат, 28-иш, 11-varaқ.



ги 1965–232 сонли "Қашқадарё вилоятининг Китоб, Мираки туманлари ва Самарқанд вилоятининг Ургут туманида силга қарши курашнинг кечиктириб бўлмайдиган чоралари тўғрисида" ги, 1956 йил 19 июлдаги 357-сонли "Қашқадарё вилоятининг Китоб ва Мираки туманларида силга қарши курашда қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги, 1959 йил 4 ноябрдаги 26 - сонли "Китоб тумани аҳолиси орасида силга қарши курашни кучайтириш чоралари ҳақида"ги қарорлари шулар жумласидандир.¹¹

1961 йил 29 августда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 34 - сонли "Ўз ССР Министрлар Советининг 1960 йил 4 ноябрь 26-сонли "Китоб тумани аҳолиси орасида силга қарши курашни кучайтириш тўғрисида"ги қарорининг қониқарсиз бажарилганлиги ҳақида"ги қарори қабул қилинган.¹²

Самарқанд вилояти ҳам сил касаллигининг асосий ўчоқларидан бири бўлиб қолган эди. 60 - йилларнинг ўрталарида ҳар йили вилоятда сил касаллигининг фаол шакли билан 2000 нафарга яқин киши касалланган. 13000 нафар киши сил билан рўйхатга олиниб, бу ҳар 10000 нафар кишига касалланиш 80,7 нафардан тўғри келди. Касаллик, айниқса вилоятнинг Булунгур тумани аҳолиси орасида кенг тарқалган. Мазкур туманнинг "Ленин йўли", "Ленинобод", "Калинин" колхозлари аҳолиси силдан кучли зарарланган. Туманда ҳар 10000 нафар аҳолига сил билан касалланиш 174,4, ўлим эса 146 тани ташкил этган. Самарқанд вилоятида сил касаллиги профилактикаси ва даволашни йўлга қўйиш ишлари жонлантирилиб, даволаш ўринлари сони 1972 тага етказилган¹³.

XX аср 60-йилларининг охири ва 70-йилларининг бошларида республикада сил касаллигига қарши жиддий чора-тадбирлар олиб борилганлигига қарамай сил касаллигининг ортиши кузатилади. 1967 йил Ўзбекистонда аҳоли тиббий назаратдан ўтказилганда, 1 млн. 200 минг нафар кишида сил касаллиги аниқланган бўлса, 1970 йил бу 2 млн. 177,2 минг нафар кишини ташкил этган¹⁴. 1974 йил республикада ҳар 100000 аҳолига сил билан касалланиш 86,5 тага тўғри келган бўлса, баъзи вилоятларда бу анча юқори эди. Жумладан, Жиззахда 205 тани, ҚҚАССРда 107,5 ни, Сирдарё вилоятида 102,5 га тўғри келди. Сил касаллигидан ўлим кўрсаткичи ҳам юқори эди. Масалан, республикада ҳар 100000 нафар аҳолига ўлим 20,9, Қашқадарёда бу 29,4, Фарғонада 24,5 тага етган эди. Беморлар учун даволаш ўринларининг етишмаслиги туфайли касалликни вақтидан ўтказиб, вафот этганлар фоизи ортиб борган. Масалан, Сирдарё вилоятида касалланганларнинг 80 фоизи, ҚҚАССРда 71,0 фоизи, Самарқанда 66,0 фоизи, Бухорода 62,0 фоизи ўз ховлисида вафот этган¹⁵.

Кўп ҳолларда сил касаллигини даволаш ишининг самарадорлигига бу соҳадаги тиббиёт техникаларининг етишмаслиги ва мавжудларининг носозлиги ҳам жиддий таъсир кўрсатган. Масалан, 1971 йил Самарқанд ви-

¹¹ Қашқадарё Қашқадарё вилояти Давлат архиви, 193-фонд, 1-рўйхат, 57-иш, 126-варақ.

¹² Қашқадарё вилояти Давлат архиви, 193 -фонд, 1-рўйхат, 134-иш, 63-69 варақлар.

¹³ Ўз МА, 837-фонд, 41-рўйхат, 316-иш, 73-варақ.

¹⁴ Ўз МА, 837-фонд, 41-рўйхат, 2487-иш, 74-варақ.

¹⁵ Ўз МА, 837-фонд, 41-рўйхат, 2487-иш, 74-варақ.



лоятида сил касаллиги шифохонасидаги флюораппаратидан йилига режа бўйича 40000 нафар киши ўрнига 26000 киши ўтказилган . Чунки бу аппарат кўп ҳолларда электр энергиясининг танқислиги, зарур эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги туфайли ишламай бўш турган.

1989-1990 йил Ўзбекистонда силга қарши кураш ва уни даволаш бўйича 245 та муассаса мавжуд бўлиб, шундан 101 таси диспансер, 67 таси марказий туман касалхонаси бўлимлари, 24 та кабинет, 11 та касалхона, 32 та санатория эди .

Советлар ҳокимлигининг кейинги ўн йилликларида сил билан касалланиш бўйича Ўзбекистон кўрсаткичи собиқ Иттифоқ кўрсаткичидан ҳали ҳам юқори эди. 80-йилларда Иттифоқда силнинг фаол тури билан касалланиш ҳар 10000 нафар аҳолига 50,2 тани ташкил этган бўлса, Ўзбекистонда 55,6 та эди. 1989 йилда бу рақам Иттифоқда 40,0 та, Ўзбекистонда 50,3 та бўлди. Энг ачинарлиси шундаки, бу даврда сил касаллиги болалар ўртасида ҳам кенг тарқалди. 1989 йилда Иттифоқ бўйича силнинг фаол тури билан 18291 минг нафар бола рўйхатга олинди, шундан 2953 минг нафари Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келган. 80-йилларнинг иккинчи ярмида Оролбўйи ҳудудларида олиб борилган экспедиция натижалари таҳлили шуни кўрсатади-ки, минтақада сил касаллиги 2-3 мартага кўпайган .

Ўзбекистонда ижтимоий касалликлар тарқалиши жараёнини ўрганилиши натижасида қуйидаги умумлашган хулосаларга келинди:

-энг хавфли ижтимоий касалликлардан бири сил касаллиги турли тарихий даврларда жаҳон халқларининг барчаси азият чекиб, ҳар йили жаҳонда силдан миллионлаб киши вафот этган. Ўзбекистонда силнинг кенг ёйилиши асосан Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларга тўғри келиб, Қашқадарё вилоятининг Китоб ва Мираки, Самарқанднинг Ўргут туманлари касалликнинг асосий ўчоқлари бўлди. Бу туманларда сил касаллигига қарши кураш юзасидан нафақат Ўзбекистон ҳукумати, балки Иттифоқ ҳукумати томондан бир нечта махсус қарорлар қабул қилинган бўлсада, аммо сил билан баъзи қишлоқ аҳолисининг ёппасига касалланиши қайд этилган. Касалликни даволаш муассасалари, тиббий асбоб-ускуналар ва аппаратлар, дори-дармонлар, кадрлар етишмаслиги аҳволни янада оғирлаштирган. Мазкур касаллик билан Иттифоқ миқёсида рўйхатга олинган болаларнинг катта қисми Ўзбекистон ҳисобига тўғри келган;

-Ўзбекистонда ўтган XX асрнинг 80-йилларида ижтимоий-иқтисодий омиллар, хусусан, аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиши, озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишининг камайиши, қолаверса турмуш муаммоларининг ортиши сабабли сил касалликлари кўрсаткичи ўсган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Андижон вилояти Давлат архиви, 607-фонд, 1-рўйхат, 28-иш, 11-варақ
2. Добровольский Ю.А. Два мира -две медицины.- Москва.: Знание, 1969.-С. 64.
3. Ижтимоий гигиена ва соғлиқни сақлашга доир қисқача фикрлар.-Т.,



1993.- Б.43.

4. Қашқадарё вилояти Давлат архиви, 193-фонд, 1-рўйхат
5. Самарқанд вилояти Давлат архиви, 93-фонд, 1-рўйхат, 1544-иш, 14-варақ
6. Сурхондарё вилояти Давлат архиви, 77-фонд, 1-рўйхат, 262-иш, 51-варақлар. Қашқадарё вилояти Давлат архиви, 193-фонд, 1-рўйхат, 272-иш, 55-бет. 836-иш, 48-52 варақлар.
7. Убайдуллаев А.М., Пятаева Э.В. Вклад научно-лечебно-профилактического комплекса "Фтизиатр" в организацию противотуберкулезной работы // Медицинский журнал Узбекистана, 1992.-№ 7.- С.12.
8. Всемирная организация здравоохранения (История. Проблемы, перспективы) Под.ред. Д.Д.Венедиктова. М.: Медицина, 1975.- С.118-120.
9. Халқ сўзи.2017 йил 13 сентябрь.
10. Хазраткулов А. Социальные проблемы Узбекистана и пути их решения. Специфика, опыт, преспективы (1971-1990 гг.) Автореф...дис...докт...ист...наук. -Т., 1990.-С. 26-27.
11. Хамракулов Р.Ш. Некоторые вопросы улучшения противотуберкулезной помощи населению Узбекской ССР // Медицинский журнал Узбекистана. 1990.-№ 7.- С.4-5 .
- 12.Здравоохранение в Узбекской ССР (Ст. сб). -Т., 1958.-С.107.
13. Ўз МА, 837-фонд, 41-рўйхат, 316-иш, 73-варақ.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли Фармонининг 1-илоvasида келтирилган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси". <http://strategy.regulation.gov.uz>

Резюме:

Ушбу мақолада энг хавфли ижтимоий касалликлардан бири сил касаллигининг Ўзбекистонда кенг ёйилиши, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллардаги вазиятнинг кучайиши, Қашқадарё вилоятининг Китоб ва Мираки, Самарқанднинг Ургут туманлари касалликнинг асосий учоқлари бўлганлиги ёритилган.

Resume:

This article describes the spread of tuberculosis in Uzbekistan, one of the most dangerous social diseases, the escalation of the situation in the post-World War II years, Kitab and Miraki districts of Kashkadarya region, Urgut districts of Samarkand.



MUSTAQILLIK YILLARIDA QASHQADARO VILOYATI IQTISODIYOTIDAGI O'ZGARISHLAR

Асрор ПАРДАЕВ,
Қарши давлат университети

Калит сўзлар: Ўзбекистон, Қашқадарё, республика, вилоят, Муборак, ўзур, Китоб, Шаҳрисабз, Шўртан, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, саноат, пахта, галла, нефт, газ, деҳқончилик, чорвачилик.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тараққий этиши, барқарор иқтисодий ўсишга эришиши, аҳоли даромадларининг ошиши, халқимиз турмуш шароитининг яхшиланишининг асосий омилларидан бири мамлакат иқтисодиётини янада эркинлаштириш, аynиқса таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига уни тараққий тошган давлатлар иқтисодиёти даражасига кўтаришдир.

Мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини минтақавий жиҳатдан оқилона жойлаштириш минтақавий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, минтақалар табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим шартларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек "Иқтисодий мустақилликка эришмасдан туриб, сиёсий мустақилликни таъминлаб бўлмайди"¹ "Шунинг учун ҳам республикаимиз-мустақилликнинг дастлабки даврлариданоқ галла ва ёқилги энергетика мустақиллигига эришди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда республикаимиз иқтисодиётида чуқур ва кенг кўламли таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Республика ҳудудлари илгари асосан хом ашё етказиб берган бўлса, энди рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариб, уни чет элга экспорт қилмоқда. Бу кенг кўламли тадбирларнинг амалга ошишида Қашқадарё вилоятининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Маълумки, Қашқадарё вилояти республика иқтисодий тараққиётида алоҳида аҳамиятга эга. Вилоят республикада қазиб олинadиган табиий газнинг 70%, нефтнинг қарийб 78%, газ конденсатининг 80%, олtingугуртнинг 100%, ош тузининг 91,3%, цемент хом ашёсининг 11,1 %ни беради. Вилоят республикада энг кўп дон ва пахта етказиб берадиган воҳадир. Ўзбекистонда тайёрланадиган ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 10,2%, шу жумладан, пахтанинг 14%дан зиёд қисми, галланинг 13%дан ортиги,

¹ Мирзиёев Ш. М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб алқимиз билан бирга қураимиз. -Т.: "Ўзбекистон". НМИУ, 2017.б.84.



қоракўл терининг 19% вилоят ҳиссасига тўғри келади².

Бу соҳаларни ривожлантириш учун вилоятда катта имкониятлар мавжуд. Жумладан, воҳа иқлим шароитини ҳисобга олсак, иссиқлик миқдорининг юқорилиги ва вегетация даврининг узоқ давом этиши ушбу ҳудудда бошоқли экинлар (хусусан лалми ерларда), пахта ва боғдорчилик маҳсулотларини етиштириш имконини беради. Вилоятда ёқилги минерал хом ашёси ресурсларига бойлиги бу ерда газ, нефт, кон-маъдан ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш саноат тармоқларини ривожлантириш учун асос бўлади. Шунингдек, вилоят аҳолисининг тез суръатлар билан кўпайиб бораётганлиги ҳудудда меҳнат ресурсларининг етарилча таъминлаш имконини беради.

Қашқадарё вилояти катта ер ресурсларига ҳам эгадир. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар 1990 йил вилоятда 2 млн 534 минг гектар, 1995 йилда 2 млн 522,7 минг гектар, 2000 йилда 2 млн 194 минг гектар, 2015 йилда эса 2 млн 856,8 минг гектар ташкил қилган бўлиб, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар жами майдонга нисбатан 76,8 % ни ташкил қилади. Қишлоқ хўжалиги экинлари экиладиган майдонлар 1990 йилда 616 минг гектар³, 1995 йилда 643,1 минг гектарни, 2000 йилда 698,3 минг гектар, 2015 йилда эса 679,2 минг гектарни ташкил қилган⁴.

Вилоят иқтисодиётининг агросоҳаси, асосан пахта, галла ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган. Худудий ихтисослашув жиҳатидан қаралганда, вилоятнинг юқори ҳудудидаги туманларида пахтачилик, боғдорчилик ва галлачилик, қуйида, яъни Қарши даштида пахтачилик ривожланган. Чорвачилик, хусусан, қўй ва эчкиларни боқиш чўл ва тоғолди ҳудудларда кўпроқ тарқалган. Вилоят маркази Қарши шаҳри ҳамда Шаҳрисабз шаҳри атрофида қишлоқ хўжалиги, сабзавот ва картошка, кўкатлар етиштириш билан шуғулланади.

Вилоят деҳқончилигининг асосий тармоғи пахтачилик бўлиб, 1990 йилда 220 минг га ерга пахта экилган бўлса, 2000 йилда 150 минг га, 2008 йилда 173 минг га, 2015 йилда 164,9 минг га, 2018 йилда эса 139,8 га ерга пахта экилган⁵. Кўриниб турибдики, пахта экиладиган майдонлар йилдан йилга камайиб борган.

1990 йил 500 минг тонна пахта ҳосили етиштирилган бўлса, 1997 йилда 420 минг тонна, 2013 йилда 424 минг тонна пахта, 2020 йилда 400 минг тонна пахта ҳосили етиштирилган. Агар таққослайдиган бўлсак, 2020 йилда Бухоро вилоятига 331 минг тонна, Фарғона вилоятига 250 минг тонна, Самарқанд вилоятига 215 минг тонна, Навоий вилоятига 99 минг тонна, Сурхондарё вилоятига 244 800 минг тонна пахта ҳосили етиштириш белгиланган⁶.

² Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қураимиз. -Т.: "Ўзбекистон". НМИУ, 2017.314 б.

³ Қашқадарё вилояти географияси . География ўқитувчилари учун қўлланма. Қарши, 1994.Б.110.

⁴ Қашқадарё вилояти ижтимоий-иқтисодий инвестициявий паспорти. Қарши. 2019.

⁵ Солиев А. Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси. -Т. 2014. Б.298.

⁶ www.qashstat.uz.



Кейинги йилларда пахтанинг ялпи маҳсулоти интенсив деҳқончилик хўжалиги асосида кўпаймоқда. Вилоятда пахта экиладиган майдонларни қисқартирилиши натижасида мева ва сабзавотчиликка ихтисослашган бригадалар ташкил қилинмоқда. Мисол тариқасида 2010–2015 йиллар оралиғида 3 минг 200 гектар пахта майдони қисқартирилиб, картошка, мева-сабзавот ва полиз экинлари етиштириш йўлга қўйилган⁷.



Донли экинларга буғдой, шоли, маккажўхори, арпа, жўхори, тариқ, сули ва жавдар киради. Қашқадарё вилоятида донли экинлардан энг кўп буғдой арпа ва маккажўхори экилади. 1990 йилда 288,8 минг тонна галла, 1995 йил 500 минг тонна галла, 2002 йил 684 минг тонна галла⁸, 2007 йилда 884 минг тонна галла, 2019 йилда 964,3 минг тонна галла етиштирилган. Шу ўринда таъкидлаш керакки, вилоятда йилдан-йилга галла ҳосилининг кўпайиб боришига биринчи навбатда пахта экиладиган майдонларнинг қисқартирилиши, ерларнинг мелиоратив ҳолатининг яхшиланиши ва янги ҳосилдор навларнинг экилиши сабаб бўлган. Бу билан Қашқадарё вилояти республикамиз галла мустақиллигининг қўлга киритилишига муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Чорвачилик, вилоят қишлоқ хўжалигининг деҳқончиликдан кейинги тармоғи бўлиб, аҳолини сут, гўшт, тухум, балиқ каби озиқ-овқат маҳсулотлари, саноатни эса жун, қора кўл тери, ипак ва бошқа хом ашё билан таъминлайди. Вилоятда чорвачиликни янада ривожлантириш қишлоқ хўжалиги олдида турган биринчи галдаги вазифалардан биридир. Бунинг учун чорвачиликни мустаҳкам ем-хашак базасини барпо қилиш ва ем-хашакдан тўғри фойдаланиш, барча турдаги чорва моллари, шунингдек паррандалар сонини кўпайтириш, маҳсулдорликни ошириш лозим. 2010 йилда вилоят Ўзбекистонда етиштириладиган гўштнинг 8,2%ини, сутни 8,6%ини, жуннинг 16%ини ва қоракўл терининг 19%ини етказиб берган⁹.

Ёки, 1999 йил вилоятда 97,2 минг тонна гўшт, 338,7 тонна сут, 3163 тонна жун, 95,1 минг дона қоракўл тери, 94,5 млн дона тухум, 2005 йилда 119,1 минг тонна гўшт, 444,7 минг тонна сут, 3962 тонна жун, 103,6 минг

⁷ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан қурамыз. –Т. "Ўзбекистон". НМИУ, 2017.316 б.

⁸ Қашқадарё ҳақиқати 2002 йил 27 июл.

⁹ Солиев А., Назаров М., Қурбонов Ш. Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. – Т.: "MUMTOZ SO'Z", 2010. Б.83.

¹⁰ Қашқадарё вилоят статистика бошқармаси жорий архиви.



дона қоракўл тери, 124,5 млн дона тухум, 2010 йилда эса вилоят бўйича 178731 тонна гўшт, 657162 тонна сут, 192627 минг дона тухум етказиб берилган, 2015 йилда вилоятда 248008 тонна гўшт, 952542 тонна сут, 7431 тонна жун, 193386 дона қоракўл тери, 366 млн 695 минг дона тухум тайёрланган, 2019 йилга келиб 294716 тонна гўшт, 1148068 тонна сут, 7551 тонна жун, 219436 минг дона қоракўл тери, 549760 дона тухум етиштирилган¹⁰. Кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари аҳоли сони кўпайган сари ошиб борган, яъни аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, ушбу соҳа маҳсулотлари етказиб бериш хажми кўпайиб борган.

Вилоят бўйича 1996 йили 572 минг бош йирик шохли қорамол бўлган бўлса, 2000 йилда бу рақам 22 минг 200 бошга кўпайгани, қўй-эчкилар сони 1 миллион 829 мингдан 1 миллион 961 мингга етган, 2006 йилда 746,4 минг бош йирик шохли қорамол мавжуд бўлган бўлса, қўй ва эчкилар сони 2311,8 мингга етган, 2010 йилда 972,1 минг бош йирик шохли қорамоллар, 2966 минг бош қўй ва эчкилар бўлган, 2017 йилда йирик шохли қорамолларнинг умумий бош сони 1479,3 минг бошни, қўй ва эчкилар 4412,6 минг бошни ташкил қилган, 2020 йилда 1620,5 минг йирик шохли қорамол, қўй ва эчкилар 4726,9 минг бошни ташкил қилган.

Қашқадарёда чорвачиликни ривожлантириш учун улкан имкониятлар мавжуд. Шунинг эътиборига олиб, чорвачиликда ҳам фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб бериш, ем-хашак, озуқа базасини мустақамлашга доир қарорларнинг ижросини таъминлаш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Солиев А. Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси. -Т.: 2014. -294 б.
2. Солиев А., Назаров М., Қурбонов Ш. Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. - Т.: "MUMTOZ SO'Z", 2010. -279 б.
3. www.qashstat.uz.
4. Қашқадарё вилоят статистика бошқармаси жорий архиви.
5. Каримов И.А. Ватан озодлиги, халқимнинг омонлиги, юртимнинг равнақи, ҳар бир оила фаровонлиги - мен учун олий саодат. - Т.: Ўзбекистон, 2000. -127 б.
6. Мирзиёев Ш. М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. -Т.: "Ўзбекистон". НМИУ. 2017.-316 б.
7. "Қашқадарё ҳақиқати", 2002 йил 27 июль.
8. Қашқадарё вилояти географияси. География ўқитувчилари учун қўлланма. Қарши, 1994.-110 б.
9. Қашқадарё вилояти ижтимоий-иқтисодий инвестициявий паспорти. Қарши-2019.
10. Қашқадарё вилояти истиқлол йилларида / Муаллифлар гуруҳи раҳбари А. Эркаев. - Т.: "Маънавият", 2007. -45 б.



O‘ZBEKISTONDA MUSTAQILLIK YILLARIDA PEDAGOGLARNI TAYYORLASHDA MA’NAViy-MA’RIFIY ISHLARNING O‘RNI

Ўктамжон АБДУЛЛАЕВ,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

Калит сўзлар: Таълим, ўқитувчи, талаба, маънавият соати, чора-тадбирлар, давра суҳбатлари, кўрик-танлов, Зулфияхоним, қувноқлар ва зукколар, спорт тадбирлари.

Маълумки, 1992 йилда олий таълим тизимини янада такомиллаштириш, юқори малакали мутахассислар ва илмий кадрлар тайёрлашни яхшилаш, шунингдек, республиканинг барча минтақаларини улар билан яна ҳам тўлароқва бир текисда таъминлаш мақсадида Республикадаги қатор педагогика институтларига университет мақоми берилди [1, 9825-9826].

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг ижобий натижаси аввало маънавий-маърифий тарбияга ҳам боғлиқдир. Мамлакат келажаги бўлган ёшларни маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашда таълим муассасалари олдида мураккаб вазифалар кўндаланг қўйилди.

Кейинги йилларда турли босқичдаги таълим муассасаларида ўқув-тарбиявий ишлар билан бирга маънавий тарбия масаласига ҳам кучли аҳамият берилди. Ҳар бир ўқув йили учун маънавий-маърифий ишлар бўйича аниқрежалар тузилиб, уни амалга ошириш учун қатор чора-тадбирлар олиб борилди. Масалан, ёшлар онгида турли диний, экстремистик гоялар бўйича тушунчалар шакллантириш, тарихий саналар ва шаҳарлар ва шаҳарларнинг юбилейларини нишонлаш, йил дастурлари, соғлом турмуш ва қадриятлар тарғиботи, ҳуқуқбузарликка қарши кураш, ёшлар ўртасида кўрик-танловларни ташкил этиш тадбирлари шулар жумласидандир. Айниқса бу тадбирларнинг бўлажак педагоглар ўртасида олиб борилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Педагогика йўналиши олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар устувор йўналишлардан бирига айланди. Таълим муассасаларида ҳафтанинг бирор кунда "Маънавият соати", Маънавият кунлари тадбирлари ўтказилиб борилди. Талабалар турар жойларида турли долзарб масалаларга бағишланган қатор тадбирлар, давра суҳбатлари, жонли мулоқотлар ўтказилди. Олий таълим муассасалари факультет, кафедраларда гуруҳлар ва талабалар турар жойларида олиб бориладиган маънавий-маърифий, тарбиявий иш режалари ўқув йили учун мавжуд режаларда ҳар бир ўқув йилининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб бажарилди. Бу тадбирлар асосан ватанпарварлик ва инсонпарварлик тар-



бияси, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунлар ва жамоа ҳаёти тарзига ҳурматни тарбиялаш ва талабалар онгида ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, соғлом турмуш, ёш йигит ва қизларни оила қуришга тайёрлаш, Жисмоний тарбия ва спорт, Ахлоқва нафосат тарбияси, Экологик тарбия, Касб усталарини тарбиялаш йўналишлари бўйича ташкил этилди.

Олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий тадбирлар режасида диний экстремизм ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи тадбирлар марказий ўринлардан бирини эгаллади. 1998-2017 йиллар мобайнида ҳар хил диний оқимлар таъсирига берилиб, турли хил қабиҳ ишларни амалга оширишга уринган ва уни амалга оширган ўнлаб талаба-ёшлар республикамизнинг турли олий ўқув юртларидан четлаштирилганлар ва тегишли идоралар олдида жавоб берганлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Республика прокуратураси ва Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда "Ёшлар йили" муносабати билан 2008 йил давомида талабаларнинг ҳуқуқий онгини ошириш бўйича семинар-учрашувлар ўтказилди. Режа асосида олий таълим муассасаларида ҳуқуқ-тарғибот идоралари билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказилди. Жумладан, 2009 йил ноябрь-декабрь ойларида "Диний ақидапарастлик моҳияти", "Огоҳлик давр талаби", "Экстремизм ва унинг оқибатлари", "Диний оқимлар ва унинг мақсадлари" каби мавзуларида Нукус, Қўқон, Жиззах педагогика институтларида тадбирлар уюштирилди. Бу каби тадбирлар педагог кадрлар тайёрлайдиган университетларда ҳам ўтказилди. Масалан, Термиз давлат университетида 2010 йилнинг 16 январида "Ёшлар огоҳ бўлинг - диний экстремизмдан" 23 январда "Ақидапарастликнинг оқибати", 17 февралда "Ўзбек мақолларида дин ва диний ақидапарастлик ҳақида", 12 мартда "Ичкиликбозлик, экстремизм ва гиёҳвандлик - энг ёвуз иллат", 10 апрелда "Биз - диний экстремизмга қаршимиз" каби тадбирлар ўтказилган. 2010 йилнинг 13 январида ҳам "Диний экстремизм ва терроризм, унинг оқибатлари" каби мавзуларда тадбирлар ташкил қилинган[2].

Кейинги йилларда ҳам педагогика йўналиши олий таълим муассасаларида "Одам савдосига қарши курашиш", "Диний вазиятни юмшатиш", "Гиёҳвандликни олдини олиш", "Вояга етмаганлар билан ишлаш" ва "Ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш" мавзуларига бағишланган тадбирлар олиб борилиб, бу бўйича махсус комиссиялар тузилган. 2014 йилнинг ноябрь ойида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирокида Республикамизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқсоҳасидаги ислохотлар қонунчиликка қаратилган охирги ўзгариш ва қўшимчаларни етказиш ҳамда талаба-ёшларни турли бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолишини олдини олиш мақсадида Яккасарой туман ИИБ ходимлари билан учрашув ўтказилган[3,25].



2013–2014 ўқув йилида Фарғона давлат университетида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, талабаларнинг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, диний экстремизм, гиёҳвандликка қарши кураш ва унинг олдини олиш, "Оммавий маданият"нинг салбий оқибатлари ҳақида талабаларни огоҳ этиш йўналишларида 35 та тадбир ўтказилган[4,107].

Қўқон давлат педагогика институтида 2016–2017 ўқув йилида талабаларнинг сиёсий, ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш ишлари талабалар онгида қонунларга риоя қилиш, жавобгарлик, бурч ва ўз ҳуқуқларини тўлалигича англаб етиш, Конституция ва ҳукумат қарорларида белгиланган масъулият ва вазифаларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш каби тушунчаларни тарбиялашга йўналтирилди. Ушбу йўналишда доимий тадбирлар олиб борилди. Бу тадбирларда минглаб талабалар иштирок этди. "Мақсадимиз ҳуқуқий, демократик давлат қуриш", "Конституция – ҳуқуқимиз кафолати", "Сиз қонунни биласизми?", "Демократик жамиятда қонунчилик", "Тараққиётнинг ўзбек модели", "Демократия – ҳалқҳоқимияти", "Қонун ҳалқҳимоясида", "Ўзбекистон – ягона Ватан", "Ўзбекистон – Ватаним маним", "Мустақиллик – энг олий неъмат", "Ўзбекистон – келажаги буюк давлат", "Тараққиёт йўлидан – буюк келажак сари", "Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан" каби мавзуларда тадбирлар талабалар турар жойлари, факультетларда давра суҳбатлари, илмий–назарий конференция, кўрик – танловлар, кечалар, учрашувлар ўтказилди[5, 2–4].

Фарғона давлат университетида маънавий–маърифий тадбирлар режасига водийнинг диққатга сазовор жойлари, табаррук қадамжолари, мустақиллик йилларида бунёд этилган иншоотлар, йирик саноат корхоналарига саёҳатлар ташкил этиш ҳам киритилди. 2013–2014 ўқув йилида 1050 нафар талаба Марғилон, Риштон, Қўқон шаҳарларига, 704 нафар талаба Қува, Андижон шаҳарларига, 42 нафар талаба Наманган шаҳрига бепул саёҳат қилди. "Талаба баҳори" танлови анъанавий тарзда ўтказилиб, унга 300 дан зиёд талабалар жалб этилди. "Энг аҳил жамоа" кўрик–танловида ҳам талабалар фаол иштирок этди[6,99].

Андижон давлат университети талабаларидан 2012–2014 йиллар талаба қизларидан 6 нафари, яъни У.Ҳабибуллаева, Д. Ҳакимжонова, М.Ёрқинбоева, Ш.Маҳмудова, Г.Акбарова, Ж.Бўстоновалар Ўзбекистон Республикаси Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодларни саралаш борасида ўтказилган Республика танловида адабиёт, фан, таълим ва маданият йўналишлари бўйича иштирок этди.

Самарқанд давлат университети талаба қизларидан Розия Тожиева, Нафиса Ҳайдарова, Камола Миршаева, Зулхумор Ашурова, Умида Жураевалар турли йилларда ўз мутахассисликлари бўйича Зулфия мукофотига сазовор бўлишди.

Олий таълим муассасаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, эришилаётган ютуқлар, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш масалалари "Таълим ва тарбия" ҳамда "Таълим муаммолари" илмий–услубий журналларида олий таълим муассасаларидаги таълим–тарбияга оид маълумотлар бе-



риб борилди[11,384].

Олий таълим муассасаларида газеталар нашр этилиб, унинг материалларида таълим муассасаси педагогик ва талаба-ёшлар жамоасининг ҳаёти ва фаолияти, таълим муассасасида олиб борилаётган илмий-педагогик, ижтимоий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар ёритиб борилди. Масалан, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида "Педагог", Андижон давлат университетида "Андижон ёшлари", Фарғона давлат университетида "Фарғона таълими хабарлари", Самарқанд давлат университетида "Самарқанд университети", Қарши давлат университетида "Қарши университети", Термиз давлат университетида "Термиз университети", Гулистон давлат университетида "Университет овози", Нукус давлат педагогика институтида "Нукус пединститути", Қўқон давлат педагогика институтида "Зукко замондош", Жиззах давлат педагогика институтида "Зиё чашмаси" каби газеталар нашр этилди. "Маънавият", "Экологик тарбия", "Экология ва биз", "Олтин мерос", "Меросимизни ўрганамиз", "Юрт меҳри", "Шоғирлар эҳтироми", "Ҳуқуқий тарбия", "Огоҳлик", "Президент асарлари мутлоаси", "Қонунларимизни ўрганамиз", "Талаба тадқиқоти", "Талаба муаммога ечим излайди", "Мулоҳаза", "Ёднома", "Инсон хотираси азиз", "Саломатлик сирлари" ва бошқа рукнлар остида мақолалар нашр этилди. Масалан, 2007 йил 8 сентябрь куни Қўқон давлат педагогика институтининг тарих саҳифасига газета нашр қилинган кун деб қайд этилиб, шу кундан эътиборан ижтимоий, маърифий, адабий, бадиий "Зукко замондош" газетаси чиқа бошлади.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг "ЎзМУ хабарлари", "Фалсафа ва ҳуқуқ" илмий журналлари Республика миқёсидаги нуфузли нашрлардан биридир. Журнал олий ўқув юртарининг профессор-ўқитувчилари, юқори курс талабалари, магистрантлар, илмий ходимлар, илмий-текшириш муассасалари ходимлари ҳамда халқхўжалигининг турли соҳаларида хизмат қилаётган мутахассислар учун мўлжалланган.

2017 йилдан бошлаб журнал 3 бўлимга бўлинган ҳолда чоп этилиб борди. Журналда илмий-тадқиқот ишларининг натижалари, ечимини кутаётган масалалар акс этган мақолалар, бошқа мамлакатлардаги фан ва техникага оид янгиликлар, ЎзМУ ва бошқа олий ўқув юртарларида ўтказиладиган конференциялар ва анжуманлар ҳақида ахборотлар, илмий хабарлар чоп этилади.

Журналда аниқ ва табиий фанлар ҳамда ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасидаги муҳим тадқиқот ишлари ўз аксини топди. Шунингдек, "ЎзМУ хабарлари" журнали илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар ўз салоҳиятларини намоён этишлари ва илмий ишлари самарасини жамоатчиликка етказишлари учун кенг имкониятлар яратиб берди. 2017 йил ЎзМУ хабарлари журналининг 6 та сони, Фалсафа ва ҳуқуқжурналининг 4 та сони чоп этилди.

Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари доимий равишда



радио ва телевидения орқали чиқишлар қилиб, долзарб мавзуларда маърузалар қилиб, интервьюлар бериб турди. Масалан, Сурхондарё вилоят телевидениесига Термиз давлат университети профессор-ўқитувчилари томонидан 2010 йил давомида 10 марта маданий-маърифий мавзуларда суҳбатлар ўтказилди, жумладан, ўша йилнинг 8 февралда Ўзбек адабиёти кафедраси профессор-ўқитувчилари Б.Муртазоев ва Н.Йўлдошевлар Алишер Навоий таваллудининг 569 йиллиги, шунингдек, 13 февралда Бобур таваллудининг 527 йиллигига бағишланган давра суҳбатларини ўтказди. Ўзбек тилшунослиги кафедраси ўқитувчиси У.Раҳимова 2010 йил 10 мартда "Тилдил ойнаси" мавзусида суҳбат ўтказиб, унда ўзбек филологияси бўлими талабалари М.Мамадиёрова, С.Жабборова, Г.Жўрақулова, Д.Раҳимова кибилар ҳам иштирок этди. Ушбу суҳбат вилоят телевидениеси орқали 2 марта намойиш этилди [2]. Иқтисодиёт кафедраси доценти Ч.Жумаев 8 декабрда Конституциямизнинг 17 йиллиги муносабати билан, 8 мартда хотин-қизлар байрами муносабати билан вилоят телевидениесига чиқиш қилди. Педагогика факультети ўқитувчилари Б.Нормуродов, Ш.Маҳмараимовалар "Ёшлар" телеканалда "Бугун" кўрсатувида иштирок этди [2].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистонда педагогика йўналиши олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар устувор йўналишлардан бирига айланди. Таълим муассасаларида ҳафтанинг бирор кунда "Маънавият соати", "Маънавият кунлари" тадбирлари ўтказилди. Талабалар турар жойларида турли долзарб мавзуларга бағишланган давра суҳбатлари, жонли мулоқотлар ўтказиш анъанага айланди. Педагогика йўналиши олий ўқув юртларида маънавий-маърифий тадбирлар режасида диний экстремизм ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи тадбирлар марказий ўринлардан бирини эгаллади. Талабалар онгида сиёсий, ҳуқуқий маданият, қонунларга риоя қилиш, жавобгарлик, бурч ва ўз ҳуқуқларини тўлалигича англаб етиш, ҳукумат қарорларида белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш каби тушунчаларни тарбиялашга йўналтирилди.

Олий таълим муассасаларида олиб борилган маънавий-маърифий соҳадаги тадбирларда талаба ёшлар онгида бой тарихимиз, ўтмиш меъросимиз, қадрият ва урф-одатларимизни тарғиб этиш марказий ўринлардан бирини эгаллади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Ergasheva Yulduz Alimovna (2020). Historical Stages of Innovative processes in Higher Education of Uzbekistan. Solid State Technology, volume:63 Issue:6, Publication year:2020. Page:9825-9826. Archives Available @www.solidstatetechnology.us
2. Термиз давлат университети жорий архиви.
3. Тошкент шаҳар давлат архиви, 640-фонд, 5-рўйхат, 300-иш, 25-39-варақ.
4. Фаргона давлат университети. 1 китоб. Тарих ва юксалиш йиллари.



(Масъул муҳаррир Х.Ш.Ташматов). Фарғона, -2015, -Б.107.

5. Қўқон давлат педагогика институти жорий архиви. Институтда 2016–2017 ўқув йилида амалга оширилган маънавий – маърифий ишлар тўғрисида Маълумотнома папкасидан, 2–4 варақлар.

6. Фарғона давлат университети. 1 китоб. –Б.99

7. Андижон давлат университети жорий архиви.

8. Курамбоев Қ. Ютуқларимиз фаолликка ундайди// FIDOKOR, 2007, 5 апрель.

9. Истиқлол ва СамДУ. Самарқанд, –2017, –Б.29, 32

10. Шамсутдинов Р. Бобур номидаги Андижон давлат университетининг тарихий илдизлари, ташкил топиши ва фаолияти. –Т.: Шарқ, 2014. –Б. 283–285.

11. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси (12-том), Б.384.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Ўзбекистондаги педагогика йўналиши олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий соҳадаги ишларнинг йўлга қўйилиши, талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун ташкил этилган туркум тадбирлар, давра суҳбатлари, долзарб мавзулар юзасидан мутахассислар билан ўтказилган учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирларнинг педагог кадрлар тайёрлашдаги ўрни, аҳамияти, эришган ютуқлари, муаммолари ҳамда уларнинг қай даражада ечим топганлиги таҳлили ҳақидаги маълумотлар баён этилади.

RESUME

In this article, the pedagogical direction of Uzbekistan in the spiritual and educational work in higher education institutions, a series of events organized for students to spend their free time meaningfully, roundtables, meetings with experts on topical issues, the role and importance of spiritual and educational activities in training teachers information on achievements, problems and their solution analysis.





O‘ZBEKISTONDA TEZ TIBBIY YORDAM XIZMATINI TASHKIL ETISHDA XORIJIY DAVLATLAR BILAN HAMKORLIK

Голиб ХОЛИҚОВ,
Қарши давлат университети.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, тиббиёт, поликлиника, тиббий ёрдам, технология, замонавий, диспетчер, шошинч тиббий ёрдам, халқаро, алоқа, автотранспорт

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш соҳасида жиддий ислохотлар амалга оширилиб, муайян натижалар қўлга киритилди. Бу борада айниқса нуфузли халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга бўлди. Хусусан, ихтисослашган тиббий хизматни йўлга қўйиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолини дори воситалари билан таъминлаш, тиббий кадрлар тайёрлаш ва тиббиёт фанини ривожлантириш борасидаги халқаро алоқалар қизғин борилди.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги сўзларини келтириш лозим: "Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни янада яхшилаш, халқимизни тиббиёт тизими фаолиятидан рози қилиш-барчамизнинг энг муҳим вазифамиздир"¹. 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида² аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, соҳа моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш каби масалаларга аҳамият қаратилган. Замонавий тиббиётни йўлга қўйиш ва жаҳоннинг илғор тажрибасидан фойдаланиш соҳа тарихини янги методологик ёндашувлар ва бирламчи манбаларга асосланиб ёритишни талаб этади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тиббий хизмат кўрсатиш тизимининг ушбу соҳасида ҳам ривожланишнинг интенсив усуллари жорий этиш тадбирлари амалга оширилди. Жумладан, поликлиникалар ҳузурида ташкил этилган "шошинч тез ёрдам" хизмати шулар жумласидандир. Ушбу тармоқнинг мустаҳкамланиши натижасида амбулатория - поликлиникалар ҳузуридаги тез тиббий ёрдам врачлар бригадасининг сони 1994 йилдаги 606 тадан 1996 йилда 622 тага ўсди³. Шу билан бирга, тез тиббий ёрдам бўлимлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг тиббиёт соҳасидаги долзарб масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилишдаги нутқи /|Халқ сўзи. 2017 йил 13 декабрь.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли Фармонининг 1-илоvasида келтирилган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси". <http://strategy.regulation.gov.uz>

³ Ўз ИТТХ МАМ-372-Фонд, 1-рўйхат (давоми), 407-йигма жилд, 25-варақ.



сони 1991 йилда 216 та бўлган бўлса, 1995 йилда бу кўрсаткич 221 тани ташкил қилди⁴.

1991 – 1998 йилларни соғлиқни сақлаш тизимини қайта тузишнинг бошланиш даври деб таърифлаш мумкин⁵. Бу даврда соҳа ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш тадбирлари олиб борилди. 1998 йилнинг 10 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури" ҳақидаги Фармони⁶ эса бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди ҳамда ушбу тизимнинг замонавий айланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, мазкур Фармон юзасидан Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази (РШТЎИМ) ва унинг вилоятлардаги бўлинмаларини ташкил қилинди⁷. 2001 йилга келиб РШТЎИМ ва унинг вилоятлардаги филиллари тўла қувват билан фаолият кўрсатди⁸.

2000 йили Республикада шошилич тиббий ёрдамни ташкил қилиш Концепцияси ишлаб чиқилди⁹. Шу йилнинг охирига қадар ушбу муассасаларда 503 нафар врач, 38 нафар ўрта тиббиёт ходимлари ўз малакаларини оширди¹⁰.

Ўзбекистонда тез тиббий ёрдам соҳасини йўлга қўйишда хорижий ҳамкорлик алоқалари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон РШТЎИМ янги аъзо сифатида Американинг халқаро тиббиёт уюшмасига қабул қилинди. Шу билан бирга Россиядаги Склифосовский номидаги Шошилич ва тез тиббий ёрдам ИТИ билан ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича шартнома тузилди. 2000 йилда 28 нафар врач МДҲ ва хорижий давлатлар клиникаларида малака оширди. 12 нафар мутахасис Россия, Германия, Исроил ва АҚШ каби давлатлардаги тез ёрдам хизматининг ташкил этилиш тажрибаси билан танишди¹¹.

РШТЎИМ ва унинг ҳудудий филиллари тиббий анжомлар билан таъминлашда хорижий фирмалар хизматидан ҳам фойдаланилди. Самарқанд шаҳри тез тиббий ёрдам бўлимда 87 минг АҚШ долларига сунъий буйрак апараты, 1 млн. 700 минг АҚШ долларига эса юмшоқва қаттиқжиҳозлар олиб келиб ўрнатилди. Республиканинг қатор вилоят филиллари Германиянинг 23,4 млн. немис маркаси ҳажмида тиббий асбоб – ускуналар билан таъминланди¹². Бу каби тадбирлар соҳа моддий техник базасини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

2016 йилга келиб Республика шошилич тиббий ёрдам маркази ва унинг вилоятлардаги филиллари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари қоши-

⁴ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси ҳисоботи (1995 йил)

⁵ Миразимов Д.Б., Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш: асосий йўналишлар ва босқичлар/ Soғ'liqni saqlashni tashkil etish va boshqarish. 2010 й., 3-4 сон .-Б.21.

⁶ Шошилич тиббий ёрдам истиқболи/ Sihat - salomatlik. 1999 й. 3 - сон. -Б.3.

⁷ Ўз ИТТХ МА М-372-Фонд, 1-рўйхат, 485-йиғма жилд, 105-варақ.

⁸ "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш. 2002 й, 12-февраль.

⁹ Ўз ИТТХ МА М-372-Фонд, 1-рўйхат, 527-йиғма жилд, 109-варақ.

¹⁰ ЎзИТТХ МДА, М-372-Фонд, 1-рўйхат, 485-йиғма жилд, 107-варақ.

¹¹ Ўз ИТТХМА, М-372-Фонд, 1-рўйхат, 527-йиғма жилд, 110-варақ.

¹² Ўз ИТТХ МА, М-372-Фонд, 1-рўйхат, 527-йиғма жилд, 110-варақ.



даги бўлимлари, мамлакатнинг барча ҳудудларидаги тез тиббий ёрдам хизмати станциялари ва санитар авиация хизматини ўз ичига олди. Соҳа ривожини йўлида амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида шошилиш тиббий ёрдам тизимида йилига 600 минг нафардан зиёд беморга стационар ва 1 миллион нафардан ортиқ беморга амбулатор ёрдам ҳамда 7 миллиондан зиёд чақириқлар бўйича хизмат кўрсатилди¹³.

2017 йилга қадар соҳада зудлик билан ҳал этишни талаб қиладиган бир қатор муаммо ва масалалар ҳам тўпланиб борди. Жумладан, шошилиш тиббиёт соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, илмий ишланмаларни ривожлантириш, малакали кадрлар, дори воситалари, тиббий ускуналар, ихтисослаштирилган автотранспорт ва алоқа воситалари билан таъминланиш даражасини яхшилаш долзарб масала бўлиб қолди. Бу эса тез тиббий ёрдам фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг амалдаги тизимини қайта кўриб чиқиш, шошилиш тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилашга доир тезкор чоралар кўриш заруратини келтириб чиқарди.

Хуллас, Соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилган ислохотларнинг узвий қисми ҳисобланган шошилиш тез тиббий ёрдам хизмати мустақиллик йилларида баъзи муаммоларнинг мавжудлигига қарамасдан, янги тизимда ўз фаолиятини бошлади. Хориждан келтирилган энг замонавий тиббий асбоб ускуналарни бошқара оладиган, тиббий кадрлар таркиби яратилди ва ўз фаолиятини олиб борди. Натижада баъзи объектив хато ва камчиликларга қарамасдан, тез тиббий ёрдам хизмати замонавий қиёфага кириб, аҳолининг унга бўлган ишончининг ортишига олиб келди. Ҳозирги кунга келиб Давлатимиз раҳбари томонидан Шошилиш тез тиббий ёрдам хизмати ривожини янги босқичга кўтариш сиёсати олиб борилди.

Таъкидлаш керакки, пандемия барчамизга тиббиётнинг бирламчи бўлини - "тез ёрдам хизмати, санитария-эпидемиология тизимини тубдан ислоҳ қилиш муҳим ҳаётий зарурат эканини яна бир бор кўрсатди".¹⁴

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг тиббиёт соҳасидаги долзарб масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилишдаги нутқи / Халқсўзи.2017 йил 13 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли Фармонининг 1-илоvasида келтирилган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси". [http:// strategy.regulation.gov.uz](http://strategy.regulation.gov.uz)

3. Ўз ИТТҲ МА М-372-Фонд, 1-рўйхат (давони), 407-йиғма жилд Т,1996

4. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси ҳисоботи (1995 йил) 5.Миразимов Д.Б., Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ

⁶ Обзор Самаркандской области за 1900 г. - Самарканд, 1901.- С.32.

⁷ Обзор Самаркандской области за 1905.-Т.,1905. -С 35.



қилиш: асосий йўналишлар ва босқичлар/ Sog'liqni saqlashni tashkil etish va boshqarish. 2010 й., 3-4 сон .-Б.21.

6. Шошилич тиббий ёрдам истиқболи/ Sihat - salomatlik. 1999 й. 3-сон. Б.3.


7. Lex.uz. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Шошилич тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг тез тиббий ёрдам хизматининг ташкил этилишида хорижий давлатлар ва йирик ташкилотлар билан ҳамкорлиги жиҳатлари, шунингдек шошилич тиббий ёрдамни ривожлантириш чора-тадбирлари ва бугунги кунда соғлиқни сақлаш соҳаси вакилларига яратилган имкониятлари ёритиб берилган.

RESUME

В данной статье описаны аспекты сотрудничества Узбекистана с крупными зарубежными организациями в сфере организации оказания экстренной медицинской помощи, а также меры по развитию экстренной медицинской помощи и возможности, которые сегодня создаются для специалистов здравоохранения.





XOTIN-QIZLAR SPORTINI RIVOJLANTIRISH- AHOLINING SOG'LOM TURMUSH TARZINI TAMINLASHNING ASOSIY VOSITASI SIFATIDA

Сарвиноз ОМОНОВА ,
Қарши давлат университети.

Калит сўзлар: интеллектуал имкониятлар, қобилият ва салоҳият, жисмоний машқлар, соғлом турмуш, гимнастика машқлар, спортни ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спорт.

Ҳозирда дунё давлатлари ўртасидаги ўзаро рақобат, куч-қудратини намойиш этиш спорт ва интеллектуал имкониятларни намойиш этишда ифодаланмоқда.

Ҳусусан, жаҳоннинг барча ривожланган давлатларида хотин-қизларга эътибор, меҳр-муҳаббат энг юқори ўринда туради. Ер юзидаги ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади¹.

Шунинг учун ҳам мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб хотин-қизларнинг ҳуқуқва манфаатларини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиб бериш, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш масаласи юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди².

Маълумки, ижтимоий турмуш ва маданий ҳаётимизда аёлларнинг ўрни беқиёс ва катта аҳамият касб этмоқда. Қадимги аجدодлар маданиятини эслаш, ўтган улуғ зотлар руҳини шод этиш мақсадида "Аёллар йили" га бағишлаб 1999 йилда Жиззахда, 2001 йилда Шаҳрисабзда (Қашқадарё вилояти) "Тўмарис ўйинлари" Республика фестивали ташкил этилди. Ҳар йили хотин-қизларнинг 8 март байрамига бағишлаб ўтказиладиган аёллар спорти декадаси ўтказиш анъанага айланиб бормоқда. Стол тенниси, бадминтон, шахмат, шашка, бадий гимнастикаваенгил атлетика спорт турлари бўйича 1 миллиондан ошиқхотин-қизларфаол иштирок этмоқда.

2004 йилда Республика хотин-қизлар қўмитаси ва Миллий Олимпия қўмитасининг ташаббуси билан "Аёл ва спорт" комиссияси иш бошлади. Унинг асосий мақсади хотин-қизлар спортини оммалаштириш варивожлантиришдан иборат. Комиссия аёллар спортини оммалаштириш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлик,гўзаллик ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи "Спорт маликаси" кўрик танлови ўтказди. Спорчи қизлар нафақат кучли ва иродали спортчи эканликларини, балки назокатли ва эпчил уй бекалари бўлишлари мумкинлигини намойиш этди.

Сўнгги йилларда давлатимиз томонидан аёллар спортини ривожланти-

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Т.: Ўзбекистон, 2018. Б. 345.

² Ўша манба. Б. 346.



ришга кучли эътибор берилмоқда. Фақатгина аёллар шуғулланадиган спорт турларига бадий гимнастика ва синхрон сузиш киради. 2004-2005 йилларда бадий гимнастика тарихида илк бор "Шарқ гўзали" Жаҳон Кубоги мусобақалари юксак даражада ўтказилди. Бунда дунёнинг энг кучли спортчилари, Олимпия важаҳон чемпионлари Алина Кабаева, Олга Капранова, Вера Сесина иштирок этдилар. Булар билан бир қаторда иштирок этган Ўзбек гимнастикчилари О.Ашаева, З.Муҳитдиновалар фахрли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлди. 1998 йилдан буён синхронсузиш бўйича "Сувпариси" халқаро мусобақалари юқори савияда ўтказилиб келинмоқда.

Охирги йилларда кўплаб спортчи хотин-қизлар халқаро мусобақаларда яхши натижаларни қўлга киритмоқда. Бундай жараён миллий спорт маданиятимизни бойитишга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ва бошқа қатор вазирликлар билан ҳамкорликда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан "Ҳарбий аёллар мусобақаси" ўтказилди.

Теннис бўйича катта ютуқларга эришган Ирода Тўлагановани эслаб ўтиш жоиз. У 1999 йилда ўсмирлар ўртасида Уимблдон турнири ғолибаси, жуфтликда Катта шлем WTA турнирининг 7 марта ғолибаси бўлган.

2005 йил ноябрда Малайзияда хотин-қизлар футбол бўйича Осиё чемпионати ўтказилиб, унда Ўзбекистон терма жамоаси ғолиб бўлди. Кураш, футбол, бадий гимнастика, спорт ўйинлари ва айниқса шарқона якка курашларда ҳам ёш иқтидорли қизлар вояга етмоқда.

2005 йилдан мамлакатимизда гимнастрада спорт тури иш бошлади. Унинг асосий фаолияти барча ёшдаги хотин-қизларнинг оммавий гимнастика чиқишларидан иборат бўлиб, бадий спорт ва умумий гимнастика машқлари ва ҳаракатларини ўзида мужассамлаштирган.

Хотин-қизларимизнинг барча спорт турларида фаол иштироклари, аёлларимиз жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлигидан далолат беради.

Кураш, шарқона якка курашлар, кикбоксинг, футбол, ҳатто оғир атлетика (тош, штанга кўтариш) спорт турлари каби эркаклар спорти билан шуғулланиш ривожланмоқда.

2006 йилда хотин-қизлар спортини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ЎЗДЖТИда хотин-қизлар учун қўшимча 221 та ўрин ташкил қилиниб, улар (91та давлат гранти, 130 та шартнома) вилоятлар бўйича тақсимлаб берилди.

Бу эса ўз ўринда хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш улар учун яхши яшаш шароитини яратиш чора-тадбирларини кучайтиришни тақоза этади. Бунда хотин-қизларнинг камҳаракатлиги, жисмоний машқларга эътибор бермаслиги асосий омиллардан бири бўлмоқда.

Хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигида таъсир қилади. Ҳар икки ҳолатда ҳам дори-дармонларга қараганда жисмоний машқлар, турли ўйин (рақс)лар билан шуғулланишмазмунлиги тажрибада исботланди. Шу сабабдан марказий шаҳарларда турли касалликларни даволаш йўлида жисмоний тарбия воситаларидан фойдаланиш, соғломлаштириш марказлари кун сайин кўпаймоқда.

"Биз мамлакатимизда истиқомат қилаётган 17 миллиондан зиёд опа-сингилларимиз, қизларимиз, онахон ва момоларимизга муносиб шароит яратиб бериш учун барча имкониятларни ишга солишимиз лозим" - деди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида.³

Президентимиз ўз сўзини давом эттириб, Олий ўқув юртларига қабул қилишда эҳтиёжманд оилалар қизлари учун грантлар сонини 2 баробарга кўпайтирилиши ва 2 минггага етказилиши, аъло баҳоларга ўқиётган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қизлар учун махсус стипендиялар жорий этилишини таъкидлаб ўтди⁴. Бунинг асосийсабаби, республикамизнинг барча вилоятлари учун олий маълумотли аёл кадрлар зарур.

Пировардида таъкидлаш лозимки, хотин-қизлар ўртасида жисмоний маданият ва спортни ривожлантириш, айниқса, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда маҳаллий миллат хотин-қизларидан Р.А.Қозиева (жисмоний тарбия тарихи), О.Собирова (сувда сузиш, марҳума), К.Т.Раҳимжонова (енгил атлетика), Р.А.Қосимова (қўл тўпи), Г.Б.Абдурасулова (қилич-бозлик) каби олимларнинг ҳиссаси каттадир. Бу каби истеъдодли олимларни кўпайтириш келажақда жуда ҳам зарурдир⁵.

Кўплаб спорт федерациялари хотин-қизлар учун махсус курслар ташкил этиб, жойларда шу спорт турини ривожлантириш учун йўриқчиларни (инструктор) тайёрламоқда⁶. Бу ўз - навбатида қизлар спортининг ривожланишига ва оммаланишига сабаб бўлмоқда.

Кўплаб қизлар профессионал спортчи бўлиб етишиб, мамлакатимиз, қитъа ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларда улкан натижаларга эришмоқда. 38 нафар қиз спортдаги ютуқлари учун Зулфия номидаги Республика Давлат мукофотида сазовор бўлгани аёллар спортига қаратилаётган эътибор намунасидир⁷.

Бугунги кунда мамлакатимизда аёллар спортини ривожлантириш билан бир қаторда, ногирон хотин-қизлар орасида ҳам спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан ҳар йили "Special olimpics", Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ақли заиф қизлар учун махсус спартакиадалар, параолимпик спартакиадаларнинг ўтказилиши бунга мисол бўла олади⁸.

Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида" Фармони⁹ ва шу асосда Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори қабул қилинган .

Муҳим томонлардан бири шундаки, Республика Халқтаълими вазирли-

³ Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь. www.president.uz

⁴ Ўша манба.

⁵ Казиева Р.И Развитие женского физкультурного движения в Узбекистане.-Т.:Ўзбекистан,1979.-С.142.

⁶ Ўзбекистон гимнастика ва синхрон сузиш федерациялари амалиётидан.

⁷ "Хотин - қизлар спорти: имкониятларваистиқболлар", Республика илмий-амалиянжумани. Бухоро, 2018. Б. 5.

⁸ Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитасининг 2004,2005,2006 йилги ҳисоботлари.

⁹ ЎзР Президентининг ПФ-3154 сонли Фармони 24.10.2002 йил,



ги ҳузурида "Болалар спортни ривожлантириш жамғармаси" фаолият кўрсатиб келмоқда.

Дарҳақиқат, юртимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқмиллат генотипини яхшилаш, баркамол авлодни вояга етказишнинг асосий востаси сифатида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бундай ғамхўрлик огушида болаларимиз ҳар томонлама соғлом, мустаҳкам иродали бўлиб вояга етмоқда. Бугунги кунда профессионал спортчиларимиз сафида, айниқса, хотин-қизлар сони тобора кенгайиб бораётгани, Ўзбекистон спорт мамлакати, ёш авлодга ғамхўр давлат, деган эътирофларга сазовор бўлаётгани бу борада олиб борилаётган амалий ишларнинг яққол исботидир.

Албатта, бунда болалар спортни ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилиб, йилдан-йилга такомиллаштирилиб борилаётгани муҳим омил бўлди. Хусусан, 2015 йил 4 сентябрда "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрирда қабул қилингани соҳа ривожини янги босқичга кўтарди, десак муболаға бўлмайдиган¹⁰.

Юртимизда спортни ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, айниқса ўсиб келаётган ёш авлодни, хотин-қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёш спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир.

Хотин қизлар ичида спортни оммалаштириш ишида бадий гимнастика турига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, У.Трофимова Франциянинг Монпелье шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб, биринчи бор спортнинг шу соҳасида Олимпиада-2012 га йўлланмани қўлга киритди¹¹. Нафиса Мўминова эса Ўзбекистонда биринчи бўлиб шахматчи-хотин қизлар ичида 2013 йилда ФИДЕ таснифидаги халқаро гроссмейстер унвонини олишга сазовор бўлди¹².

Ўзбекистонлик хотин-қизлар тоғ чанғиси спорти бўйича ҳам катта ютуқларга эришди. 2014 йилнинг 7-23 февраль кунлари Россия Федерацияси Сочи шаҳрида бўлиб ўтган қишги олимпиада ўйинларида тоғ чанғиси спортида Ксения Григорьева иштирок этди¹³.

Ўзбекистон хотин-қизлар спортида Оксана Чусовитина алоҳида ўрин эгаллайди. У ажойиб ютуқларни қўлга киритиб, 7 олимпиада ўйинлари иштирокчиси (1992, 1996, 2000, 2004, 2008, 2012, 2016) бўлди. Оксана Чусовитина бадий гимнастика спортидаги фаолияти 28 йилдан ортиқдавом этди ва бу билан Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди.

2016 йил Тошкентда дзюдо бўйича бўлиб ўтган гран-прида хотин-қизларимиздан Гулноза Матниёзова (70 кг) олтин, Диёра Келдиёрова (52 кг),

¹⁰ ЎзРВМ нинг қарорлар тўплами.-№ 374-сон, 2002.-31 октябрь.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги 2017 йил 7-февралдаги Фармони. - Т., Халқ сўзи газетаси 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сони.

¹² Новейшая история Узбекистана. Учебник под ред. д.и.н., проф. М.А.Рахимова. - Т.: Адабиёт учқунлари. 2018. стр. 304.

¹³ Ўша жойда.



Гулойм Жумабоева (52), Нодира Гулова (48 кг), Муқаддас Кубиева (48 кг), Санобар Султонова (57 кг), Кумуш Йўлдошева (78 кг) ва Раҳима Йўлдошева (78 кг) лар ҳам муваффақиятли қатнашиб бронза медалларига сазовор бўлди¹⁴.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, жумладан, чекка қишлоқларида ҳам замонавий спорт мажмуалари бунёд этишга, аҳоли орасида жисмоний тарбия ва спорт кўламини янада оширишга, айниқса, хотин-қизларни жалб этиш, машғулотлар жараёни учун юқори малакали аёл кадрлар тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кураш" миллий спорт турини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 2 октябрдаги ПҚ-3606-сонли Қарорини қабул қилингани ўқувчи, талаба қизлар ўртасида "Кураш" миллий спорт турини янада оммалаштириш, ўқувчи, талаба-ёшларда кураш машғулотлари ва мусобақалари орқали миллий ифтихор ва ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш, шунингдек, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиб, ўқувчи, талаба спортчиларни жаҳон спорт майдонида юқори натижаларга эришишида муҳим аҳамият касб этади.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва 2017 йил 7 февралда тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясида оналик ва болаликни муҳофаза этиш, ..аёллар ва қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, улар орасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш билан боғлиқчора тадбирлар қамраб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги "Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5368-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги "Футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги ПҚ-3610-қарори мамлакатимиз жисмоний тарбия ва спорт соҳаси, жумладан юртимиз футбол мутасаддилари учун улкан имкониятларни яратиб берди. Ушбу қарор ва фармонларни ижроси ўлароқ юртимиз спорти, айниқса футболда истиқболли ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Қиз болаларимизни оммавий спортга жалб этиш борасида амалий ишларимиз жуда кўп. Чунки қизларимиз тимсолида бўлгусионаларни, халқимиз, миллатимизнинг умиди ва таянчи ҳисобланган келажак авлодни дунёга келтириб, вояга етказадиган наслимиз давомчиларини кўрамиз. Қиз бола соғлом ва бахтли бўлса у қурадиган оила ҳам, унинг меваси бўлмиш бола ҳам соғлом ва бахтли бўлади¹⁵.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимизнинг хотин-қизлар ва болалар спорти-

¹⁴ Новейшая история Узбекистана. С. 305.

¹⁵ "Халқсўзи", 2016йил 12 февраль



ни ривожлантиришга қаратаётган эътибори туфайли, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи одатий ҳаёт тарзига айланиб бормоқда.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Т.: Ўзбекистон, 2018. Б. 345.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь. www.president.uz
3. Казиева Р.И Развитие женского физкультурного движения в Узбекистане. -Т.: Узбекистан, 1979. - С.142.
4. Ўзбекистон гимнастика ва синхрон сузиш федерациялари амалиётидан.
5. "Хотин - қизларспорти: имкониятлар ва истиқболлар", Республика илмий-амалий анжумани. Бухоро, 2018. Б. 5.
6. Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитасининг 2004, 2005, 2006 йилги ҳисоботлари.
7. ЎзР Президентининг ПФ-3154 сонли Фармони 24.10.2002 йил,
8. ЎзРВМ нинг қарорлар тўплами. - № 374-сон, 2002. - 31 октябрь.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги 2017 йил 7-февралдаги Фармони. - Т., «Халқ сўзи» газетаси 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сони.
10. Новейшая история Узбекистана. Учебник под ред. д.и.н., проф. А.Рахимова. - Т.: Адабиёт учқунлари. 2018. стр. 304.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада хотин-қизлар спортини ривожлантириш ҳамда аҳолини соғлом турмуш тарзини таъминлаш бўйича муҳим маълумотлар келтирилган. Бундан ташқари мақолада хотин-қизлар спорти ва аҳоли соғлом турмуш тарзини ривожлантириш юзасидан ҳозирги кунда амалга оширилган бир қанча чора тадбирлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида спортни ривожлантириш соғлом турмуш тарзини таркиб топтириш масаласи давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Хусусан бу даврда хотин-қизлар спортини ривожлантириш бўйича ҳам ката чора тадбирлар олиб борилди. Натижада ўзбекқизлари жаҳон спорт ареналарида юқори ўринларни эгаллаб келмоқда.

RESUME

This article provides important information on the development of women's sports and a healthy lifestyle. The article also discusses a number of measures currently being taken to promote women's sports and a healthy lifestyle. During the years of independence of Uzbekistan, the development of sports and the formation of a healthy lifestyle has become one of the main directions of state policy. In particular, during this period, great efforts were made to develop women's sports. As a result, Uzbek girls occupy high positions in world sports arenas.



ROSSIYA IMPERIYASIDA PASSPORT TIZIMINING SHAKLLANISH TARIXI

Улуғбек УМАРОВ,
Самарқанд давлат университети

Калит сўзлар: паспорт, шахс, фуқаро, қонунлар, шаҳар, давлат, империя, ҳудуд, чегара, исм- шариф, йўловчи, рўйхатга олиш.

Сўнги вақтларда паспорт ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни ўрганишга бўлган қизиқиш сезиларли равишда ошди. Бунга ёрқин мисол сифатида Жейн Каплан ва Эдвард Хиггс раҳбарлигидаги, бош мақсади шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни ўрганиш бўлган шахсни индивидуал ҳужжатлаштириш: 1500 йилдан тарихий ва қиёсий истиқбол (Documenting Individual Identity: Historical and Coparative Perspectives since 1500 (IdentiNet)) халқаро лойиҳасини келтириш мумкин.¹

Мазкур жараёнлар Россияни ҳам четлаб ўтмади, бироқ ўзига хос хусусиятлар ҳам мавжуд эди. Россияда паспорт тарихи асосан солиқ қонунчилиги ривожланиши асносида кўриб ўтилган. Фақатгина, яқин йилларда айнан паспорт ва паспорт тизимини ўрганишга йўналтирилган ишлар пайдо бўлди. Бу ишлар сирасига 2017 йил Санк-Петербургда чоп этилган совет паспорти тарихи ҳақидаги мавзунини ўрганишимизда муҳим аҳамият касб этади.² Россияда паспорт тарихини тадқиқ этган М.Мэтьюза тадқиқотларини ҳам киритиш мумкин. Шу билан бирга 2007 йилда В.Г.Чернух томонидан нашр этилган фундаментал тадқиқотни ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш керак, чунки мазкур тадқиқотда архив ҳужжатлари ва нашр этилган манбалар асосида Россияда паспортнинг 1719 йилдан 1917 йилгача бўлган тарихи ўрганилган.³ Совет давлати паспорти эса анча кейин (1990 йиллардан архив фондларидан фойдаланишга руҳсат этилгач) илмий жиҳатдан ўрганила бошланди.⁴

Паспорт тарихида икки асосий йўналишни ажратиш мумкин. Улардан бири у ёки бу ҳудуд чегарасини кесиб ўтиш вақтида зарур бўладиган руҳсат этувчи ҳужжатларнинг тарқалиши билан боғлиқ бўлса, иккинчиси- эгасини шахсини аниқлашга йўналтирилган ҳужжатларнинг кашф этилиши ва амалда бўлиши билан боғлиқдир. Паспортга муқобил бўлган, чегараларни кесиб ўтишда зарур бўлган ҳужжатлар энг қадимги манбаларда ҳам учрайди. Бу каби ҳужжатларнинг пайдо бўлиши ва ишла-

¹ Байбурун А. Советский паспорт: история-структура-практика. Санкт-Петербург, 2017. -29 с.

² Байбурун А. Советский паспорт: история-структура-практика. Санкт-Петербург, 2017. -29 с.

³ Байбурун А. Советский паспорт: история-структура-практика. Санкт-Петербург, 2017. -30 с.

⁴ Байбурун А. Советский паспорт: история-структура-практика. Санкт-Петербург, 2017. -31 с.



тилиши афтидан илк давлатларнинг чегараларини белгилаб олишидан ташқари ҳукмдор томонидан "бегона"ларнинг ўз ҳудудди бўйлаб ҳаракати устидан назорат ўрнатиши билан боғлиқдир.⁵

Европа давлатларида паспортларнинг тарқалиши жамиятнинг XV-XVII асрлар давомида анъанавий турмуш тарзидан ривожланган босқичга ўтиши билан тасвирланади. Бу ўзгаришлар инсоннинг шахсийлашиши ва унинг хулқ-атворини мақбуллаштириш, алоқа қилишнинг ёзма шаклининг кенг тарқалиши, ҳисоб-китоб ва режалаштириш, давлатнинг ўз қўли остидагиларни билвосита назорат қилинишини ишлаб чиқиши билан боғлиқ. Паспортлар, аниқроғи унинг илк муқобиллари бевосита яъни чегарани кесиб ўтиш учун ва қашшоқлар, дайдилар ва жинойтчиларга қарши курашишда фойдаланилган. XV асрда Германияда, кейинроқ эса Европанинг бошқа давлатларида паспортларнинг кенг тарқалиши нафақат савдо алоқаларининг ўсиб бориши, зиёратчиларнинг кўпайиши билан, балким ижтимоий ҳаётда дайдилар ва қочоқлар сонини ортиши билан боғлиқдир. Паспорт ўзини дайдилар сафида кўришни истамаганлар учун имтиёз бўлиб хизмат қилди, яъни паспортда химоя қилиш функцияси пайдо бўлди ва у ўзига хос химоя ёрлиғи вазифасини ўтай бошлади.⁶

Ўрта асрларда "паспорт" сўзи шаҳар дарвозасидан ўтишга руҳсат маъносини аниқлатган. Бу сўз Россияда XVIII аср бошларига келиб кундалик ҳаётда ишлатила бошланди, лекин бу мазкур турдаги ҳужжатлар мавжуд бўлмаганлигини аниқламайди. Чет элликлар (энг биринчи навбатда савдогарлар)нинг Россия ичида ҳаракатланиши учун қатнов ва ўтиб кетиш ёрлиқлари берилган. Бу ҳужжатлардан фойдаланиш XVI аср охири- XVII аср бошларида кузатилган ва улар 1719 йилда император Пётр фармони билан расман амалиётга жорий этилган. Бу ёрлиқлар одатда қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган: исми (номи), қаердан келди, қаерга кетаяпти, унвони(машғулоти), у билан бирга кетаётган оила аъзолари ҳақида маълумот.⁷

Афтидан ажнабийлар учун ўтиб кетиш ёрлиқларидаги маълумотлар россиялик фуқаролар учун ҳам намуна бўлган. Подшо Алексей Михайловичнинг 1649 йилдаги қонунлар тўпламига кўра чет элга кетаётган ҳар бир фуқаро қатнов ёрлиқларига эга бўлиб, бу каби ҳужжатлар уларга воеводалар томонидан кечикритилмасдан берилиши керак эди. Бу турдаги ҳужжатларнинг барчасида: исм, шариф (отасининг исми), яшаш жойи, қаердан ва қаерга кетаётганлиги кўрсатилган.

Умуман олганда шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар билан "ажнабийлар" ҳам ва чет элга кетаётганлар ҳам таъминланган. Шу билан бирга "ўз" фуқаролари орасида "номаълум" тоифага мансуб кишилар бўлган ва уларга қочоқ қуллар, дайдилар ва қашшоқлар кирган. Шунинг қайд этиш керакки айнан шу тоифадаги кишиларни тинимсиз тақиб этилиши аҳолини ҳисобга олиш ва унинг ҳаракатини назорат қилишни мукаммаллаштиришга туртки бўлган асосий омил эди. Бўлажак "ички" паспортларнинг илк намуна-

⁵ Байбурун А. Советский паспорт: история-структура-практика. Санкт-Петербург, 2017. -38с.

⁶ Байбурун А. Советский паспорт: история-структура-практика. Санкт-Петербург, 2017. -39с.

⁷ Байбурун А. Советский паспорт: история-структура-практика. Санкт-Петербург, 2017. -41с.



лари сифатида таътил ёрлиқларини кўрсатиш мумкин. Бу каби ёрлиқлар чегарани кесиб ўтиш учун эмас, балким мамлакат ичида ҳаракат қилиш имконияти учун берилган. 1497 йилги қонунлар тўпламида таътил ёрлиқларини бериш тартиби қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилди.⁸

XVIII аср бошларида кишининг шахсини аниқлаш учун қандай маълумотлар зарурлиги борасида асосий тасаввурлар ишлаб чиқилди. Кишининг жисмоний кўриниши ҳақидаги маълумотларнинг ҳам асосий маълумотлар сирасига киритилиши паспортнинг шахсни тасдиқловчи хужжат сифатида шаклланишидаги катта қадам эди.⁹

Россиядаги замонавий паспорт тизимига Пётр I даврида асос солинган деб ҳисобланади. 1719 йил 30 октябрдаги фармонда биринчи мартаба шахсни тасдиқловчи хужжатга нисбатан "паспорт" сўзи (аниқроғи пашпорт) қўлланилган. Мазкур фармон армия ва флотда кенг тарқалган дезертирликни яъни ҳарбий хизматдан бўйин товлашни олдини олишга қаратилган эди. Дезертирликни яъни ҳарбий хизматдан бўйин товлашни ўзи эса бирор узрли хужжатсиз (паспортсиз)лик билан аниқланар ва жуда шафқатсиз жазоланарди. Шунини қайд этиш керакки XVIII аср бошларида нафақат доимий армиянинг тузилиши, балким кўпгина солиқлар бекор қилиниб ягона жисмоний солиқнинг жорий этилиши билан шахсни тасдиқловчи хужжатларнинг аҳамияти ошиб кетди. 1724 йил 26 июндаги фармон (Плакат) бутун Россия фуқароларига тегишли эди. Ҳар бир солиқ тўловчи фуқаро ўзи яшаб турган жойидан шу ҳудуд учун солиқ йиғишга жавобгар бўлган киши (ер комиссари ва шу ҳудудга бириктирилган ҳарбий қисм командири)нинг руҳсати билан бошқа жойга кўчиши мумкин эди. Бу каби руҳсат берувчи хужжатлар ўтказиш номалари деб айтила бошлади. Уч йилгача бўлган муддатга берилган ўтказиш номалари "қўйиб юборилган" кишининг белгиларини ўзида акс эттириши шарт эди.¹⁰

Паспортлар ер комиссарлари томонидан тузилган ва паспорт олувчининг солиғини қабул қиладиган полкнинг муҳри билан тасдиқланган. Паспорт қўйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак эди: исми, даражаси, белгиси, йўқ бўлиш муддати, қаердан ва қаерга жўнаётганлиги. Бироқ, афтидан "ўғри"(сохта) номалар кенг тарқалиб кетган. Шунинг учун ҳам "Плакат" қабул қилинганидан бир ярим йил ўтиб 1726 йил 1 февралда Екатерина I фармонида муҳри паспортлар ҳақида сўз борган. Қўлда ёзилган паспорт шаклидан босма шаклга ўтишнинг аҳамияти беқиёс эди. Бу энг биринчи навбатда босма усулдаги паспортни сохталаштириш мураккаб эканлиги билан эмас балким ички паспортни ягона ва бир шаклга келиши билан боғлиқдир. Ундан ташқари босма паспорт хужжатнинг бутунлай бошқача мақомга эга эканлигини белгилаб берди-энди қўлда ёзилган қоғозга нисбатан "давлат қоғозига" муносабат бутунлай ўзгарди.¹¹

⁸ Байбури А. Советский паспорт: история-структура-практика. Санкт-Петербург, 2017.-42с.

⁹ Чернуха В. Г. Паспорт в России. 1719-1917 гг. СПб.: Лики России, 2007.-56 с.

¹⁰ Анисимов Е.В. Податная реформа Петра I: Введение подушной подати в России. 1719-1728гг. Л.: Наука, 1982.-66 с.

¹¹ Байбури А. Советский паспорт: история-структура-практика. Санкт-Петербург, 2017. -45с.



XIX аср бошларидаги фармонлардан бирида (1805 йил 23 октябр) расмий "Қайдномалар"да йўқотилган паспортлар ва қочоқ "пашпортсиз кишилар" ҳақида маълумот бериш буюрилган эди. Паспортларнинг ишлатилиши бир мунча тартибга келтирилди. Паспорт эгасининг мажбурий равишда қайт этилиши керак бўлган маълумотларига қаторига 1812 йилдан бошлаб янги банд, оилавий аҳволи банди киритилди ва у бир сўз билан ифодаланиши керак эди: уйланган, ажрашган ва ажрашган бўлса қайси никоҳдан кейин. Бу маълумотларнинг паспортга киритилиши рўйхатда турган кишилар гуруҳини кенгайтирди ва паспортга хотин ва болалар ҳақида маълумотлар киритила бошланди.¹²

Император Николай I даврига келиб шахсни тасдиқлаш учун зарур бўлган маълумотлар кенгайиб борди. Амалдорлар учун паспорт вазифасини ўтаган формуляр рўйхатига "диний эътиқоди" банди киритилди. Болшвеклар ҳокимият тепасига келиб Советлар ҳокимият тепасига келгунга қадар кишининг эътиқоди унинг этник белгиларидан кўра муҳимроқ белги сифатида қаралган.¹³

Россияда бу тизимга жавобан паспорт тизимини кучайтирилиши билан муносабат билдирилди. Йўловчилардан нафақат паспортини кўрсатиш, балким уни юбораётган томон сафарга қарши эмаслиги ҳақида полициядан махсус гувоҳнома талаб қилинди. Лекин бу тартиб узоқ сақланиб қолмади, чунки у йўловчиларга кўплаб ноқулайликлар туғдирди. Хукумат паспорт тизимини бир қадар енгиллаштирди ва Александр II темирйўл чипталари сотиб олишда хужжат талаб қилишни бекор қилди.¹⁵

XIX аср иккинчи ярмига келиб улкан ва чалкаш паспорт тизими Россия ривожига катта тўсиқ эканлиги маълум бўлди. Александр II С.С.Ланский раҳбарлигида Паспорт комиссиясини тузади ва унинг асосий мақсади амалдаги паспорт тизимини енгиллаштириш эди. Бироқ паспорт тизимига кўпгина нарсалар боғланиб қолганлиги аён бўлди: жамиятнинг ижтимоий табақаланиши, солиқ қонунчилиги, армияни шакллантиришда ёллаш тизими ва бошқалар.¹⁶

Лекин бу вақтга келиб давлат маъмурий аппарати шахсни хужжатлаштириш масаласида жуда катта тажрибага эга эди ва амалда туб ўзгаришларга тайёр эди. Шу билан бирга у бошқа соҳаларда ҳам йирик ўзгаришларни амалга оширди ва армияда ёллаш тизимидан воз кечилди ва умумий ҳарбий мажбурият жорий этилди ва бу жараён 1875 йилда ниҳоясига етди. 1861 йилги ислохотлардан кейин ёлланма ишчи кучидан фойдаланиш масаласи муҳим аҳамият касб эта бошлади. Айни шу вақтда биринчи марта паспортлар ўрнига меҳнат дафтарчасини киритиш борасида фикрлар билдирилди.¹⁷

1903 йилдан "Паспортлар ҳақидаги устав"га асосан Россия фуқароларига амал қилиш муддати турлича бўлган яшаш гувоҳномаси берила бошланди.

¹² Чернуха В. Г. Паспорт в России. 1719-1917 гг. СПб.: Лики России, 2007. - 99 с.

¹³ Байбурун А. Советский паспорт: история-структура. Санкт-Петербург, 2017. - 54-55 с.



Шу вақтдан бошлаб паспорт тизими учун жавобгар бўлган ягона орган Ички ишлар вазирлиги бўлиб қолди. Айнан Полиция департаменти негизда И.Н.Дурнов бошчилигидаги Комиссия томонидан паспортларнинг мажбурий эмаслиги борасидаги лойиҳа тайёрланди. 1905 йилга келиб бу гоё етарлича қўллаб-қувватланмади, лекин орадан ўн йил ўтиб Полиция департаменти хузурида унинг вице-директори К.Кафафов раҳбарлигидаги Кенгаш паспортга эга бўлиш мажбурияти эмас, балким ҳуқуқи гоёсини қўллаб-қувватлади.

Охирги йигирма йилликда Россия империясидаги асосий шахсни тасдиқловчи хужжат "паспорт китобчаси" эди. Бу гувоҳнома ўз эгаси ҳақидаги қуйидаги маълумотларни ўз ичига оларди:

Фамилия, исми, шарифи; Унвони; Туғилган вақти ёки ёши;

Диний эътиқоди; Доимий яшаш жойи; Никоҳда турган ёки турмаганлиги; Ҳарбий хизматга муносабати. Паспорт китобчаси берилишига асос бўлган хужжат; Китобча эгасининг имзоси; агар китобча эгаси саводсиз бўлса у ҳолда унинг белгилари: бўйи, сочининг рангги, алоҳида белгилари; паспорт китобига киритилган шахслар (хотин, болалар); Ҳарбий хизмат, жамоа ёки оилавий аҳволида бўлган ўзгаришлар .

Кейинчалик Россия империясида паспорт тизимининг шаклланиши барча аҳолини паспорт билан қамраб олишга ва аҳолини тўлиқ рўйхатга олишга қаратилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Анисимов Е. В. Податная реформа Петра I: Введение подушной подати в России. 1719–1728 гг. Л.: Наука, 1982.
2. Байбурун А. Советский паспорт: история-структура-практика. Санкт-Петербург, 2017
3. Денисова Л. Н. Русская крестьянка в советской и постсоветской России. М.: Новый хронограф, 2011.
4. Чернуха В. Г. Паспорт в России. 1719–1917 гг. СПб.: Лики России, 2007.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада паспорт ва шахсни тасдиқловчи хужжатларнинг ўрганилиш тарихи, дастлабки паспортларнинг вужудга келиши масалалари баён қилинган. Европа мамлакатлари ва Россия империясида илк паспорт тизимининг шаклланиш жараёни илмий адабиётлар асосида ёритилган.

RESUME

In the article is discussed the history of the study of passports and identity documents, the origin of the first passports. The formation of the first passport system in the countries of Europe and the Russian Empire is covered on the basis of scientific literature.

¹⁵ Байбурун А. Советский паспорт: история-структура-практика. Санкт-Петербург, 2017.-58с.

¹⁶ Байбурун А. Советский паспорт: история-структура-практика. Санкт-Петербург, 2017.-59с.

¹⁷ Чернуха В. Г. Паспорт в России. 1719-1917 гг. СПб.: Лики России, 2007.-104с.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BILAN XITOIY XALQ RESPUBLIKASI INTEGRATSIYA MUNOSABATLARINING YANGI BOSQICHGA KO'TARILISHI

Нафиса АХМАДОВА
Қарши давлат университети

Калит сўзлар: Таянч сўз ва иборалар: Ўзбекистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, интеграция, ташқи сиёсат, давлат ташрифи, етакчи ишбилармонлар, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқалар, стратегик шерик.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири Шарқ ва Тинч океани ҳавзаси давлатлари билан алоқалар ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган. Бу давлатлар орасида Хитой Халқ Республикаси (ХХР) билан давлатлараро алоқа ўрнатиш алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритган дастлабки пайтлар-даёқ Ўзбекистон ва Хитой ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 1992-йил 2-3-январь кунлари ХХР ташқи иқтисодий алоқа ва ташқи савдо вазири Ли Ланзин Тошкентда бўлиб, шу кунлари икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди, элчихоналар очишга қарор қилинди.

1992 - йил 12-14-март кунлари Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг ХХР га давлат ташрифи икки давлат ўртасидаги ҳамкорликка асос солди. Ташриф чоғида ҳамкорликнинг турли соҳалари бўйича 20 га яқин ҳужжатлар имзоланиб, улар орасида илмий-техникавий, қишлоқ хўжалигида ҳамкорлик, сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида битимлар мавжуд эди. 1994 йил 18-20-апрель кунлари ХХР давлат Кенгашининг раиси Ли Пеннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи пайтида Ўзбекистон билан Хитой ўртасида кредит, халқаро иқтисодий ҳамкорлик, ҳаво транспорти алоқаларини йўлга қўйиш бўйича ҳукуматлараро битимлар имзоланди. Хитой томони Ўзбекистонда тайёрланаётган "ИЛ-76 ТД" ва "ИЛ-114" самолётларини харид қиладиган бўлди. 1994 йил 24-25-октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов Хитойга иккинчи марта расмий сафар қилди ва муҳим аҳамиятга молик бўлган ҳужжат-"Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида ўзаро муносабатларнинг асосий тамойиллари, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида баённома" имзоланди. Шунингдек, икки давлат ўртасида консуллик шартномасига қўл қўйди. Ислон Каримовнинг 1999 йил 8-10-ноябрь кунлари ХХРга учинчи марта сафари чоғида сиёсат, иқтисодиёт, маданият, телекоммуникация соҳаларида ҳужжатлар имзоланди. Икки томонлама алоқалар янада кенгайди. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган 78 та Ўзбекис-



тон-Хитой қўшма корхонаси икки давлат ўртасида ҳамкорликнинг ривожланиб бораётганининг далилидир.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов шундай таъкидлаган эди: "Хитой билан яхши, тенг ҳуқуқли муносабат ўрнатмоқчимиз, буюк қўшнимиз билан ҳамжиҳатликда эришмоқ ниетидамиз. Унинг фойдали тажрибасини ўрганиб, қабул қилмоқчимиз. Хитой билан ўзаро муносабатларимиз тарихида янги саҳифа очилди. Мазкур буюк мамлакат билан ўзаро манфаатли алоқаларни янада ривожлантириш учун яхши асос солинди" .

2014 йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича Кенгашнинг Шанхай шаҳрида ўтказилган IV саммити йиғилишидаги иштироки давомида Хитой Халқ Республикаси раиси Си Сзинпин билан икки томонлама учрашув ўтказди. Ислом Каримовнинг 2014-йил 19-20-август кунлари ХХРга қилган давлат ташрифи ўзбек-хитой муносабатлари ривожининг муҳим босқичи бўлди ва ташриф доирасида икки давлат раҳбарлари томонидан 2014-2018 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш дастури қабул қилинди.

Ўзбекистон - ХХР ўртасида фан, таълим ва маданий алоқалар ҳам ривожланиб бормоқда. "Ўзбекистон - Хитой дўстлик жамияти", "Хитой маданий маркази" ва "Конфуция маркази" нинг Тошкентда очилиши, Ўзбекистон Фанлар академияси ва ХХР ижтимоий Фанлар академияси ўртасида имзоланган битимлар, томонлар орасида талабалар ва мутахассислар алмашиш ишлари бунга яққол мисол бўла олади.

Ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ҳуқуқий базасини 2005 йилда имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартнома, 2010 йилдаги Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатларини ҳар томонлама чуқурлаштириш ва ривожлантириш тўғрисидаги қўшма декларация, 2012 йилдаги Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги Қўшма декларация, 2013 йилдаги икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация, 2014-2018 йилларга мўлжалланган Стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш дастури ҳамда 2016 йилда имзоланган қўшма баёнот ташкил қилади.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон ва Хитой алоқалари жадал суратларда ривож топиб, тараққиётнинг юқори босқичига чиқди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Сзинпиннинг таклифига биноан 2017 йил 11-15-май кунлари давлат ташрифи билан Хитойга борди.

Ўзбекистон - Хитой ҳамкорлик муносабатлари кенг қўлам касб этиб, стратегик шериклик алоқалари юксак даражага кўтарилмоқда. Мамлакатларининг миллий манфаатлари, ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, жаҳондаги нуфузи юксалишига хизмат қиладиган бу алоқалар анъанавий ўзаро



дўстлик, мустаҳкам ишончга асосланган ҳамкорлик негизда тобора тараққий этмоқда.

Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва маданиятига юксак ҳурмат кўрсатиб, 2016 йил Бухорога борганингиз, аждодларимиз қолдирган бой маданий меросга катта қизиқиш билдирганингиздан хурсандмиз. Ўзбекистон Хитойни қадимий тарих ва ноёб маданият, улкан салоҳиятга эга, жаҳон иқтисодиётининг етакчиларидан бўлган ва ўз мақсадлари йўлида қатъий бораётган мамлакат сифатида билади, деди Шавкат Мирзиёев .

Хитой Ўзбекистон иқтисодиётига энг кўп инвестиция киритаётган давлатлардан биридир. Мамлакатимизда Хитой капитали иштирокидаги 700 дан зиёд компания ва корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йиллар давомида хитойлик сармоядорлар Ўзбекистон иқтисодиётига қарийб 7,8 миллиард доллар миқдорида инвестиция киритган.

Музокараларда иқтисодий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари атрофича муҳокама қилинди. Музокаралар якунида Шавкат Мирзиёев ва Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги Қўшма баёнотни имзолادилар. Ушбу сафар чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси пойтахти Пекин шаҳрида 201714-15-май кунлари бўлиб ўтган "Бир макон, бир йўл" халқаро форумида иштирок этиб, юртбошимиз сўзга чиқиб, ҳамкорликнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этишни таклиф этди:

биринчидан, "Бир макон, бир йўл" концепциясини минтақавий тараққиётга оид аниқ дастур ва лойиҳалар билан бойитиш керак;

иккинчидан, Марказий Осиёни Хитой ва Россия орқали Жанубий, Жануби-шарқий Осиё ва Европа давлатлари билан боғлайдиган транспорт-логистика йўналишларини ташлик этишда Ҳамкорлик бўйича комплекс ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш лозим;

бизнингча, "Бир макон - бир йўл" транспорт коридорининг кенг тармоғига Покистон ва Эроннинг Ҳинд океанидаги бандаргоҳларига чиқадиган Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон-Афғонистон темир йўл магистралини бирлаштириш мумкин;

учинчидан, транспорт-коммуникация коридорини ривожлантириш билан бирга, аввало, юқори технологиялар соҳасидаги қўшма лойиҳаларни амалга оширишга эътибор қаратиш зарур;

тўртинчидан, "Ипак йўли иқтисодий йўналиши" ташаббусини самарали амалга ошириш учун, бизнингча, "макон ва йўллар" концепциясидан жой оладиган ҳамкорлик бўйича дастур ва лойиҳаларни қабул қилиш мақсадида минтақалараро даражада бизнес ҳамжамиятлар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқотни ҳар томонлама рағбатлантириш зарур;

бешинчидан, "Ипак йўли иқтисодий йўналиши" ташаббусининг амалга оширилиши нафақат иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, балки маданий-гуманитар алоқаларимизни мустаҳкамлаш, мавжуд улкан сайёҳлик



салоҳиятидан фаол фойдаланишга қаратилиши лозим.

Биз қайта тиклаётган Буюк ипак йўлида Самарқанд, Бухоро, Хива каби бир неча минг йиллик тарих ва бой маданиятга эга бўлган шаҳарлар жойлашган .

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йилнинг 7-май куни Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан телефон орқали мулоқот қилди .

Давлат раҳбарлари коронавирус инфекциясига қарши давом этаётган курашнинг энг мураккаб даврида кўрсатилган ўзаро кўмак ва гуманитар ёрдамни катта мамнуният ва миннатдорлик билан қайд этдилар.

Икки мамлакатнинг соғлиқни сақлаш ва санитария-эпидемиология назорати соҳасидаги идоралари ўртасида фаол алмашинувларни давом эттиришга келишиб олинди .

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 2020 йилнинг 4-ноябрь куни Шанхай шаҳрида "СИИЭ - 2020" Импорт маҳсулотлари учинчи Хитой халқаро кўргазмасининг очилиш маросими иштирокчиларига видеоалоқа орқали мурожаат йўлади .

Президентимиз ўз нутқларида : "Биринчидан, Ўзбекистонда миллий иқтисодийetni, шу жумладан, ташқи савдо режимини либераллаштириш изчил амалга оширилмоқда.

Норматив-ҳуқуқий базамизни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш борасида фаол иш олиб бормоқдамиз. Божхона-тариф, фискал тартибга солиш ва экспорт-импорт процедуралари механизмларини такомиллаштиряпмиз, уларни сезиларли даражада соддалаштиряпмиз, "яшил йўлаклар"ни шакллантириш давом этмоқда.

Икки мамлакат бозорларида талаб юқори бўлган маҳсулотлар номенклатурасини келишиш ва уларни ишлаб чиқариш лойиҳаларига инвестициялар йўналтирилишини рағбатлантириш таклиф этилади.

иккинчидан, транспорт соҳасидаги ҳамкорликни кучайтириш муҳим йўналиш ҳисобланади. Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон янги мультимодал транспорт йўлаги очилганини олқишлаймиз, ушбу маршрут бўйлаб темир йўл қуриш лойиҳасини тезлаштириш тарафдоримиз.

учинчидан, Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ўзининг индустриал тараққиётини жадаллаштирмоқда. Биз ҳом ашё экспортини қисқартириш, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва кўпайтириш сиёсатини амалга оширяпмиз.

Шу мақсадда саноат кооперацияси бўйича қўшма дастур қабул қилишни ҳамда қўшма инвестиция фондлари, сармояларни кафолатлаш ва сугурталаш каби воситалар ёрдамида икки мамлакат бизнес вакилларини аниқ лойиҳаларни амалга оширишга рағбатлантиришни таклиф этамиз.

тўртинчидан, Пандемия муносабати билан иқтисодийetni рақамлаштириш жараёнларини тезлаштириш алоҳида долзарб аҳамият касб этади. Ха-



лқаро савдо, божхона расмийлаштируви, транспорт таълим соҳаларига ахборот технологияларини кенг жорий этиш бўйича қўшма чора-тадбирларни ишлаб чиқишни таклиф этамиз .

Бешинчидан, СОВИД-19 пандемияси билан боғлиқ вазият глобал кун тартибининг асосий масаласи бўлиб қолмоқда. Ушбу инқироз узоқ давом этиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шу муносабат билан тиббиёт соҳасидаги ҳамкорликни, пандемия ва транс-чегаравий тусдаги эпидемиологик таҳдидларга қарши курашишда тажриба алмашишни кучайтиришни таклиф этамиз.

Ўзбекистон Хитой Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиб кирди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси давлатлари ўртасидаги муносабатлар ҳар томонлама мустаҳкамланиб, ривожланишнинг янги босқичига кўтарилмоқда. Иқтисодий соҳасидаги келишувлар ҳар икки давлатнинг иқтисодини ривожлантирмоқда. Фан- таълим соҳасидаги ютуқлар ҳам катта аҳамиятга эга. Тиббиёт соҳасида ҳам турли хил битимлар имзоланмоқда, кадрлар малакасини ошириш мақсадида турли хил грандлар эълон қилинмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Интернет тизим тармоқлари. www.ziynet.uz.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т.: "Ўзбекистон", 1992. 165-б.
3. "Халқ сўзи" газетаси. 2017-йил 16-май.
4. Мирзиёев Ш.М. "Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз" -Т. "Ўзбекистон"- 2017-йил, 408-410-бетлар.
5. "Халқ сўзи" газетаси, 2020-йил 8-май.
6. Ўша жой.
7. "Халқ сўзи" газетаси .2020 йил 5-ноябрь.
8. Ўша манба.

Резюме

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Хитой Халқ Республикаси билан савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар муносабатлари ёритилган, таҳлил этилган ҳамда тегишли хулосалар берилган.

Summary

Development of relations between Uzbekistan and KNR. The relations of the Uzbekistan with KNR, mutual exchange, cultural communication, analyzed and given relevant conclusions.



O‘ZBEKISTONDA ICHKI ISHLAR ORGANLARI TIZIMIDAGI ISLOHOTLAR

Жасур МАХМАТҚУЛОВ

Қашқадарё вилоят ИИБ ЖҚБ тезкор ходими.

Калит сўзлар: Мустақиллик, Ички ишлар органлари, Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби, ИИБ Академияси, ислохотлар, ҳуқуқий асос, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, идоралараро қўшма қарорлар, идоровий ҳужжат.

Бугунги кунда дунё бўйича кўплаб давлатларида турли кўринишда содир бўлаётган тартибсизликлар, хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, гиёҳвандлик, уюшган жиноятчилик, киберхуружлар, ёшлар ўртасида ахлоқий бузилиш ва турли салбий гоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги давлатлар олдига ички ва ташқи хавфсизликни таъминлаш масаласини долзарб қилиб қўймоқда. Хусусан, Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида ҳам "жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, диний экстремизм ва терроризмга, уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш" ҳақида фикр билдирилади¹.

Ўзбекистонда Ички ишлар идораларининг фаолиятини такомиллаштириш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги Қонуннинг 2 қабул қилиниши бу тизимда ўтказилаётган ислохотларда муҳим аҳамиятга эга бўлди². Ички ишлар органларида олиб борилаётган ўзгаришлар жараёнида унинг тарихини тадқиқ этиш, фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилиш ҳамда тегишли хулосалар чиқариш ушбу тизимда олиб борилаётган ислохотларнинг узвийлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомил-

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда. <https://lex.uz/docs/3107036>.

² Ўзбекистон Республикасининг қонуни: Ички ишлар органлари тўғрисида// Халқ сўзи. 2016 йил 17 сентябрь.



лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сон "Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ-3413-сон "Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг эълон қилиниши соҳада амалга оширилаётган ислохотларда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Умуман мустақиллик йилларида ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислохотларни шартли равишда 3 босқичга бўлиш мумкин:

1-босқич. 1991-1998 йиллар. Бу даврда давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши ва ўтиш даврида ички ишлар органларининг моддий-техник аҳволини яхшилаш, малакали миллий кадрлар тайёрлаш тизимини жорий этишга қаратилган дастлабки ўзгаришлар амалга оширилди.

1991 йил 25 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 270-сонли қарори³ асосида Ўзбекистон ССР иттифоқ-республика ИИВ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига айлантирилди. Қарор билан вазирлик Низоми ва структураси тасдиқланди. Кейинчалик ушбу сана мамлакатимизда ички ишлар органлари ходимлари куни сифатида белгиланди.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даври ҳукм сурарди. Ҳар бир соҳада бўлгани каби, ички ишлар органлари тизимида ҳам кенг қамровли ишлар, улкан вазифалар, ечимини кутаётган муаммолар мавжуд эди. Бундай вазиятдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга урунган айрим кимсаларнинг ноқонуний қилмишлари натижасида гиёҳвандлик, диний экстремизм, босқинчилик каби оғир жиноят турларининг сони кўпайди.

Ислохотларнинг самарадорлиги биринчи навбатда, кадрлар масаласи билан боғлиқ. Шу боис ҳам ички ишлар органларида малакали кадрлар тайёрлаш, янгича мафкура асосида тарбия топган, маънавий етук кадрларни тайёрлаш мақсадида ИИВ таълим муассасалари фаолияти тубдан ислох қилинди. 1993 йилда Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби, 1994 йилда ИИВ Академияси ташкил этилди.

Қисқа давр ичида ички ишлар органларининг шахсий таркиби етук малакага эга бўлган кадрлар билан тўлдирилди, ходимларнинг касбий ва жанговар маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада мамлакатда жиноятчилик сезиларли даражада камайиб, содир этилган жиноятларнинг қисқа фурсатда очилишига эришилди.

1994 йилда Ўзбекистоннинг Интерполга аъзо бўлиши республика ҳуқуқтартибот органларига хорижий давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

³ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. <https://lex.uz/docs/1033174>.



органлари билан ҳамкорлик қилиш, уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкор давлатларнинг куч ва воситаларидан фойдаланиш имконини берди.

Ўз вақтида ва узоқни кўзлаб амалга оширилган бу ўзгаришлар мустақил давлатимизнинг оёққа туриши ва дунё мамлакатлари орасидан ўз муносиб ўрнини эгаллашида, атрофдаги айрим мамлакатларда кескин вазият сақланиб турган бир даврда мамлакатда барқарорликнинг таъминланишида муҳим омил бўлди.

2-босқич. 1999-2016 йиллар. Бу даврда мустақиллик йилларида тўпланган тажриба ва мамлакатда юзага келган шарт-шароитлардан келиб чиқиб, ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор ислохотлар амалга оширилди.

XXI аср бўсағасида дунёда юз берган ўзгаришлар, глобаллашув жараёнларининг кучайиши мамлакатимизда ҳам хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш, турли таҳдидларга қарши курашишда янгича ёндашувни ишлаб чиқишни кун тартибига қўйди. 1999 йил 16 февраль воқеалари ички ишлар органлари тизимида камчиликлар борлигини кўрсатди.

Шу боис, Тошкент шаҳрида жамоат тартибини ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича янги концепция жорий қилиниб, унга биноан, шаҳардаги аввалдан мавжуд милиция участка нозирлари ўрнига профилактика инспектори штат бирликлари таъсис этилди. "Маҳалла посбонлари" ва "Яраштириш комиссиялари" жамоат тузилмалари ташкил этилди. Бу тузилмалар жойларда жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш, ички ишлар органларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини кучайтиришга имкон берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 мартдаги фармони ва унинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган бир қанча қарорлар асосида ички ишлар органларининг асосий соҳавий хизматларида ислохотлар ўтказилиб, уларнинг фаолияти янада такомиллаштирилди.

Ушбу ислохотлар ва структуравий ўзгаришлар аввало, мамлакатдаги тинчлик-осойишталикни сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликнинг барча кўринишларига қарши курашиш, юртимизда олиб борилаётган демократик ислохотларнинг бардавомлиги ва узвийлигини таъминлаш, бир сўз билан айтганда "кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини босқичма-босқич амалга ошириб боришга имкон берди.

3-босқич. 2016 йилдан ҳозирги кунга қадар. Ўзбекистон Республикасининг "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида тизимни тубдан такомиллаштириш, ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, ҳар бир ходими томонидан "Халқ манфаатларига хизмат қилиш"ни ўз хизмат бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантиришга қаратилган кенг



кўламли ислоҳотлар даври.

2016 йилда мустақил Ўзбекистоннинг 25 йиллик тарихида илк бор "Ички ишлар органлари тўғрисида" Қонун⁴ қабул қилиниб, унда ички ишлар органларининг асосий вазифалари, фаолиятининг йўналиш ва тамойиллари белгилаб берилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги Фармони да⁵ кейинги йилларда ички ишлар органлари фаолиятида тўпланиб қолган жиддий камчилик ва муаммолар таҳлил қилиниши баробарида уларни бартараф этиш, ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари ҳамда мамлакатимиз тарихида илк бор, ички ишлар органлари раҳбарларининг парламент, депутатлар ва кенг жамоатчилик олдида ўз вазифаларининг бажарилиши юзасидан ҳисобот бериши тартиби белгилаб берилди. Фармон билан "Ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш комплекс чора-тадбирлар Дастури" ҳам тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги қарори билан Ички ишлар вазирлиги тўғрисидаги низом тасдиқланди⁶.

Юқоридаги фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида қисқа давр ичида улкан ишлар амалга оширилди. Бунда энг аввало, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга фақатгина ички ишлар ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси деб эмас, балки барча давлат органлари ва аҳоли қатламларининг вазифаси, яъни, умумдавлат ва умумхалқ иши сифатида қараш, бу борада барча давлат ва нодавлат ташкилотлари ва кенг жамоатчиликнинг куч ва имкониятларини сафарбар этиш, аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда қонунга ҳурмат, қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига мурасасизлик муҳитини яратиш йўли билан ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси ва олди олинишини таъминлашга эътибор қаратилди.

Вазирлик соҳавий хизматлари ва ҳудудий бўлинмаларининг вазифа ва функцияларини мақбуллаштириш бўйича институционал, шунингдек, тизимга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, моддий-техника базани, ходимларни ижтимоий ҳимояси ва маиший шароитларини яхшилаш, раҳбар-ходимларнинг ўз фаолияти юзасидан аҳоли олдида ҳисобот беришини, тизимда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, ходимларнинг масъулиятини ошириш,

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Ички ишлар органлари тўғрисида // Халқ сўзи. 2016 йил 17 сентябрь.

⁵ Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони // Халқ сўзи. 2017 йил 11 апрел.

⁶ Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори // Халқ сўзи. 2017 йил 13 апрел.



уларнинг ўз хизмат вазифаларини мукамал бажаришлари учун муносиб шарт-шароит яратишга имкон бермоқда.

Энг асосийси тизимдаги бу ўзгаришлар мамлакат раҳбариятининг доимий диққат эътиборида бўлиб келмоқда. Юртбошимизнинг мамлакат ҳудудлари бўйлаб сафарларида албатта, у ерда хизмат олиб бораётган ички ишлар органлари ходимлари, биринчи навбатда профилактика инспекторларининг хизмат фаолияти, уларга яратиб берилаётган шароитлар билан бевосита танишаётганлиги, қисқа вақт ичида бу борадаги ишларнинг аҳволи бир неча марта Президент ҳузуридаги йиғилишларда муҳокама этилганлиги бунинг исботидир.

2019 йилнинг 10 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам бу борадаги ишлар танқидий муҳокама қилиниб, Ички ишлар вазирлигига вазиятни тубдан яхшилаш, чуқур таҳлил асосида мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Бугунги кунда "Маҳалла посбони" тузилмаси раҳбари лавозими ўрнига профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиси лавозими жорий этилиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича уларнинг шахсий жавобгарлиги белгилаб қўйилди.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши самарали курашиш бўйича маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиқиб, "ҳудудлар тажрибаси"ни жорий этиш, криминоген вазият оғир бўлган ҳудудларда илмий-тадқиқот ишлари ўтказиб, жиноятчилик аҳволи ўзгаришини криминологик прогнозлаш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқиш каби вазифалар қўйилди.

Давлатимиз раҳбари амалга оширилган ишларга баҳо берар экан, "кўрилаётган чоралар натижасида фуқароларимизда адолат ва қонун устуворлигига ишонч пайдо бўлмоқда. Лекин хотиржамликка берилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ, ҳали олдимизда қилинадиган ишлар кўп", - деди.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу амалга оширилаётган ислохотлар, қилинаётган ишлардан кўзланган асосий мақсад - юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни сақлаш, халқимизнинг хотиржам меҳнат қилиши, муносиб турмуш кечириши учун шароит яратиш, бир сўз билан айтганда халқни рози қилишдан иборат. Зеро, тинч ва осойита мамлакатдагина фуқароларнинг хавфсиз яшаши, юрт тараққиёти йўлида меҳнат қилиши, барча соҳаларда юксалишга ва фаровонликка эришиш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Ички ишлар органларитўғрисида // Халқ сўзи. 2016 йил 17 сентябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Ўзбекистон Республикаси



қонун ҳужжатлари тўплами. <https://lex.uz/docs/1033174>

3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда. <https://lex.uz/docs/3107036>.

4. Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Халқ сўзи. 2017 йил 11 апрел.

5. Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори // Халқ сўзи. 2017 йил 13 апрел.

Резюме

Мазкур мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган ислохотлар ва унда ички ишлар органларининг ўрни ҳақида маълумотлар таҳлилий баён қилинган.

Summary

The article analyzes information on reforms aimed at protecting the rights, freedoms and legitimate interests of citizens in the Republic of Uzbekistan over the years of independence, maintaining public order, ensuring the safety of the individual, society and the state, preventing crime and the role of law enforcement agencies.





O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI BILAN XITOIY XALQ RESPUBLIKASI INTEGRATSIYA MUNOSABATLARINING YANGI BOSQICHGA KO‘TARILISHI

Нафиса АХМАДОВА

Қарши давлат университети 2-курс докторанти.

Калит сўзлар: Ўзбекистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, интеграция, ташқи сиёсат, давлат ташрифи, етакчи ишбилармонлар, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқалар, стратегик шерик.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири Шарқ ва Тинч океани ҳавзаси давлатлари билан алоқалар ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган. Бу давлатлар орасида Хитой Халқ Республикаси (ХХР) билан давлатлараро алоқа ўрнатиш алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритган дастлабки пайтлар-даёқ Ўзбекистон ва Хитой ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 1992-йил 2-3-январь кунлари ХХР ташқи иқтисодий алоқа ва ташқи савдо вазири Ли Ланзин Тошкентда бўлиб, шу кунлари икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди, элчихоналар очишга қарор қилинди¹.

1992 - йил 12-14-март кунлари Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг ХХР га давлат ташрифи икки давлат ўртасидаги ҳамкорликка асос солди. Ташриф чоғида ҳамкорликнинг турли соҳалари бўйича 20 га яқин ҳужжатлар имзоланиб, улар орасида илмий-техникавий, қишлоқ хўжалигида ҳамкорлик, сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида битимлар мавжуд эди. 1994 йил 18-20-апрель кунлари ХХР давлат Кенгашининг раиси Ли Пеннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи пайтида Ўзбекистон билан Хитой ўртасида кредит, халқаро иқтисодий ҳамкорлик, ҳаво транспорти алоқаларини йўлга қўйиш бўйича ҳукуматлараро битимлар имзоланди. Хитой томони Ўзбекистонда тайёрланаётган "ИЛ-76 ТД" ва "ИЛ-114" самолётларини харид қиладиган бўлди. 1994 йил 24-25-октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов Хитойга иккинчи марта расмий сафар қилди ва муҳим аҳамиятга молик бўлган ҳужжат - "Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида ўзаро муносабатларнинг асосий тамойиллари, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида баённома" имзоланди. Шунингдек, икки давлат ўртасида консуллик шартномасига қўл қўйди. Ислон Каримовнинг 1999 йил 8-10-ноябрь кунлари ХХРга учинчи марта сафари чоғида сиёсат, иқтисодиёт, маданият,

¹ Internet tizim tarmoqlari. www.ziyonet.uz.



телекоммуникация соҳаларида ҳужжатлар имзолади. Икки томонлама алоқалар янада кенгайди. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган 78 та Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси икки давлат ўртасида ҳамкорликнинг ривожланиб бораётганининг далилидир.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов шундай таъкидлаган эди: "Хитой билан яхши, тенг ҳуқуқли муносабат ўрнатмоқчимиз, буюк қўшнимиз билан ҳамжиҳатликда эришмоқ ниятидамиз. Унинг фойдали тажрибасини ўрганиб, қабул қилмоқчимиз. Хитой билан ўзаро муносабатларимиз тарихида янги саҳифа очилди. Мазкур буюк мамлакат билан ўзаро манфаатли алоқаларни янада ривожлантириш учун яхши асос солинди"².

2014 йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича Кенгашнинг Шанхай шаҳрида ўтказилган IV саммити йиғилишидаги иштироки давомида Хитой Халқ Республикаси раиси Си Сзинпин билан икки томонлама учрашув ўтказди. Ислон Каримовнинг 2014-йил 19-20-август кунлари ХХРга қилган давлат ташрифи ўзбек-хитой муносабатлари ривожининг муҳим босқичи бўлди ва ташриф доирасида икки давлат раҳбарлари томонидан 2014-2018 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш дастури қабул қилинди.

Ўзбекистон - ХХР ўртасида фан, таълим ва маданий алоқалар ҳам ривожланиб бормоқда. "Ўзбекистон - Хитой дўстлик жамияти", "Хитой маданий маркази" ва "Конфуция маркази" нинг Тошкентда очилиши, Ўзбекистон Фанлар академияси ва ХХР ижтимоий Фанлар академияси ўртасида имзоланган битимлар, томонлар орасида талабалар ва мутахассислар алмашиш ишлари бунга яққол мисол бўла олади.

Ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ҳуқуқий базасини 2005 йилда имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартнома, 2010 йилдаги Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатларини ҳар томонлама чуқурлаштириш ва ривожлантириш тўғрисидаги қўшма декларация, 2012 йилдаги Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги Қўшма декларация, 2013 йилдаги икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация, 2014-2018 йилларга мўлжалланган Стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш дастури ҳамда 2016 йилда имзоланган қўшма баёнот ташкил қилади.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон ва Хитой алоқалари жадал суратларда ривож топиб, тараққиётнинг юқори босқичига чиқди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Сзинпиннинг таклифига биноан 2017 йил 11-15-май кунлари давлат ташрифи билан Хитойга борди.

² Karimov I.A. O'zbekistonning o'z istiqloq va taraqqiyot yo'li. T.: "O'zbekiston", 1992. B-165.



Ўзбекистон – Хитой ҳамкорлик муносабатлари кенг кўлам касб этиб, стратегик шериклик алоқалари юксак даражага кўтарилмоқда. Мамлакатларининг миллий манфаатлари, ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, жаҳондаги нуфузи юксалишига хизмат қиладиган бу алоқалар анъанавий ўзаро дўстлик, мустаҳкам ишончга асосланган ҳамкорлик негизда тобора тараққий этмоқда.

Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва маданиятига юксак ҳурмат кўрсатиб, 2016 йил Бухорога борганингиз, аждодларимиз қолдирган бой маданий меросга катта қизиқиш билдирганингиздан хурсандмиз. Ўзбекистон Хитойни қадимий тарих ва ноёб маданият, улкан салоҳиятга эга, жаҳон иқтисодиётининг етакчиларидан бўлган ва ўз мақсадлари йўлида қатъий бораётган мамлакат сифатида билади, деди Шавкат Мирзиёев³.

Хитой Ўзбекистон иқтисодиётига энг кўп инвестиция киритаётган давлатлардан биридир. Мамлакатимизда Хитой капитали иштирокидаги 700 дан зиёд компания ва корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йиллар давомида хитойлик сармоядорлар Ўзбекистон иқтисодиётига қарийб 7,8 миллиард доллар миқдорда инвестиция киритган.

Музокараларда иқтисодий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Музокаралар якунида Шавкат Мирзиёев ва Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги Қўшма баёнотни имзолادилар. Ушбу сафар чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси пойтахти Пекин шаҳрида 201714-15-май кунлари бўлиб ўтган "Бир макон, бир йўл" халқаро форумида иштирок этиб, юртбошимиз сўзга чиқиб, ҳамкорликнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этишни таклиф этди:

биринчидан, "Бир макон, бир йўл" концепциясини минтақавий тараққиётга оид аниқ дастур ва лойиҳалар билан бойитиш керак;

иккинчидан, Марказий Осиёни Хитой ва Россия орқали Жанубий, Жануби-шарқий Осиё ва Европа давлатлари билан боғлайдиган транспорт-логистика йўналишларини ташлик этишда Ҳамкорлик бўйича комплекс ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш лозим;

бизнингча, "Бир макон – бир йўл" транспорт коридорининг кенг тармоғига Покистон ва Эроннинг Ҳинд океанидаги бандаргоҳларига чиқадиган Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон-Афғонистон темир йўл магистрални бирлаштириш мумкин;

учинчидан, транспорт-коммуникация коридорини ривожлантириш билан бирга, аввало, юқори технологиялар соҳасидаги қўшма лойиҳаларни амалга оширишга эътибор қаратиш зарур;

тўртинчидан, "Ипак йўли иқтисодий йўналиши" ташаббусини самарали амалга ошириш учун, бизнингча, "макон ва йўллар" концепциясидан жой оладиган ҳамкорлик бўйича дастур ва лойиҳаларни қабул қилиш мақсади-

³ Қаранг "Xalqso'zi" gazetasi. 2017 yil 16-may.



да минтақалараро даражада бизнес ҳамжамиятлар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқотни ҳар томонлама рағбатлантириш зарур;

бешинчидан, "Ипак йўли иқтисодий йўналиши" ташаббусининг амалга оширилиши нафақат иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, балки маданий-гуманитар алоқаларимизни мустаҳкамлаш, мавжуд улкан сайёҳлик салоҳиятидан фаол фойдаланишга қаратилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йилнинг 7-май куни Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан телефон орқали мулоқот қилди⁴

Давлат раҳбарлари коронавирус инфекциясига қарши давом этаётган курашнинг энг мураккаб даврида кўрсатилган ўзаро кўмак ва гуманитар ёрдани катта мамнуният ва миннатдорлик билан қайд этдилар.

Апрель ойининг иккинчи ярмида ушбу хавfli вирус билан касалланганларни аниқлаш, даволаш ва реабилитация қилиш соҳасида Хитойнинг катта амалий тажрибага эга етакчи врачлари гуруҳи мамлакатимизда бўлишди.

Икки мамлакатнинг соғлиқни сақлаш ва санитария-эпидемиология назорати соҳасидаги идоралари ўртасида фаол алмашинувларни давом эттиришга келишиб олинди⁵.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 2020 йилнинг 4-ноябрь куни Шанхай шаҳрида "СИИЭ - 2020" Импорт маҳсулотлари учинчи Хитой халқаро кўргазмасининг очилиш маросими иштирокчиларига видеоалоқа орқали мурожаат йўллади⁶.

Президентимиз ўз нутқларида : "Биринчидан, Ўзбекистонда миллий иқтисодиётни, шу жумладан, ташқи савдо режимини либераллаштириш изчил амалга оширилмоқда.

Норматив-ҳуқуқий базамизни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш борасида фаол иш олиб бормоқдамиз. Божхона-тариф, фискал тартибга солиш ва экспорт-импорт процедуралари механизмларини такомиллаштиряпмиз, уларни сезиларли даражада соддалаштиряпмиз, "яшил йўлаклар"ни шакллантириш давом этмоқда.

Икки мамлакат бозорларида талаб юқори бўлган маҳсулотлар номенклатурасини келишиш ва уларни ишлаб чиқариш лойиҳаларига инвестициялар йўналтирилишини рағбатлантириш таклиф этилади.

иккинчидан, транспорт соҳасидаги ҳамкорликни кучайтириш муҳим йўналиш ҳисобланади. Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон янги мультимодал транспорт йўлаги очилганини олқишлаймиз, ушбу маршрут бўйлаб темир йўл қуриш лойиҳасини тезлаштириш тарафдоримиз.

учинчидан, Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ўзининг индустриал тараққиётини жадаллаштирмоқда. Биз ҳам ашё экспортини қисқартириш, юқори

⁴ Қаранг "Xalq so'zi" gazetasi. 2020-yil 8-may. 1-bet.

⁵ Қаранг. О'sha joy.

⁶ Қаранг "Xalq so'zi" gazetasi .2020 yil 5-noyabr.



қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва кўпайтириш сиёсатини амалга оширяпмиз.

Шу мақсадда саноат кооперацияси бўйича қўшма дастур қабул қилишни ҳамда қўшма инвестиция фондлари, сармояларни кафолатлаш ва сугурталаш каби воситалар ёрдамида икки мамлакат бизнес вакиллари аниқ лойиҳаларни амалга оширишга рағбатлантиришни таклиф этамиз.

тўртинчидан, Пандемия муносабати билан иқтисодий рақамлаштириш жараёнларини тезлаштириш алоҳида долзарб аҳамият касб этади. Халқаро савдо, божхона расмийлаштируви, транспорт таълим соҳаларига ахборот технологияларини кенг жорий этиш бўйича қўшма чора-тадбирларни ишлаб чиқишни таклиф этамиз⁷.

бешинчидан, СОВИД-19 пандемияси билан боғлиқ вазият глобал кун тартибининг асосий масаласи бўлиб қолмоқда. Ушбу инқироз узоқ давом этиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шу муносабат билан тиббиёт соҳасидаги ҳамкорликни, пандемия ва транс-чегаравий тусдаги эпидемиологик таҳдидларга қарши курашишда тажриба алмашишни кучайтиришни таклиф этамиз.

Ўзбекистон Хитой Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиб кирди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси давлатлари ўртасидаги муносабатлар ҳар томонлама мустақамланиб, ривожланишнинг янги босқичига кўтарилмоқда. Иқтисодий соҳасидаги келишувлар ҳар икки давлатнинг иқтисодини ривожлантирмоқда. Фан- таълим соҳасидаги ютуқлар ҳам катта аҳамиятга эга. Тиббиёт соҳасида ҳам турли хил битимлар имзоланмоқда, кадрлар малакасини ошириш мақсадида турли хил грандлар эълон қилинмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Интернет тизим тармоқлари. www.ziynet.uz.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.: "Ўзбекистон", 1992. 165-б.
3. "Халқ сўзи" газетаси. 2017-йил 16-май.
4. Мирзиёев Ш.М. "Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз" Т. "Ўзбекистон"- 2017-йил, 408-410-бетлар.
5. "Халқ сўзи" газетаси, 2020-йил 8-май.
6. Ўша жой.
7. "Халқ сўзи" газетаси .2020 йил 5-ноябрь.
8. Ўша манба.

Резюме

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Хитой Халқ Республикаси билан савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар муносабатлари ёритилган, таҳлил этилган ҳамда тегишли хулосалар берилган.

⁷ "Xalq so'zi" gazetasi. 2020-yil 5-noyabr. 1-bet.



UMIDLI DUNYO

(қисса)

Абдурашид МАҲМАТОВ,
иждоқор

Шамсиддин Боғишамолдаги шифохонадан чиққанида кун анча кеч бўлиб қолганди. Ташқарида этни жунжиқтириб эсаётган изғирин совуқ шамол кузнинг бошланганидан дарак бериб турарди. Шифохона ҳовлисида дарахларнинг кўплигидан, худди шаҳардаги оромгоҳга кириб қолгандай ҳис қиласан ўзингни. Бу ердаги кўпгина дарахларнинг барглари сап-сарик олтин рангларга бўялгандай. Қолганлари қизил ва малларанг тусларга кириб, табиат гўё ўзига аро бераётгандай. Шамол турфа хил баргларини ўз оғушига олиб учириб кетар, одамлар юрадиган йўлакларни аста-секин қопларди. Шамсиддин табиатнинг бу гўзаллигини энди кўраётгандек тамоша қилиб борарди.

Шамсиддин бугун шифохонага онасини кўргани келди, ёнида бир пас ўтириб, ҳол - аҳвол сўради, яхши гаплар билан кўнгилларини кўтариб қўйди. Оллоҳдан онаизорининг тезроқ соғайиб кетишини тилади. Кейин онасининг дуосини олгач, ташқарига чиқди.

Шамсиддин бир неча кун олдин қон босими ошган онасини Самарқанд шаҳридаги шифохоналардан бирига олиб келиб ётқизганди. Бир неча йиллардан бери Муслима хола хафақон касаллигига чалинган. Баъзан, сабаб бесабаб онасининг қон босими ошиб туради. Ҳар йили икки марта шифохонага келиб, врачлардан маслаҳат олиб кетади. "Бу йил энди ётиб даволанмасангиз бўлмайди" - деб шифокорлар Муслима холани касалхонада олиб қолишди. Шамсиддин haftaда бир, баъзан эса икки марта онасининг ҳолидан хабар олгани келади. У оиланинг катта фарзанди. Отаси Карим аканинг бу дунёни тарк этганига анча йиллар бўлди. Ўша пайтлар у ёш бола эди. Онаси бир этак бола билан ёлғиз қолди. Ёлғиз аёл болаларини оқ ювиб, оқ таради. Бировга мухтож бўлмасин деб, кечани кеча, кундузни кундуз демай, пахта далаларида ишлади. Аёл боши билан ўғли Шамсиддинни ёнига олиб пахта экди, уни суғориб, ҳам ишлов берди, далада тракторни ҳам ўзи ҳайдаган пайтлари бўлган. Лекин йиллар ўтиб, оғир меҳнатнинг оқибатлари кейинчалик билинар экан.

Кейинги пайтларда Муслима холанинг қон босими тез - тез кўтарилиб, безовта қиладиган бўлиб қолди. Ўзларининг туманида, баъзан вилоят марказига кўринишга келганларида шифокорлар кўриб даволаниб туришни маслаҳат беришарди. Даволаниш қаёқда дейсиз. Болалари ҳали ёш, уларни оёққа тургазиши керак, келажақда яхши бир ишнинг боши-



ни тутиб кетадиган инсон бўлиб етишишини ўйлаб, соғлигини эсидан чиқазиб юборарди...

Шамсиддин бугун яна онасининг ҳолидан хабар олгани келди. Онаси енгил овқатларни яхши кўради. Айниқса балиқ гўштини. Шунинг учун хотини Нигора балиқни обдон димлаб пишириб берди. Ёнига бозордан мева - чевалар харид қилди. Шамсиддин онаси билан шифохонада анчагача сухбатлашиб ўтирди.

- Барака топишсин, бу ерда дўхтирлар эътибор билан даволашаяпти, - деди онаси, - Мана, уч кундирки, анча яхшиман. Қон босимим ўзимизнинг касалхонада унча - мунчага тушмасди, кўз тегмасин, бу ерда қон босимим ҳар қалай тез тушди. - деб онаизори уларни роса олқаб гапириб ўтирди. Кейин сухбатнинг орасида қўшиб қўйди. - Кейин сен болам, ҳадеб менинг олдимга бўзчининг мокисидай қатнайверма. Ишинг бор, ишингдан қолиб юрма дейманда. - деб Шамсиддинга насиҳат қилди. Барибир онада, онаси ҳар доим уни авайлашга ҳаракат қилади.

Шамсиддин бўлса, онасини еру-кўкка ишонмайди. У мактабда яхши ўқиди, институтни эса аъло баҳоларга битириб, иқтисодчи бўлиб етишди. Институтдан кейин тақсимот бўйича уни ўзининг туманидаги тайёрлов қорхонасига ишга юборишди. Олдинига анча йил ёрдамчи ҳисобчи бўлиб ишлади, кейин астойдил ҳаракати билан иқтидори борлигини кўрсатди шекилли, уни бош ҳисобчи вазифасига тайинлашди. Мана, онасининг кўп йиллик орзуси амалга ошди. Шамсиддин топганини уйига олиб келади. Онаси уни яхши бир оиланинг қизига уйлантириб ҳам қўйди. Вақтнинг ўтишини қаранг, келин Педагогика институтини тугатиб, уйларининг яқинидаги мактабда бошланғич синфларга дарс берадиган бўлди. Улар энди ўзларининг фарзандлари бўлишини истайди. Қани энди уларнинг ҳам болалари бўлса. Бир неча йил ўтибдики, ҳали ҳам улар фарзанд кўрганларича йўқ. Бири кам дунё деб, шуни айтсалар керакда. Бу умидли дунёдан ҳали унинг умиди катта, фақат Яратганнинг ўзигина уларга ёрдам бериши мумкинлигини ҳис қилиб яшайди.

Шамсиддин йўлда шуларни ўйлаб кетаркан, куннинг совуғиданми, ёки йўлга вақтли чиққаниданми беихтиёр қорни очганини сезди. Эрта-лаб уйда нари - бери нонушта қилганди. Мана, кун ҳам пешиндан ошибди. У Регистон майдонидан ўтиб, Сиёб бозори томонга бурилдида, чойхоналардан бирига кирди. Чойхоначи йигит чой олиб келгач, тўртта кабоб буюрди. Тушлик қилиб бўлгач, тезда ўрнидан турди. У уйига кеч бўлмасдан етиб олиши керак. Уйда уни ёлғиз қолган хотини Нигора кутаяпти.

Машинасига ўтирган Шамсиддин калитни буради. Энди жойидан қўзғалган эди ҳамки, машина олдида бола кўтарган бир аёл туриб қолди. - " Нима, у гарангми? Сал бўлмаганда машина туртиб кетиши мумкин эди!". Тўсатдан машина олдида туриб қолган аёлдан норози бўлиб у машинасидан тушдида, аёлни йўлнинг четроғига ўтиб туришини сўради.



RUHIYAT SURATI

Совуқ кунда бирор юмуш билан кўчага чиққан бу аёл худди Шамсиддинни кутиб тургандай унга юзланди:

-Кечирасиз ака мулло, мени катта йўлгача олиб чиқиб қўёлмайсизми? Бу ерда адашгандай бўлдим, - деди у ёқ, бу ёққа аланглаб. - Аёлнинг кўзларида чуқур гамгинлик аломатларини сезгандай бўлди. -"Бу яна нимаси ўзи, ҳозиргина сал қолди машинанинг тагида қолишига, ҳаёли жойидами бу аёлнинг, яна олиб бориб қўйинг дейди-я!" Шамсиддин аёлнинг ноқулай жойда ҳаёл беҳаёл туриб қолгани, яна ўзини ғалати тутишидан ажабланиб унга разм солиб қаради.

- Бу ерлик эмасмисиз?- сўради Шамсиддин аёлдан.

- Йўқ, ака мулло, шаҳардан сал узоқроқ жойда яшайман. Агар йўлингиз Жом тарафга бўлса, мени олиб кетсангиз. Илтимос, йўлда Анжирли қишлоғида тушиб қоламан. У ёлворгандай, Шамсиддинга тикилди. Унинг кўзи мунгли боқарди. Аёл нимадандир изтиробда эди. Қўлидаги боласи гингшиб бигилаб йиғлар, аёл болани тинчлантириш учун уни қўлида тебратиб, овутмоқчи бўларди. Бундай кутилмаган ҳолатни кўрган Шамсиддиннинг кўнгли юмшадими ёки ўзининг ҳам келажақда фарзандли бўлишини ўйладими, ҳар қалай, у аёлни қишлоғигача олиб кетишга кўнди.

-Анжирли қишлоғида тушиб қоламан, - дея, такрорлади аёл.

Шамсиддин аёлни: -"Майли, машинага ўтиринг,"- деб таклиф қилди. Аёл эса қўлидаги боласини маҳкам қучоқлаб олдида, шоша - пиша машинага ўтирди.

-Раҳмат, амакижон, барака топинг! Шамсиддин бу аёлдан беш -олти ёш катта бўлишига қарамасдан уни амаки деганига унча эътибор бермасди. Чунки бу вилоятларда ёшлар ўзидан бир икки ёш катталарни ё амаки, ёки тоға деб мурожаат қилишга ўрганиб қолишганини у яхши биларди.

Машина жойидан қўзгалди. Шамсиддин катта трассада "Самарқанд - Қарши" йўналишига чиқиб олгач, кун бироз салқин бўлганлигидан машинанинг печкасини ёқди. Чунки аёлнинг қўлидаги боласи бу совуқ кунда совуқсираб қолган бўлиши мумкин. Аёлнинг ўзи ҳам юпун кийинган, боласи эса бу ҳавода шамоллаб қолишини ўйлаган эди. Бола энди йиғидан тўхтаган, машина ичида ҳам бироз вақт сукунат чўккандай бўлди, лекин машина моторининг бир маромда гуриллаган овози йўлда жимликни бузиб борарди холос.

Ҳавога яна булут чиқди, ҳозир бирданига ёмғир қуйиб юбориши мумкиндай ҳаво тез ўзгарди. Ҳавонинг ўзгариши куз ҳадемай тугаб, қиш келаётганидан дарак бераётгандай. Катта йўлнинг икки чеккасида худди соқчиликда турган аскарлардек яккам - дуккам дарахтлар кўзга ташланади. Йўлда қоқ, тўрхалта кўтарган одамлар манзиллари томон шошишади.

Шаҳардан чиққандан кейин йўл ёқасида узумзор бошланади. Аёллар, бўйи етган қизлар, норғул йигитлар боғларида етиштирган узум, нок, анор ва олмаларини челақларига тўлдириб, йўлнинг четига - кўзга кўринадиган жойга қўйишган. Бу ердагиларнинг кўпчилиги деҳқонлар. Қолганлари эса тирикчилик учун шу ишга қўл урган. ўйизлаб қатнаётган



қайдовчи ва ўтган кетганларга ўз мева - чеваларини сотиш учун улар имо-ишора қилишади. "Меваларимиздан олиб кетинг!", - дея имлашади. Бошига шол рўмол ўраб олган бир неча аёл эса, куннинг совуқ бўлишига қарамасдан катта йўлга яқинроқ дарахтлар орасида давра қуришиб, сухбатлашиб ўтиришибди. Қуёш ҳали ботмаган. Шамсиддан шуларни кузатиб йўлда машинада кетиб бораркан, беихтиёр олд ойна орқали аёлга разм солди. Аёлнинг кўзларида ёш балқигандай туюлди, унга. У гоҳ - гоҳида чуқур хўрсиниб қўяр, кўз ёшини кўрсатмасликка ҳаракат қиларди. "Бу ерда бир гап борга ўхшайди". - ҳаёлидан ўтказди Шамсиддин. Шунинг учун аёлни гапга солди.

- Нима бўлди синглим, нега йиғлаб кетаяпсиз, тинчликми, бирор кор ҳол рўй бердимми? Агар хохламасангиз жавоб бермай қўя қолинг. - У бу йўловчи аёлни ноқулай ахволга солмаслик учун у узр сўраб қўйди. Аёл эса унинг саволига жавоб бермади. Бир пас ўтгандан кейин хўрсиниб, кўзидаги ёшни артиб қўйди. Бироз вақт яна ўртага жимлик чўқди. Аёлнинг қўлидаги бола энди тинчиган, бу сукунатда унинг пишиллаб ухлагани шундай эшитилиб турарди. Улар бу орада анча йўл босиб қўйишди, аёл ҳам тинчлангандай бўлди шекилли, Шамсиддиннинг саволига энди жавоб бергиси келди унга юзланди.

- Ака мулло, мен бир худо қаргаган банда бўлсам керак. Нега дейсизми? Мен бандасига ҳам, Худосига ҳам ёқмайдиган иш қилиб қўйдим. Мени ҳеч ким кечирмаса керак. Ота-онамнинг юзига оёқ қўйдим, - деди хўрсиниб.

- Нима бўлди, бундай тушунтириброқ гапиринг. Қўлингизда ёш болангиз, турмуш қурганга ўхшайсиз. Ёки турмушингиз бўлмадимми?

- Йўқ, йўқ, ҳали турмушга ҳам чиққан эмасман, ажрашганим ҳам йўқ. Мен алдандим. Лекин у мени ҳозирча ташлаб кетганича ҳам йўқ. У ваъда берди, уйланишга. Фақат, фақат... - У ўзини тутолмасдан йиғлаб юборди. - ...Болам никоҳсиз туғилди. Менинг эса ота-онам олдида юзим шувут. Энди нима деган одам бўлдим? У ҳиқиллаб йиғлар, кўзидаги ёшини рўмолчаси билан тез-тез артиб қўярди, - Ҳозирча на тўй қиламиз, на турмуш қура оламиз. Аросатда қолиб кетдим. Айбим эса шу бола. Бор гап шу. Аёлнинг кўзидан ёш шашқатор оқар, у унсиз йиғларди. Шамсиддин беихтиёр машинани йўлнинг четида тўхтатди. Жувон гапида давом этди.

- Жон ака, сиздан илтимос, мени - бир бахти қора аёлни ўлимдан сақлаб қолсангиз, умрбод сиздан миннатдор бўлардим. Бугун эрталаб болам билан ўзимни поезднинг остига ташлайман, деб қасд қилиб кўчага чиққандим. Аммо бу норасида гўдагимни кўзим қиймади. Бу орада сизни Худонинг ўзи етказди менга, - у менга кўзларини мунгли тикиб, мўлтираб турарди. "У бир офатга йўлиққан-у, мен эса унинг холоскоридек эдим шу оснода." ўйларди Шамсиддин кутилмаган бу ҳолатдан. У бу бечора аёлнинг мунгли кўзларидан нимага шаъма қилаётганини англагандай бўлди. "Муштипар, бу бечора аёлга қандай ёрдам беришим мум-



RUHIYAT SURATI

кин".- деб ўйларди. -" Оилалик бўлсам. Хотиним нима дейди? У ҳам аёл, ҳар хил ёмон фикрларга бориши аниқ. Қолаверса, менинг оиламда ҳам тинчлик бузилиши мумкин". - Боши қотиб, унинг ҳаёллари тўзиб кетди. Йўлда шуларни ўйлаб кетаркан, аёлнинг гапларидан ҳаёли жойига келди.

- Жон ака, бирор иложини қилинг, боламни сизга берсам. Мени - бир бахти қаро аёлни ҳам, боламни ҳам ўлимдан сақлаб қолардингиз. Бўлмаса... деб у гапининг давомини айта олмади.

- Синглим, сизга қандай ёрдам бера олишим мумкин? Нималар деяётганингизни ўзингиз биласизми? - ҳайрон бўлганча сўради Шамсиддин. Энди аёлнинг қисматига шерикдай ҳис қиларди ўзини.

-Агар мумкин бўлса, йўқ демасангиз, шу боламни сизга берсам, нима дейсиз? Бу билан бир бахтсиз аёлнинг номусини сақлаб қолардингиз. Менга эса барибир энди, бу дунёнинг қизиги йўқдек. Мен эса ҳозир ҳам ўлимимга тайёрман! Бу ҳаётдан жуда тўйиб кетдим. - деди ўксиниб. Аёл дилидагиларни тўкиб солар экан, айтилган гаплар Шамсиддин учун дахшатли тушдек туюларди. Унинг кўнглида бу бечора аёлга ёрдам бериш истаги туғилди, лекин қандай қилиб? Бир пасда бўлиб ўтган воқеадан у ҳали ўзига келолмас, боши тинмай ғувилларди: Қандай қилиб? Ахир қандай қилиб, эндигина ҳали бир неча ойлик бўлган бир чақалоқни уйига олиб боради? Уйидагилар, хотини, қолаверса мунис онажони қандай ҳаёлларга боради, уларга нима деб жавоб қилади? Шамсиддин шулар ҳақида ўйлаб, ўйига етолмасди. Ҳаёлларининг охири йўқдек эди, гўё. Аёл эса тинмай гапирар, кўзидан дув-дув ёш тўкиларди.

- Мен сизга боламни вақтинчалик эмас, бутунлай бермоқчиман. Шу билан мени шармандалиқдан асраб қолган бўлардингиз! Қолаверса, қизим тирик қоладику! Яхши одамга ўхшайсиз. Билмадим, қандайдир, бошқачасиз. Негадир шундай туюлди менга. Йўқ, ёмон ўйламанг, гапларим ҳам чалкашиб кетди. Ҳа, сизни гапларимга тушунасиз, деб умид қилгандим. Шу мурғаккина, бегуноҳ қиз боланинг раҳмини ерсиз деб ўйлагандим. Ҳаммамиз ҳам инсонмиз. Савоб учун бир яхшилик қилинг, жон ака! Аёл гоҳ боласига, гоҳ Шамсиддинга умид билан термулиб, ҳадеб бир гапни такрорлар, тинмай унсиз йиғларди.

Шамсиддин аёлнинг гапларидан гангиб қотиб қолганди, бир пас ўзини йўқотди. Нималар бўлаяпти, ўзи? Наҳотки ёшликнинг бебошлиги, ўзининг ўйламасдан қилиб қўйган хатосини боласининг ҳаёти эвазига тўғриласа?! Бу ҳам етмагандай танимаган одамга ўз жигаргўшаси - боласини бериб юбораверса?! Қандай беадаб замонлар бўлди-я! Тўғри, бир пайтлар қариялардан эшитардик: Уруш йилларида - қаҳатчиликда ўз боласини бошқа хонадонларга ташлаб кетган баъзи оналар учраб турган. Улар фақат болаларининг очликдан ўлмай, тирик қолишини ўйлаб, шу йўлни тутишган. Аммо... тўқлик замонида боласидан воз кечиб, ўз ҳаёти, тинчлигини ўйлайдиганларнинг иши ҳеч бир қолипга сиғмайди. Шамсиддин шуларни ўзича идрок қилиб, ҳар хил ҳаёлларга бораркан, карахт



бўлиб қолган эди.

-Акамулло, сиз асло хавотир олмагн, мен сизга тилхат ҳам ёзиб бераман. - Аёл Шамсиддинга савол назари билан қаради. Шамсиддин алданиб қолган бу муштипар аёлга рад жавобини берса, барибир боласини қаерларгадир ташлаб кетишдан ҳам тоймаслиги мумкин. Ёки яна кимнидир топади, бола кимнинг қўлига тушади, буни Худо билади... Қиз бола экан, унинг тақдири нима кечади? Шу фикрлар уни тинмай қийнади. Онаси -ку, ўзининг ҳаётини ўзи ҳал қилган кўринади, аммо шўрлик болачи? Шамсиддин табиатан кўнгилчан эмасми, таваккал қилиб кўзлари нажот излаб, мўлтираб турган аёлнинг таклифини қабул қилишдан бошқа чораси қолмаганди. Чунки унинг ҳам фарзанд кўришдек бахтга етишиш орзуси узоқ йиллардан буён қийнаб юрарди.

Бир неча йиллардан буён фарзанд кўриш илинжида хотини билан кўп шифокорларга мурожаат қилди, аммо натижа йўқ. Шифокорлар уларни обдан текширувдан ўтказишардида, анализлар тайёр бўлгандан кейин, улар ўзларича эру-хотинни овутишга ҳаракат қилишарди, баъзан эса елка қисиб қўя қолишарди. Ҳаётининг мана етти йили шу тариқа ўтиб кетди. Шамсиддиннинг онаси ҳам жуда қийналиб кетди. У боласининг қисматига, бефарзанд қандай яшайди, деб жуда кўп қайғурарди. Ўглини бир неча марта хотини Нигорадан ажратиб қўймоқчи ҳам бўлди. Лекин Шамсиддин хотинига қаттиқ меҳр қўйганиданми, ажралиш тўғрисида ҳеч ўйламасди ҳам. Хотини Нигорага ҳам осон эмас. У ҳам бир неча марта эрига шунча йилдан бери фарзанд кўрмаётганлигимиз учун хоҳласангиз уйланинг, мен розиман деб айтган пайтлари бўлган. Лекин хотинидан бир неча бор бу гапларни эшитсада, ўзини эшитмаганга олади. Негадир ҳалигача бир қарорга келолганича йўқ. Умр эса ўтиб бора-япти...

-Умринг бекорга ўтиб кетаяпти, болам, - тоқорларди онаси. - Ёшинг ҳам ўтиб бир жойга бориб қолса, кейин қариликда қийин бўлади. Ўғилми, қизми худо сенга негадир фарзанд бермади. Бола сақлаб олгин десам, зоти - зурриётини билмасанг. Кейин, бировнинг боласи болалик қилармиди?! Янаям билмадим, буни Яратганнинг ўзи билади. - деб қўшиб қўярдилар. Бугун ҳам шифохонада онаси шу дийдиёларини айтиб, бир зум кўз ёши қилиб олди. - Мени ҳам бир кунлигим борми, ё йўқми, буни Худо билади. Сенинг ўрнингда бошқа одам бўлганида, аллақачон уйланиб, нечтадир болалик ҳам бўлиб оларди.- деди. Онаизорда, унинг ортидан дуо қилиб, Яратганга илтижо қилиб қўйди.

У кўчага чиқар экан, онасининг айтган гаплари унинг қулоғи тагида тўхтовсиз жарангларди. "Онамнинг гаплари тўғри, биз учун улар қайғурмаса ким қайғуради? Менга бу гапларни ким айтади? Ҳеч ким! Ҳозиргача аросатдаман, нима қилишимни ҳам билмайман. Балким, тасодифан йўлда учраган мана бу аёлнинг таклифи Оллоҳнинг биз учун ягона синовидир. Янаям билмадим"... Шамсиддин шуларни ўйлаб, ўйининг охирига етолмасди.



RUHIYAT SURATI

- Акамулло , мана сизга тилхат. - Шамсиддин ҳаёллар оғушида аёлнинг тилхат ёзганини ҳам сезмай қолганди. - Хатда яшаш манзилимни ҳам қайд қилиб қўйдим. Агар бирор... - Унинг томоғига бир нарса тиқилгандай, гапира олмай қолди. Ҳа, албатта бу аёлга ҳам қийин, ноиложликдан шундай қалтис ишга қўл ураётганини тушунса бўлади. Уят ўлимдан қаттиқ. Шармандалиқ ўлимдан ҳам ёмон эканлигига яна бир бор у амин бўлаяпти.

Шамсиддин тилхатни қўлига оларкан, унинг ҳам бирданига кўнгли бузилиб, кўзига беихтиёр ёш келди. Негалигини ўзи ҳам англамади. Лекин у бўлиб ўтган воқеадан қаттиқ таъсирланган эди. Аёл боласини эмизиб қизчанинг қорнини сутга тўйгизаркан, -" Ҳали икки соатларгача безовта қилмайди." - деди хўрсиниб. Кейин эса яна кўзига ёш олди. У боласини сўнгги марта бағрига босиб, оҳиста пешонасидан ўпти, жажжи юзчаларига юзини босиб: -"Мени кечир қизалоғим, бу бераҳм онангни кечир, умринг узоқ бўлсин", - деди пичирлаб. - "Наҳотки энди бир умрга боламни кўрмасам?" Шўрлик аёл шуларни ўйларкан унсиз йиғларди.

Шамсиддин болани онасининг қўлидан олди. Худди ўғирлик қилиб, қўлга тушган кишидек унинг қўли қалтирарди. Болани оҳистагина ёнидаги ўриндиққа эҳтиёт қилиб ётқизиб қўйдида, машинанинг калитини буради.

Боламни сизга, сизни эса Худога топширдим, Оллоҳга омонат, йўлингиз беҳатар бўлсин.- деди аёл, боласини олиб кетаётган Шамсиддинни кузатаркан. У имконияти бўлса албатта, хабар олишини таъкидлаб, улар билан хайрлашди. Гулсанам Шамсиддиннинг машинаси кўздан йўқолганча аёл уларнинг орқасидан кузатиб қолди.

Шамсиддин Косонга кечроқ, кун ботаётган пайтда кириб келди. Машинанинг ҳовли олдида тўхтаганини кўрган хотини Нигора дарров келиб дарвозани очди. Дарвоза ичкарисига кирган Шамсиддин чарчаганиданми, ёки йўлда бўлиб ўтган тасодифий воқеадан таъсирланганиданми, у бироз ўзига келгунча машинадан бир неча дақиқа тушмай туриб қолди.

- Ассалому алайкум! Ҳа дадаси , ахволингиз яхшими, чарчаган кўринасиз. - деди. Хотини унинг машинадан тушмай турганини чарчаганга йўйди. У хотинини кўрган заҳоти машинадан тушмай тургани ва ўзининг бу қилган ишидан кейин гапни нимадан бошлашни билмай ўйланиб турарди. Кейин Нигора қўшиб қўйди. - Нарсаларингизни ўзим олиб тушаман. - деди-ю, машинанинг орқа эшигини очди. Очди-ю, қотиб қолди.

- Дадаси, орқада бола!... -деёлди холос. Кейин ажабланиб, савол назари билан эрига қаради. - "Наҳотки , кимдир боласини унутиб қолдирган бўлса ? - Хотинининг ҳаёлида эса эри кимнидир йўлдан миндириб олган-у, улар ўзининг боласини машинада унутиб қолдирган деган ҳаёлга борган эди.

(Давоми бор)

- Бу бола кимнинг боласи? - ҳайрон бўлиб сўради.

- Сенга ҳаммасини тушунтираман.- деди Шамсиддин машинадан тушаётиб. - Саволларинг билан мени бошимни қотирма. Жуда чарчадим. Мана сенга бола, бу менинг болам, онаси менга бериб юборди. - жавоб берди у ҳазиллашгандай.

- Нуқул ҳазил қиласиз-а! Айтинг, кимнидир балки йўлдан миндириб келган бўлсангиз, улар боласини унутиб қолдирганга ўхшайди, шундайми? - Тонг саҳарлаб кетган одам нега бунчалик ҳаяллаб кеч қолиб кетди деб ўйладим ўзи. Кейин онасини излагансиз, лекин тополмасдан уйга қайтариб олиб келгансиз, шундайми? - деди Нигора. Эрининг миқ этмасдан уни эшитиб турганини кўрган хотини ўзининг тахмини тўғри чиққанлигига ишонч ҳосил қилгандай бўлди. Кейин, у аёл эмасми, бирдан ваҳимага тушди. Ҳалиги гапи рост бўлсачи? Мендан яшириб, бошқа бир аёлга уйланган бўлсачи?! Бу ўша аёлнинг боласи бўлсачи? Беихтиёр эрининг иш юзасидан сафарга кетдим деб, ҳафталаб уйда бўлмагани, уни баъзан ўйлантириб қўярди. Ўша воқеалар бирдан ялт этиб эсига тушди. Бундай хаёлга борганидан беихтиёр ўзи сесканиб кетди.

- Нигора, нега бунча ўйланиб қолдинг? Уйга олиб кир болани, қорни ҳам очиб кетгандир, бола бечорани. Сут тайёрлаб озгина ичиргин, хўпми! - деди Шамсиддин унинг саволларига жавоб бермасдан. Нигора қўрқа - писа болани қўлига олди. Секин юзини очиб, унга тикилди. Кўзига ёруғ тушгач, пишиллаб ухлаётган бу жажжигина бола кўзларини очди, ширингина тамшаниб, яна уйқуга кетгандай кўзини юмди. Нигоранинг кўзига чақалоқ чиройли кўриниб кетди. "Дўмбоққина бола экан",- деб хаёлидан ўтди унинг. Беихтиёр Нигоранинг юраги ҳаприқиб, дуккилаб уриб кетди: "Қанийди менинг ҳам шундай болам бўлса, пешонамга болалик бўлиш битганмикин? Пешонамга битмаган шекилли, э - э, менинг пешонам қурсин, пешонам шўр экан "- деб ўксиндида, пешонасига шапати билан бир уриб қўйди.

Нигора болани кўтариб уйга олиб кирди, у яна пишиллаб ухлаб қолганди. У ошхонага кириб, музлатгичдан кечқурун соғиб олинган сигир сутини олдида, электр платада қайнатди. Бироздан кейин яна қайтиб уйга кирди. Бола йўргакланган ҳолатда ухларди. Нигора секингина болани йўргагидан бўшатди, "Вой, қиз бола экан".- деди ичида. Озгина кўллиги ҳўлланибди, холос. Боланинг баданини қуруқ мато билан авайлабгина артди. Бола безовта бўлиб уйғонди, лабчаларини чўччайтириб йиғлай бошлади. Нигора нима қилишини билмай, шошиб қолди. Қорни очдимикин? Аксига олиб чақолоқлар шимийдиган резина сўргич ҳам йўқ. Олиб қўйиши керак экан. Мана шу оддий нарса ҳам асқатди. Сандиқни очиб излади, лекин сут берадиган резинали сўргичли шиша идишни топди. Ҳар қалай яхши бўлди. Бу шишали идиш сут ичиришга қулай. Кейин сандиқдан бир пайтлари бўлажак фарзандига ният қилиб олиб қўйган кўйлакчалардан бирини олдида қизалоқни кийинтирди, қайтадан уни йўргаклаб қўйди. Бола эса шундан кейин шимийдиган

резина сўргичсиз ҳам тинчланди. Нигора ошхонага чиқдида, қайнатиб совутиш учун стол устига қўйган сутни шишага солди, олиб келиб боланинг оғзига тутди. Бола шишадан сут ичмаган бўлса керак, бошини у ёқ бу ёққа буриб, инжиқлик қила бошлади.

- Қани ичақол болажон, Сени эмизадиган одам йўқ. Ойинг келгунча шу сутни ичиб турасан, ол, ич. - Нигора сутли шиша идишни сўргичи билан боланинг оғзига тутди. Бола ҳам аёлнинг гапларини тушунгандай, унга талпинди. Тамшаниб, шиша идишдаги сутни қилқ-қилқ қилиб ича бошлади. Нигора ўзида йўқ хурсанд эди. Бола сутни ичиб бўлгач, яна уйқуга кетди. Бола ухлагандан кейин Нигора ошхонага чиқиб, қайнаётган қозоннинг тагини ўчирди.

- Дадаси уйдасиз? Овқат тайёр, кела қолинг, ҳозир сузаман. - деб Нигора эрини кечки овқатга чақирди.

- Ҳозир кираман. - Ичкари хонадан Шамсиддиннинг овози эшитилди. У обдон ювиниб, кийимларини алмаштирдида хонага кирди. У болага яна бир бор назар ташлади. Бола диванда пишиллаб ўзининг уйида ётгандай ухларди. Нигора бу пайтда хонага икки коса шўрва олиб кирди.

- Кун совуқроқ бўлгани учун бугун иссиққина ичамиз деб шўрва осиб қўйиб эдим. Анчадан бери қайнаб ётибди. Сизсиз ичгим келмади. Кутиб ўтирдим сизни. Нигоранинг меҳрибон аёлларга хос яхши одати бор эди. Уларнинг боласи бўлмаганлиги учунми, Нигора ҳар доим эрини ишдан келишини пойлаб ўтирар, у келгандан кейин бирга овқатланишарди. У меҳрибон, садоқатли аёл, жуфти ҳалолининг ҳурматини доим жойига қўяди. Фақат у бир нарсадан қийналиб яшайди. Бу ҳам бўлса уларнинг боласи йўқлиги эди.

- Бола ухлади, беозорлигини қаранг. - Нигора эрига боланинг пишиллаб ухлаганига ишора қилди. У бу билан чақалоқнинг бу ерга қандай қилиб келиб қолганини тезроқ билгиси келарди.

- Хўп яхши шўрва бўлибдида, бай- бай! Қайнатма шўрвани яхши кўраман, соғлиққа яхши, айниқса ичакларни ҳаракатига жуда фойдали дейишади. Қўлинг дард кўрмасин, хотин. - деб қорнини силаб қўйди.

Кечки овқатдан кейин Шамсиддин хотинининг унга тикилиб турганини кўриб, энди бу ҳақда гапирмаса бўлмаслигини англаб етди.

- Нигора, сени яхши кўришимни биласан-а?

- Ҳа, албатта, дадаси. - Нигора ийманибгина ерга қаради.

- Хотин, бўлмаса диққат билан эшит. Тагин яна ёмон фикрларга бориб юрма, дейманда. Бу чақалоқни эримнинг иккинчи хотинидан, деб ўйласанг хато қиласан. Сенга айтсам, бу қизчани бизга Худонинг ўзи берди. Яратганининг ўзи бизга бугун ўнг кўзи билан қараганми дейман, раҳми келган, шекилли. Кейин, бизнинг илтижоларимизни эшитган кўринади. Қисқаси, мана бизнинг ҳам кўкрагимизга шамол тегадиган бўлди. Биз фарзандли бўлдик. Кўриб турганингдек, бизга Худо фарзанд берди. Қандай қилиб, дейсанми? Энди бугундан бошлаб бу қиз бизнинг фарзандимиз. Ҳа, ишонавер бу гапларимга, бу бизнинг фарзандимиз энди. - деди ишонч билан хотинига қараб Сўнгра бироз тин олиб, Шамсиддин йўлда бўлиб ўтган воқеани оқизмай - томизмай ҳаммасини Нигорага гапириб берди. Буни эшитган хотини бир ишониб, бир ишонмай, ҳанг-манг бўлиб қотиб қолди. Дунёнинг англаб бўлмайдиган бундай ғалати ишларига нима дейишини ҳам билмай, эрига ҳайрон бўлиб қараб турарди.

- Э, бечора аёл, мажбур бўлганда у, шу ишга қўл уришга. Тўғриси, жуда раҳмим келди ўша аёлга. Тақдирини қаранг! - У дунёнинг бундай галати ишларидан ҳайрон бўлиб турарди. - Ахир...мен бўлсам, яна ёмон фикрларга бориб юрибман, дадаси, кечиринг мени. - деди Нигора ниҳоят, Шамсиддиннинг кўзига қарамасдан ийманиб . Кейин ўйлаб кетди. "Биз шу пайтгача қанча истамайлик фарзандли бўлолмадик. Келиб - келиб шунақа фарзанд истамайдиганларга фарзанд берса-я?! Бу ҳам Яратганнинг бир синови бўлса керак. Барибир у аёл ҳам онаку! Наҳотки оналик бахтидан воз кечган бўлса! Лекин унинг бундай илоҳий бахтидан воз кечганлиги - унинг бахтсизлигидир. Бахти қаролиги шундаки, унинг ёшлигида алданганлиги, қолаверса унинг енгилтаклиги. Ҳаётни у ўйин деб қараган. Ёшликнинг бебошлиги бўлса керак. Тақдирнинг ўйинини қаранг. Ҳамманинг ҳам бу ҳаётда бирибир бир муоммоси бўларканда. "Бири кам дунё " деб шуни айтсалар керақда. Во ажаб!" - деб Нигора бироз ўйга чўмди.

Эрининг гапларидан кейин Нигоранинг кўнгли жойига тушди. Хайрият, бу бола унинг бошқа хотинидан бўлган деб гумон қилганлигидан ўзи уялиб кетди. - у ўз кўйлагининг ёқасини ушлаб, туф- туфлаб қўйди. Тасодифан бўлиб ўтган ва Яратганнинг бундай инъомидан Нигоранинг кўзлари ёниб, худди яшариб кетгандай сизди ўзини. Бўлиб ўтган воқеалар унга тушдек туюлар, ўзини қўярга жой тополмасди.

Нигора эртасига якшанба кун бўлганлиги учун эрини болага қараб туринг, у бу нарса олиб келаман деб магазинга чиқиб кетди. Бир пасда қизчага мос ҳар хил кийимчалар олиб келди. Бу уйда қандайдир бир кунда илиқлик пайдо бўлгандай эди. Ишдан қайтгач, уйда ивирсиб, нима қилишини билмай юрадиган Нигорага энди ҳақиқий оналик бахтини унга Яратганнинг ўзи берди. Айни пайтда мактабда ҳам кузги таътил бошланган, у кун бўйи қизча билан овора эди. Қизчани худди яқингинада туғруқхонада туққану, бугун олиб уйга қайтиб келгандай ҳис қиларди ўзини. У ҳақиқий онага айланганди.

Шамсиддин ҳам беҳад хурсанд, кайфияти зўр. У ҳам ҳаётга қайтгандай бўлди. Бўлиб ўтган воқеани онасига ҳам ётиги билан тушунтирди. Муслима опа икки hafta даволангач, ўзини яхши ҳис қиладиган бўлиб қолди. Уйига жавоб беришди. Уйга келган она, келинининг чеҳрасида нур пайдо бўлганлигини яққол кўрди. Ўғли билан келинини фарзанд билан муборакбод этди.

- Болаларим, яратганнинг ўзи сизларнинг нишонгизни эшитибди, бахтли бўлинг, болаларим, у дунёи бу дунё сизларни Яратганнинг Ўзи қўлласин. Охири бахайр бўлсин, - деб юзига фотиха тортиб қўйди.

Шамсиддинда ҳам болага нисбатан меҳр ўйғонди. Сафарга бориб қолгудай бўлса, катта шаҳардан қизимизга нима олиб келай, деб хотинидан сўраб қўяди. Керакли нарсаларни хотини айтганидан ҳам зиёда қилиб олиб келади. Мана, Шамсиддиннинг болани уйига олиб келганига ҳам бир йилча бўлиб қолди. Қизалоқ эмаллаб, баъзан эса оёғига турадиган, бир- икки қадам ташлайдиган бўлди. Бола жуда зийрак, ён - атрофга қарайди, ҳамма нарсага қизиқадиган бўлиб қолди. Нигорани кўриб унга қараб интилади. Шамсиддин билан Нигоранинг қувончлари эса чексиз.

Баъзида Шамсиддин ўйлаб қолади: " У аёлга ўзининг манзиллини бермагани маъқулмиди? - Боланинг онаси уни олиб кетгани келса,